O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши мин-минлаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 34-35 (140-141)-сонлар, 2006 йил 31 август | www.21asr.com

СИЁСАТ

3 Бу муваффақият бизга жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда фаол иштирок этиш имконини бермоқда

ЖАРАЁН

5 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдан мақсад янги-янги иш ўринлари яратиш, турмуш фаровонлигини оширишдир

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

23 Молдованинг нейтрал давлат эканлиги Конституцияда мустаҳкамланган ва у НАТОга аъзо бўлишга интилмаган

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ ШУКУҲИ

Тинчлик ва бунёдкорлик намуналари

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 30 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маҳсули сифатида сўнгги йилларда юртимизда дунёнинг турли нуфузли университетлари билан ҳамкорликда қатор олий таълим муассасалари ташкил этилди. Истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами арафасида улар сафига М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиали ҳам қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2005 йил 14 ноябрь куни Москвада Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Стратегик шериклик тўғрисидаги шартноманинг мантиқий давоми бўлган бу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни олий даражага кўтарди.

Кремлда ўтган ана шу тарихий учрашувда Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиалининг очилиши маълум қилинган эди. 2006 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. МДУ филиалининг биноси Тошкент марказидаги Мовароуннаҳр кўчасида қад ростлади. Қурилиш ишлари "ЎзЛИТТИ" ёпиқ акционерлик жамияти томонидан бажарилди.

30 август куни МДУнинг Тошкент филиалига ташриф буюрган Президент Ислом Каримов бу муҳташам бино ён-атрофдаги иншоотлар билан ягона меъморий ансамбль ҳосил қилганини таъкидлади.

Филиал МДУнинг ажралмас қисми бўлиб, турли соҳада малакали мутахассислар, жумладан, илмий-педагогик кадрлар етиштириб беради. Абитуриентларни қабул қилиш ва битирув имтиҳонлари МДУ томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Июлнинг биринчи ўн кунлигида мазкур олий ўқув даргоҳига кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Мингга яқин абитуриент саксон ўрин учун ўзаро беллашди. Янги ўқув йилида унинг илк талабалари икки йўналишда — амалий математика ва информатика ҳамда психология бўйича таҳсил олишни бошлайди.

Бу ерда ўттиздан зиёд аудитория, кўплаб лабораториялар, корпоратив тармоқли компьютер хоналари, ахборот-ресурс маркази, кўпайтириш-нашр этиш бўлими, спорт мажмуи, хуллас, барча шароит мавжуд. Филиал зарур ўқув қўлланмалари, адабиётлар билан таъминланган.

Президентимиз филиал раҳбарияти ва талабалар билан суҳбат чоғида ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалий математика ва психология соҳаси мутахассисларига эҳтиёж борлигини таъкидлади.

— Ушбу филиал мамлакатимизнинг Россия билан иттифоқчилик муносабатларининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлди, — деди Ислом Каримов. — Россиядан йирик олимлар келиб, дарс беради. Бу эса илмий-академик доираларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Ислом Каримов талабаларнинг ўқиш, машғулотларга тайёрланиш, яшаш шароитлари билан танишди. Компьютер хонаси, ахборот ресурс маркази, конференциялар залини кўздан кечирди.

Талабалар МДУ филиали Ўзбекистон ёшлари учун катта совға бўлганини таъкидладилар. Ёшлар таълим-тарбиясига бераётган юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг бош майдони улкан меъморий ансамблга айланди. Мустақиллик монументи, Хотира майдони барпо этилди. Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси сингари асрлар силсиласига бардош бера оладиган бунёдкорлик намуналари яратилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тўлиқ реконструкция қилинди.

Давоми 2-саҳифада.

Эсдалик нишонлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда фидокорона меҳнати билан ўзини кўрсатган 5 нафар киши "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий, давлат хизматчилари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимлари Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллар ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил эсдалик нишонлари билан тақдирландилар.

Юксак мукофотларга сазовор бўлганлар орасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари ҳам талайгина.

Кеча O"zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси биносида байрамолди тадбири бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, жамоатчилик вакиллари, матбуот ходимлари иштирок этишди. Тантанали маросимда O"zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М. Тешабоев бир гуруҳ партия фаоллари ва журналистларга "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишонларини топширди.

Партия раҳбари мукофотларни топширар экан, партия фаолларини истиқлол байрами билан қутлаб, уларнинг келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилади.

Маросимда мукофотланганлар номидан сўзга чиққан "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири М. Абдураҳмонов, Олий Мажлисдаги O`zLiDeP фракцияси раҳбари А. Шодмонов, "ПГС" фирмаси раҳбари П. Свешников ва бошқалар юксак эътибор учун Президентимиз ва ҳукуматимизга миннатдорлик изҳор қилдилар ҳамда мустақилликни мустаҳкамлаш, халқ бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам сидқидилдан хизмат қилажакларини таъкидладилар.

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Ватанни англаш

Шабнам-шабнам тонгларда жайронларга айланган,
Онанг сувлар сепганда райҳонларга айланган,
Бир кечада соғинчинг осмонларга айланган,
Соғинчларингдай зангор осмонлари Ватандир.

Дерлар ҳусну малоҳат вафо қилмас, арир у,
Сен ёр десанг, тушдаги Лайлоларга арзир у.
Ҳаридан ҳам ҳариру паридан ҳам парирў,
Сойларга соя солган мужгонлари Ватандир.

Бешикларда ўйнаган оппоқ-оппоқ қўлчалар,
Кўзмунчоққа сўйлаган кўзмунчоқдай кўзчалар,
Очилган гул-ғунчалар, қанду асал кулчалар,
Момоларинг тўй қилган айвонлари Ватандир.

Отанг солган уйлар бу — синчлари - бардошларга,
Токлари ўхшаб кетар мўйсафид элдошларга,
Томлар узра чўзилиб кўклар, ой, қуёшларга,
Узум узатиб турган нарвонлари Ватандир.

Бир йигитга оламда ҳам ёру, ҳам ор керак,
Номуси баланд эрга на сўз, на гуфтор керак,
Фарзандлари улғайса шерюрак, арслонюрак,
Элнинг ҳар они, давру давронлари Ватандир.

Оллоҳ ўзи буғдойинг - тиллоларга еткизгай,
Қабоғингнинг остидан балоларни кеткизгай.
Оқсарою Кўксарой дунёларга еткизгай.
Ор-номусдан яралган қўрғонлари Ватандир.

ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси республикамизда фаолият юритаётган барча тадбиркор ва ишбилармонларни, кичик бизнес вакилларини, дастурхонимиз тўкинлиги, юртимиз ободлиги йўлида тер тўкаётган танти ва мард фермерларни, хусусий мулк эгалари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришга ҳисса қўшаётган барча ҳамюртларимизни Мустақилликнинг 15 йиллик айёми билан муборакбод этади.

Хонадонингиздан қут-барака, дастурхонингиздан тўкинлик аримасин, азизлар!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 29 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	932,06	1 Миср фунти	214,40	1 Польша злотийси	399,29	10 Жанубий Корея вони	12,74
1 Англия фунт стерлинги	2322,34	1 Исландия кронаси	17,58	1 СДР	1822,02	10 Япония иенаси	104,93
1 Дания кронаси	210,76	1 Канада доллари	1109,75	1 Туркия лираси	825,04	1 Россия рубли	45,84
1 БАА дирҳами	334,47	1 Хитой юани	154,15	1 Швейцария франки	994,00	1 Украина гривнаси	243,27
1 АҚШ доллари	1228,49	1 Малайзия рингити	333,78	1 ЕВРО	1571,36		

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

БАРПО этилаётган янгидан-янги иншоотлар халқимизнинг маънавий такомилига хизмат қилади

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

Тинчлик ва бунёдкорлик намуналари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Фарзандини бағрига босиб турган Бахтиёр она ҳайкалининг ўрнатилиши майдон меъморий ечимидаги ўзига хос ютуқ бўлди. Бу бадиий мажмуа эл-юрт шаён-шавкати, ғурурифтихори, миллий давлатчилигимиз тимсолларидан бири сифатида абадиятга муҳрланди.

Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она ҳайкали, Эзгулик арқаси оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак билан бирга яхлит ансамблни ташкил қилади. Мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини уйғунликда ифодалаган бу ёдгорлик, Юртбошимиз таклифига кўра, Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб аталди.

Умумхалқ байрамлари, тантанали маросимларда ушбу обида пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий таомил мақомини олди. Келин-куёвларнинг янги ҳаётга қадам қўйиш олдидан бу ёдгорликни зиёрат қилиши ҳам анъанага айланди. Азиз ва мўътабар меҳмонларимиз ана шу масканни чуқур эҳтиром билан зиёрат қиладилар.

Президент Ислом Каримов Мустақиллик майдонидаги янги иншоотлар билан танишишни маъмурий бинодан бошлади.

Мустақиллик майдонига файз бағишлаб турган мазкур бино улкан бунёдкорлик ишларининг ҳосиласидир. 14 қаватдан иборат кўркам маъмурий бино ҳамда унинг ёнида қад ростлаган 7 қаватли муҳташам иморат бир-бирига уйғун ягона мажмуага айланган.

Давлатимиз раҳбари бино билан танишар экан, мазкур иншоотни барпо этишда иштирок этган муҳандислар ва қурувчиларнинг меҳнати ва маҳоратига юксак баҳо берди.

— Бу муҳташам бино Мустақиллик майдонининг яхлит меъморий ансамблини тўлдиради, — деди Юртбошимиз. — Бундай мажмуалар мустақиллигимизнинг тобора мустаҳкамланаётганидан, эл-юртимиз фаровонлиги ортаётганидан яна бир далолатдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалда изчил татбиқ этилаётган Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бош режасида фавворалар барпо этиш амалиёти мустақиллик даври меъморчилигининг узвий қисми сифатида муҳим ўрин тутади.

Олдинги фавворанинг истиқлол йилларида Мустақиллик майдонида юксак дид билан бунёд этилган меъморий обидалар қуршовида бугунги илғор технология даври талабларига жавоб бермаслиги аёнлашиб қолган эди. Жорий йилнинг апрель ойидан бошланиб, яқинда ниҳоясига етган қурилиш- реконструкция ишлари туфайли замонавий фавворалар мажмуи юзага келди. Маъмурий бинонинг икки тарафидаги фавворалар тўла реконструкция қилинди. Хотира майдонига туташ жойда эса қўшимча равишда қурилган узунлиги 88 ва эни 35 метрлик янги фонтан ҳам кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида бош майдонга туташ ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг яна бир улкан ҳосиласи — Бизнес марказидир. Мазкур иншоот Мустақиллик майдонига ёндош чорраҳада қад ростлади.

Президентимиз тавсиясига кўра, бу ерда 2004 йилдан Навоий кон-металлургия комбинатининг бизнес марказини барпо этиш ишлари бошланган эди. Бир ярим йил ичида бунёд этилган 14 қаватли иншоот қурилишида маҳаллий қурилиш маҳсулотлари билан бирга, хорижий мамлакатларда тайёрланган ноёб материаллар, жиҳоз ва ускуналар ҳам ишлатилди. Эътиборли жиҳати шундаки, девор сиртини қоплашда оқ суньий тош — "сатил" қўлланилгани бинога кўркам қиёфа ва салобат бағишлади.

Ислом Каримов бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, меъмор, лойиҳачи, қурувчи ва монтажчилар меҳнатини юқори баҳолади.

— Мазкур марказнинг барпо этилиши мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада оширишга, юртимизга хорижий сармоядорларни кўпроқ жалб этиб, улар билан манфаатли мулоқотлар ташкил этишга хизмат қилади, — деди Президентимиз. — Айни пайтда бу бино ўзининг бетакрор қиёфаси билан Мустақиллик майдонининг умумий манзарасини тўлдиради, кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшади.

Ҳа, изчил юксалиш йўлидан бораётган, осмони мусаффо, бунёдкор халқ мана шундай улуғвор биноларни, бетакрор майдонларни, гўзал фавворалари қуриши мумкин.

Анвар БОБОЕВ,
Ғулом МИРЗО,
Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА мухбирлари.

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, МУШТАРИЙ ИЛҲОМИ

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Қишлоққа — минитехнологиялар

Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 24 августдаги "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий электорати бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, тадбиркорлар ва фермерлар, кичик бизнес вакиллари зўр қониқиш туйғуси ва мамнуният билан кутиб олдилар.

Юртимизда чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларининг 98 фоизи шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилмоқда. Фаолият кўрсатаётган минглаб фермер хўжаликларида турли хил қайта ишлаш технологиялари (ун тегирмонлари, макарон ишлаб чиқариш, мева-сабзавот, гўшт, сут маҳсулотларини қайта ишлаш) мавжуд. Айни пайтда фермер хўжаликлари қайта ишлашни кенг йўлга қўйиб, юқори самарадорликка эришмоқдалар.

O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари вакиллари иштирокида Тошкент туманидаги "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалигида ташкил этилган ўқув-семинарда минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни жорий этиш орқали фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга доир масала муҳокама қилиниб, аниқ таклиф ва фикрлар билдирилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар "Ўзэкспомарказ" МКК" ОАЖ ҳудудида фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар учун минитехнология ва ускуналарнинг доимий ҳаракатдаги кўргазма-савдоси ташкил этилиши ишлаб чиқарувчиларга танлаш имкониятини беришини таъкидлашди.

Тадбир сўнгида Президентнинг мазкур қарори мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, унинг ижросини таъминлашда O`zLiDeP олдида турган вазифалар белгилаб олинди, тегишли қарор қабул қилинди.

Суратлар ҳикоя қилади

ЖИЗЗАХ. Жорий йилнинг 22 августидан бошлаб O`zLiDeP Жиззах вилояти туман ва шаҳар кенгашларида давлатимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳамда партия тузилмаларининг бугунги фаолиятига бағишланган фотокўргазмалар намойиш этилмоқда.

Партиянинг вилоят кенгашидаги кўргазма вилоят "Маънавият ва маърифат" маркази билан ҳамкорликда очилди. Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асаридаги фикр ва мулоҳазалар, вилоятнинг ўтган 15 йил давомида ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётида рўй берган янгиликлар ва ўзгаришлар акс этган фотосуратлардан жамланган "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Жиззах вилояти" деб номланган плакатлар кўргазмадан асосий ўринни эгаллаган. Кўргазмани ҳозиргача партиянинг депутатлик гуруҳлари аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоалари вакилларидан иборат юзлаб кишилар келиб кўрдилар.

Фотокўргазма шу йилнинг 10 сентябрига қадар очиқ бўлади.

ҲАМКОРЛИК

Ташриф ниҳоясига етди

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми 30 август куни Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Бу ерда олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ф.АРЗИЕВ, ЎзА мухбири

Жунъичиро Коидзуми Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, халқимизнинг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу ният ва интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини таъкидлади.

Япония Бош вазири Тасвирий санъат галереясига борди. Бу ерда олий мартабали меҳмон Ўзбекистон тарихидаги буддавийлик даври санъатига оид экспонатларни кўздан кечирди. Ўзбекистон ва Япония археологларининг қўшма экспедицияси фаолияти билан танишди. Будда ҳайкаллари, Кушонлар империяси даврида қолган тарихий буюмлар Япония Бош вазирида катта таассурот қолдирди.

Жунъичиро Коидзуми Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрини кўздан кечирди. Бу муаззам санъат кошонаси иккинчи жаҳон уруши даврида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган япониялик фуқаролар иштирокида бунёд этилган.

Япония Бош вазири иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган ва ўзбек заминида абадий қўним топган ватандошлари хотирасига бунёд этилган ёдгорлик пойига гул қўйди. Ўзбекистонда япон ҳарбийлари хотирасига атаб қурилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларининг белгиси эканлигини таъкидлади. Уларнинг хотирасига кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор учун Президент Ислом Каримовга, Ўзбекистон халқига миннатдорлик билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми Самарқанд шаҳрида бўлди.

Олий мартабали меҳмон қадимий шаҳарнинг тарихий обидаларини томоша қилди. Соҳибқирон Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Бибихоним масжиди, Шоҳи Зинда мажмуини зиёрат қилди, Улуғбек расадхонаси билан танишди.

— Самарқандга биринчи марта келишим, — деди Жунъичиро Коидзуми. — Шаҳарнинг тарихий обидалари ҳам, бетакрор, замонавий қиёфаси ҳам кишининг баҳри-дилини очади. Юртингиздан жуда бой таассуротлар билан қайтмоқдаман.

Шу билан Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуминнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

МУКОФОТ

Мамлакатимиз Мустақиллигининг қутлуғ 15 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимизга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилди.

Юксак унвон муборак!

Улар орасида Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги "Ҳайтиммат ота" фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP аъзоси Гулмат Ҳайтметов ҳам бор.

Суяги деҳқончиликда қотган, 40 йилдан буён ер билан сирлашаётган, мустақиллик шарофати билан фермер хўжалиги ташкил этиб, йирик тадбиркорга айланган Гулмат Ҳайтметов айни пайтда 100 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, мамлакатимиз аграр соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиш билан бирга O`zLiDeP фаоли, халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашининг депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси сифатида давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этаяпти.

"Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлган партиядошимизни давлатимизнинг юксак мукофоти билан самимий муборакбод этамиз.

Ҳаммаси ўз ҳаракатимизга боғлиқ

Мустақиллик йилларида республикамиз матбуоти ва оммавий ахборот воситалари соҳасида юз берган ўзгаришларни, ҳатто соҳамиздан йироқ кишилар ҳам бирмунча батафсил айтиб беришлари мумкин. Ушбу соҳа вакили сифатида фикримни мухтасар баён этадиган бўлсам, ўзбек миллий журналистикаси 15 йил мобайнида мустабид мафкура югурдаклигидан демократик қадриятларни англашга қадар бўлган йўлни босиб ўтди.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси

"Демократик қадриятларни англаш" деган жумлага алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Зеро, демократия нақадар тотли, нақадар муҳим сўз бўлмасин, у онгли равишда англаб етилган тақдирдагина қадрли. "Демократия" атамасининг моҳияти икки қўшалоқ асосдан ташкил топган: **эркинлик** ва **масъулият**. Ана шу икки тушунчанинг бирортаси бўлмаса, ундай демократия кемтик демократия бўлиб қолади. Бу хил кемтикликка йўл қўймасликнинг бирдан-бир чораси эса юқорида айтилганидек — ҳар ишни англаб етган, ўқувини топган, ҳадисини олган ҳолда адо этиш.

Матбуотимиз ҳам, журналистларимиз ҳам ана шунга эришмоқдалар. Эркинлик пойдеворини мустаҳкамлаш учун эса барча имкониятлар яратилмоқда: ҳуқуқий асослар дейсизми, илмий, иқтисодий, маърифий ва ҳоказо асослар дейсизми — ҳаммаси муҳайё. Энди ҳамма гап ҳаракатда.

Маҳорат — ниҳоятда кенг тушунча, унинг "қўли"дан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Айниқса, юксак ижодий маҳорат учун тўсиқ, чегара йўқ, ижодий муаммо йўқ. Демак, истиқлол ҳамкасбларимиз олдига ҳозирги куннинг маҳоратли журналисти бўлиш талабини қўймоқда. Журналистдан жамиятнинг етук инсони, зиёлиси бўлиб танилишни тақозо этмоқда. Ўз қатъий сўзи, нуқтаи-назари, салоҳиятига эга бўлган журналист-шахслар кўпайиши жуда-жуда зарурлиги кун тартибига қўйилмоқда.

Мана шуларнинг ўзи ҳам янги давр миллий матбуотчилигимизнинг ўзига хос фазилатларидандир.

Саидумар АЪЛОЕВ

Ўзбекистоним бугун

Ўзбексан, озодсан, ҳурсан бугун,
Фарзандлар кўнглида ғурурсан бугун,
Истиқлол номингни ёйди жаҳонга,
Олам узра таралган нурсан бугун.

Сен ўзлигинг англадинг бугун,
Тенглар ичра тенгсан бугун,
Буюк Турон заминида рост,
Қаддинг баланд ғурурсан бугун.

Мустақиллик берди имконлар,
Тақдиринг қўлингда, бу имтиҳонлар,
Бор бойлигинг танти фарзандлар,
Ҳар ҳовуч тупроғинг кон диёр бугун.

Буюк келажакка эгасан бугун,
Шарқда машъал, эркасан бугун,
Ўтмишинг, она-тарих сени қўллайди,
Довруғинг дунёга ёйсан бугун.

ҲАР қандай партия аниқ ғояларнинг тарафдори, муайян гуруҳларнинг манфаатларини олдинга сурадиган, ҳимоя қиладиган куч сифатида майдонга чиқади

СИЁСИЙ ҲАЁТ

Сўз ва иш уйғунлиги тараққиёт кафолатидир

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ МУҲАММАДЮСУФ ТЕШАБОЕВ БИЛАН МУЛОҚОТ

— Муҳаммадюсуф Муталибжонович, халқимиз ўзининг энг улуғ ва энг азиз байрами — Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллигини кенг нишонламоқда. Ушбу қутлуғ сана арафасида O`zLiDeP аъзоларининг катта қисмини ташкил этувчи тадбиркору ишбилармонлар, фермерлару хусусий бизнес вакилларининг катта бир гуруҳига давлатимизнинг юксак мукофотлари топширилди. Юртбошимизнинг ана шундай катта эътиборини қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Менимча, энг аввало, мамлакатимиз ишлаб чиқаришининг барча жабҳаларида электоратимиз бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар, хусусий бизнес эгалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари вакилларига кўрсатилган бундай эътиборни камтарона меҳнатимизга берилган жуда катта баҳо, деб қабул қилиш лозим.

Тарихнинг қай бир саҳифасини варақламайлик, аксарият ҳолларда буюк инсонлар, азиз-авлиёларнинг ўз меҳнати, элу юртга кўрсатган саховати ҳаётлигида эмас, балки бу дунёдан кўз юмгандагина қадр топганига гувоҳ бўламиз. Минг шукрки, бугун истиқлол даврида ҳар ким ўз меҳнатига яраша мукофотини ҳам, эътиборини ҳам топаяпти. Бундай муносабат яратувчанлик кучига куч қўшаяпти, янгиянги бунёдкорлик ғояларига қанот бўлаяпти.

Юртбошимиз ғамхўрлиги ва эътиборининг ҳосиласини юртдошларимиз юзидаги, ёшларимиз кўзидаги қувончдан, уларнинг янги-янги режаларидан ҳам кўрсак бўлади. Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида юртимизда фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари 25 фоиз, улар ишлаб чиқарган маҳсулот салмоғи эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 фоизга кўпайганининг ўзи ҳам фикримизга далил бўлиши мумкин. Ихтисослаштирилган 210 та мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатлари негизида эса 39 мингта фермер хўжаликлари ташкил топди. Етиштирилган ғалланинг 70 фоизидан кўпроғи соҳибкор фермерларимиз ҳиссасига тўғри келди. Бунга, энг аввало, одамларимиз онги, шуурида рўй бераётган ўзгаришлар ҳосиласи, деб қарасак, адолатли бўлади.

Ўйлайманки, юртдошларимиз мамлакатимизда давлат ва жамият тизими ривожи ва янгиланишининг асосий таянчига айланишини ният қилган O`zLiDeP Ватан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг жадал суръатлар билан амалга оширилиши учун масъулиятни ўз зиммасига олган партия эканлигини яхши биладилар. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ғоялар — иқтисодиётимизни жадал ва барқарор ривожлантириш, аҳоли манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, улар ишончини қозониш учун аъзоларимиз бор куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Бугунги байрам арафасида эришган ютуқларимизни эслаш мароқли, албатта. Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигининг тарихан қисқа 15 йили мобайнида шундай улкан ва кенг кўламли муваффақиятларни қўлга киритдики, уларни умумий қилиб, буюк келажак йўлидаги мустаҳкам асос, пойдевор деб атасак, хато қилмаган бўламиз.

Иншооллоҳ, бу ютуқлар яқин келажакда ўзининг улкан самарасини беражак. Чунки муҳтарам Юртбошимиз томонидан аввалбошдан аниқ-равшан белгилаб берилган ва халқимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланган ҳамда изчиллик, қатъият ва кўтаринкилик руҳи билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли қўлга киритилаётган ижобий ўзгаришларнинг барчаси ҳур ва фаровон келажакка эришиш учун қилинаётган улкан саъй-ҳаракатлар, таъбир жоиз бўлса, мустаҳкам эътиқод, қатъиятлиликнинг амалий натижасидир.

Ўтган йилларда эришилган энг катта муваффақиятлардан бири, шубҳасиз, мамлакатимизда мулкдорлар синфи юзага келганидир. Бугун Ўзбекистонда юзлаб-минглаб тадбиркор, ишбилармон ва фермерлар, хусусий бизнес субъектлари фаолият юритаяпти.

Партия Дастури ва Низомида белгиланганидек, O`zLiDeP хусусий мулк эгаларини ҳар томонлама, шунингдек, қонуний жиҳатдан муҳофаза этишни ўзининг устувор вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид кўплаб қонунлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши жараёнларида тўла масъулият билан жонбозлик кўрсатаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

> **“БИЗНИНГ АСОСИЙ УЗОҚ МУДДАТЛИ ВА СТРАТЕГИК ВАЗИФАМИЗ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ОДАМЛАР ОНГИДА ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАН ОҒИШМАЙ, ИЗЧИЛ ВА ҚАТЪИЯТ БИЛАН БОРИШДИР”**
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Айниқса, “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш юзасидан 2005 йилда қабул қилинган фармонлари ва қарорларига мувофиқ тайёрлангани, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 32 та қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишининг ўзиёқ партия электоратининг ўзаги ҳисобланмиш мулкдорлар ҳуқуқини ҳар томонлама ҳимоялашга катта аҳамият берилаётганидан далолатдир.

— Шу йил бошида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузурида Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад нима? У айни пайтда кутилган натижани бераяптими?

— Мазкур марказни ташкил этишдан асосий мақсад, хусусий бизнес вакиллари манфаатларини ҳимоялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечими бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда партия суянган қатлами билан олиб бораётган тадбирларнинг таъсирчан ва самарали бўлиши орқали амалий натижаларга эришиш орқали электоратимиз ишончини оқлашдан иборатдир.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Фермер хўжаликлари уюшмаси билан имзолаган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Бош битимлари марказнинг ўз вазифаларини муваффақиятли амалга оширишида яна бир ҳуқуқий асос бўлди. Партия вилоят кенгашларидаги марказ бўлимларнинг палата ва уюшманинг жойлардаги бўлинмалари билан ўзаро шартномавий ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Марказ қошида Жамоатчилик кенгаши, жамоатчи экспертлар ва таҳлилий-ҳуқуқий гуруҳлар фаолият кўрсата бошлади. Шуниси диққатга сазоворки, Савдо-саноат палатаси ва Фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарлари ушбу Жамоатчилик кенгаши таркибига киритилди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва унинг ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази Жамоатчилик кенгашининг 2006 йил 4 июлдаги кенгайтирилган қўшма мажлиси қабул қилган қарорларда марказ орқали партия электорати билан ишлаш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасидаги барча ишлар амалий натижа бериши шартлиги қатъий белгилаб қўйилди. Марказнинг биринчи махсус партиявий тадбири давомида Хоразм, Сирдарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида партия раҳбарияти, фаоллари ва депутатлик корпуси аъзолари иштирокидаги тадбиркор ва фермерлар билан кўплаб бевосита учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар ташкил этилди.

Шу ўринда ташкилий ишлар йўналишида ўтган йил охиридан бошлаб амалиётга киритилган, минтақаларда кенгайтирилган сайёр йиғилишларни ўтказиш тажрибаси ижобий натижалар бераётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўтган давр мобайнида бўлиб ўтган жами 3 та (Қўқон, Бухоро, Андижон) сайёр йиғилишларига партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раҳбарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, кўплаб фаоллари, маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳамда электорат вакилларининг жалб қилиниши уларнинг таъсирчан ва самарали бўлишини таъминлаш билан бирга партиянинг марказдаги фаолларини жойларда олиб борилаётган ишлар, ўз электорати ютуқ ва муаммолари билан яқиндан танишиш имконини яратди, партия марказий бошқарувининг қуйи бўғинлар билан янада яқинлашувига олиб келди.

— Тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг муаммоларига берилиб кетиб, партиянинг бошқа йўналишлардаги вазифалари эътибордан четда қолмаяптими?

— Аксинча, барча ишлар аниқ ва равшан ҳаракат дастурларига асосан, мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилаяпти. Юқорида таъкидланганидек, марказ ташкил этилганидан кейин партия олдига қўйилган вазифаларнинг бир қисмини бевосита ва самарали ҳал этиш имкониятлари пайдо бўлди.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг январь-февраль ойлари давомида республикамизнинг барча минтақаларида “Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни” мавзуида давра суҳбатлари ўтказилиб, тадбирнинг фаол иштирокчилари саралаб олинган ва 25-26 май кунлари “Ўзбекистон ёшлари: мақсад, вазифа, масъулият” мавзуида алоҳида форум бўлиб ўтганди. Унда мустақиллик куни арафасида “Ёш лидерларнинг ёзги мактаби”ни ташкил этишга келишиб олинганди. Ўтган ҳафтада Тошкент вилоятидаги “Хумсон-Булоқ” дам олиш масканида “Ёш лидерлар ёзги мактаби”нинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Жаҳон тажрибасида кенг қўлланиладиган бундай баҳс-мунозарали, очиқойдин мулоқот тарзидаги тадбир биринчи маротаба ташкил этилганлигига қарамай, шаклланиб келаётган янги авлоднинг ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмаслигини амалда намоён этди. Ёки 24 август куни Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар ассоциацияси билан ҳамкорликда ўтказилган Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доиралари “давра столи”ни олайлик. Ҳар икки томон вакиллари учун ниҳоятда фойдали ўтган ушбу тадбир ҳам нафақат икки мамлакат тадбиркорлари, балки икки давлат ўртасидаги муносабатларни ҳам янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шунингдек, партиямизнинг “Аёллар қаноти” олиб бораётган кенг миқёсли оммавий тадбирлар, турли мавзулардаги семинар-ўқувлар, бевосита жойларда ўтказилаётган жонли мулоқотлар хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини оширишда катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида жойларда 900 дан ортиқ тадбир ўтказилди.

— Суҳбат давомида “электорат” сўзини бир неча бор тилга олдингиз. Жойлардаги партия ташкилотларининг O`zLiDeP тарафдорлари билан олиб бораётган ишларидан кўнглингиз тўлаяптими?

— Мамлакатимизда партиямиз ғояларини қўллаб-қувватловчилар кўпчиликни ташкил этади. Бу Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда яққол намоён бўлди. Юртимиз аҳолисининг муайян қисми номзодларимизга овоз берганини унутишга ҳаққимиз йўқ. Шу боис улар билан тез-тез учрашиб, ошкора фикрлашиш партиянинг барча фаоллари ва депутатларимизнинг бурчидир. Шуни инобатга олиб, имкон даражасида аҳоли орасида кўпроқ бўлишга ҳаракат қиляпмиз. Аммо бу — ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар мукаммал, дегани эмас, албатта. Партиянинг жойлардаги баъзи бошланғич ташкилотлари, баъзи туман ва шаҳар кенгашлари ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаяптилар. Айрим ҳудудий тузилмалар эса турли саналарга бағишланган тадбир ва учрашувлар ўтказиш билан кифояланаётганлари ҳам бор гап.

Умуман олганда, партия иши — ўта серқирра. Бир қарашда у қадар кўзга ташланмагани билан аслида дастурий ғоя ва мақсадларини амалга ошириш учун кенг кўламда ишлар олиб борилаяпти. Ўйлайманки, вақти келиб, улар кутилган самарани беради. Чунки O`zLiDeP ғоялари баландпарвоз шиорлар йиғиндиси эмас, балки реал асосларга эга амалий концепциядир.

— Байрам арафасида партия электорати, кўп сонли газетхонларимизга тилакларингиз...

— Ватанимиз мустақиллигининг ҳар йили нишонланаётган қутлуғ санаси халқимиз учун яратувчилик ва бунёдкорлик, янги ҳаёт қуриш йўлида амалга оширган ишларининг ўзига хос сарҳисоб палласи ҳисобланади, янги ғоялар туғилади, режалар тузилади. Ҳар бир сиёсий партия учун ҳам шундай. Масалага шу нуқтаи-назардан ёндашадиган бўлсак, энг кенжа партия бўлишига қарамай, O`zLiDeP ташкил топганидан буён муайян натижаларга эришди, дейишга асос бор, албатта. Бу муваффақият бизга жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда фаол иштирок этиш имконини бермоқда.

Суюкли Ўзбекистонимизни буюк давлатга айлантиришдек эзгу мақсад йўлида либерал-демократлар қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрадилар. Ана шу масъулиятли ва шарафли ишни амалга оширишда барча маслақдошларимиз, партиямиз хайрихоҳларига сиҳат-саломатлик ва куч-қувват тилайман!

ДАВР РУҲИ

ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ

Байрам арафасида таҳририятимизга турли вилоят, шаҳар ва туманлардан хатлар, хабарлар билан бирга Юртбошимизнинг ғамхўрликлари тилга олинган миннатдорлик мактублари келишда давом этмоқда. Хусусан, 30 август куни Фарғона вилояти, Қува тумани аҳолиси номидан йўлланган мактубда ҳам Президентимиз ва ҳукуматимиз олиб бораётган ислоҳотлар, айниқса, аҳолини табиий газ ва ичимли сув билан таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижаси тилга олинган.

Юртбошимизга минг раҳмат

Истиқлол байрами арафасида Қува туманидаги 8696 хонадонга зангори олов кириб келди

Жумладан, хатда Юқори Қува таъмир-механика заводи газ тармоғининг фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган 2167 метр қисми ер устига олиниб, янгиланганги, 38 км. узунликдаги юқори ва ўрта босимли газ қувурлари зичликка синаб, ҳаво орқали тозаланганги айтилган.

“Шунингдек, механика заводи газ тармоғи Деҳқонобод газ тармоғига 3 км. узунликда қувурлар тортиш орқали ҳалқалаштирилди, - дейилади мактубда. - Натижада табиий газ етиб бормаган “Янгиқишлоқ”, “Туркровот”, “Маданият”, “Иттифоқ”, М.Ҳасанов номли, “Тошҳовуз” қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 8696 та хонадонда зангори олов ёна бошлади.

Юқорида эришилган ютуқлар мустақиллигимиз шарофатидандир. Биз Юртбошимизнинг бундай ғамхўрликларини доимо ҳис этиб яшаяпмиз”.

Миннатдорлик мактубида, шунингдек, ана шу ишларни ташкиллаштиришда тунни тонгга улаб меҳнат қилган “Ўзтрансгаз” АК раҳбарларига, ишчи-хизматчиларига ҳам самимий миннатдорлик изҳор қилинади. Мустақилликнинг 15 йиллиги байрами муносабати билан эзгу ниятли инсонларга самимий тилаклар билдирилади.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби туманимиз, жумладан, бизнинг Тожиали Бобоев номли ширкатлар уюшмасида ҳам фермерлик ҳаракати бошланганига ўн йилдан ошди. Сирасини айтганда, дастлабки вақтларда деҳқонлар бу янгиликка унчалик ишонқирамай ёки чўчиброқ қарашганди. Эндиликда қишлоқда фермер бўлишга иштиёқмандлар ниҳоятда кўп. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топмас экан, бу ҳаракат кенг қанот ёймайди.

Шукрона

Муҳаммаджон ЙЎЛДОШЕВ,
Фарғона вилояти, Охунбобоев туманидаги “Истиқлол” фермер хўжалиги раҳбари

Мен қирқ бир йилдан буён деҳқончилик билан шуғулланиб келаман. Замин билан тиллашиш, унинг дардини тинглаш, ардоқлаш менга ота касб. Мана энди фарзандларим ҳам бирин-кетин қўлтиғимга кириб келишмоқда. Жамоа хўжалигида дастлаб сувчилик, кейин табелчи бўлдим, нафақага чиққунимга қадар оилавий пудратга ер олиб ишладим. Бир неча йилдан буён замонамиз шарофати билан фермерман.

Юзаки қараганда, фермерликка даъвогарлар ўртасида ўтказиладиган танловда қатнашиш унчалик мураккаб бўлиб туюлмайди. Лекин унда қатнашишга, фермерга қўйиладиган талабларни бажаришга ҳамма ҳам дидил журъат этолмаслиги аниқ. Қисқаси - менинг ушбу танловда ютиб чиқишимда узоқ йиллар давомида орттирган ҳаётий тажрибам қўл келди, десам, муболаға бўлмаса керак.

Дастлабки йиллари баъзи машаққатларни енгиб ўтишга тўғри келди. Хўжалигимиз учун, айниқса, ўтган йил омадли бўлди. Мавжуд 35 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан пахта ҳосили кўтардик. Бу йил ҳам меҳр билан парваришланган кўчатларимизда ҳосил мўл. Эрта-индин терим мавсумини бошлаш арафасидамиз.

Юртбошимизнинг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлари бу соҳада муваффақиятлар гарови бўлаётир. Энг муҳими - мустақиллик бизга мулкдор бўлиш ҳуқуқини берди. Шу ўринда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда фермерлар салмоқли ўринни эгаллашлари бизга катта масъулият юклашини алоҳида таъкидламоқчиман.

Хулоса шуки, мустақиллик — янги онг, фикр ва саъй-ҳаракатларнинг қарор топиши демак. Бугун биз бундан 15 йил олдинги одамлар эмасмиз. Яқин ўтмишда бир қарич ер олиш учун йиллаб сарсон бўлиб келган деҳқон бугун, эл-юрт ризқини бутлаш йўлида астойдил тер тўкмоқда. Шундай эмин-эркин замонни бизга инъом этгани учун Истиқлолимизни ҳар қанча улуғласак, шунча кам.

2006 йил 31 август
Пайшанба
34-35 (140-141) -сонлар
www.21asr.com
ASR

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

МАМЛАКАТНИ модернизация қилиш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий ўзаги ва гарови-бу эркинлаштириш сиёсатидир

МУНОСАБАТ

Либерал ғоялар келажакка хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ билан мулоқот

Мамлакатимиз истиқлолга эришганига 15 йил тўлди. Бу муддат кўҳна тарих учун уммондан томчидек гап. Аммо ана шу қисқа давр ичида Ўзбекистон дея аталмиш мустақил юрт ўзининг шаклланиш даврини бошдан кечирди. Бу жараён, табиийки, осон кечмади. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган ички ва ташқи сиёсат, барча соҳаларда олиб борилган изчил ислоҳотлар самараси бугунги кунда яққол намоён бўлмоқда. Натижада Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва нуфузига эга бўлди.

Феруза ЭГАМОВА суҳбатлашди

Истиқлол йилларида эришган энг катта ютуқларимиздан бири Конституциямизда инсон эркинлиги, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланганидир. Азалий қадриятларимиз, маънавиятимиз дурдоналари қайта тикланди. Иқтисодиёт соҳасидаги муваффақиятларимиз эса бевосита Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишларнинг оғишмай амалга оширилаётгани туфайлидир.

— Ҳар қандай жамият тараққиётида сиёсий партияларнинг алоҳида ўрни ва аҳамияти бор. Сиёсатчи сифатида кўпчилик ишончи ва эътирофига сазовор бўлган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг бугунги мавқеи хусусида нималар дея оласиз?

— O`zLiDeP нисбатан қисқа давр ичида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг фаол иштирокчиларидан бирига айланди. Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, партия ўз фаолиятини бошлаган дастлабки йилиёқ, катта синовдан ўтди. Яъни мамлакатимиз тарихида илк бор ўтказилган икки палатали парламент ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларда иштирок этиб, етакчи партия мавқеига эга бўлди ҳамда ижроия ҳокимияти ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда фаолият юрита бошлади.

Ютуқлар — ўзимизники. Уларни янада бойитиш учун эса мавжуд камчилик ва нуқсонларимизга танқидий кўз билан қараб, бартараф этишимиз, фаолиятимизни мунтазам кучайтириб бормоғимиз лозим.

Жаҳондаги сиёсий кучлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир партия ўз электорати манфаатларини ҳамиша биринчи ўринга қўяди. O`zLiDeP ҳам мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш баробарида барча соҳаларда, айниқса, хусусий бизнес вакиллари, турли йўналишдаги тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш, эркин мулкдорлар сафини янада кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга эришишни ўзининг бош вазифаси деб билади. Энг муҳими — тадбиркорликни ривожлантириш, унинг мулкий дахлсизлигини таъминлаш йўлида фаол иш олиб боради. Шу билан бир қаторда замонавий фикрлайдиган, либерал ғояларни қўллаб-қувватловчи ҳамда амалга оширувчи ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, уларда ватанпарварлик туйғусининг барқарор ва мустаҳкам бўлишига эришиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга вазифадир.

— Келажакда ўз Ватани ва халқи манфаатларини ҳимоя қилиб, дилдаги гапини дадил айта оладиган сиёсатчиларни тарбиялашга O`zLiDeP қай даражада аҳамият бераяпти?

— O`zLiDeP Дастурида ёшлар сиёсатига алоҳида аҳамият берилган. Унда, жумладан, шундай дейилади: "Партиянинг саъй-ҳаракатлари ҳар томонлама камол топган, Ватанга содиқ, ривожланган бозор муносабатлари ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнларида фаол иштирок этишга тайёр йигит ва қизларни тарбиялашга йўналтирилади. Партия ёшлар учун сабот билан, босқичма-босқич ижтимоий кўтаринкилик муҳитини яратишга ва уларнинг ижтимоий-сиёсий истиқболини белгилаб беришга ўз кучини сарф этади". Мен айни пайтда жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидаги тадқиқот маркази ва юридик клиникага ҳам раҳбарлик қиламан, ёшлар билан бевосита иш олиб бораман.

> БИЛИМДОН, САЛОҲИЯТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ЭРИШАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ КЎРИБ, ФАХРЛАНИБ КЕТАМАН. БУГУНГИ ЁШЛАР ЭРТАГА ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИНИНГ ДАРДИ, МУАММОСИ БИЛАН ЯШАШ ВА МАВЖУД ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИ ШАК-ШУБҲАСИЗДИР.

Билимдон, салоҳиятли йигит-қизлар эришаётган муваффақиятларни кўриб, фахрланиб кетаман. Бугунги ёшлар эртага партия электоратининг дарди, муаммоси билан яшаш ва мавжуд тўсиқларни бартараф этишда фаол иштирок этиши шак-шубҳасиздир.

— Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси сифатида ушбу қўмита фаолиятига ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Конституциямизда миллий қонунчилигимизга халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини сингдириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Қўмитамиз асосан ушбу йўналишда иш олиб бораяпти. Бевосита қонун ижодкорлигига келадиган бўлсак, айтиш мумкинки, бир нечта қонун лойиҳасини тайёрлаб, ялпи мажлис муҳокамасига тақдим этдик. Ҳозирги кунда 2 та қонун лойиҳаси устида иш олиб борилаяпти. "Дипломатик раҳбарларни тайёрлаш ва уларни чақириб олиш тўғрисида" ва "Халқаро шартномалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг янги матндаги қонунлари лойиҳалари ҳадемай депутатлар ҳукмига ҳавола этилади.

Бундан ташқари, қўмитада назорат-таҳлил йўналишида ҳам иш олиб борилаяпти. Яъни Ўзбекистон қабул қилган, қўшилган ёки ратификация қилган халқаро конвенциялар, қонунларга қай даражада риоя этилаётгани кузатиб борилади. "Қийноқларга қарши", "Хотин-қизларни дискриминациядан ҳимоя қилиш тўғрисида", "Болалар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенциялар ушбу йўналишда кўриб чиқилди. Шунингдек, хорижий мамлакатлар парламентлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш йўлида ҳам муайян ишлар олиб борилаяпти.

— Халкимизга байрам тилакларингиз.

— Жонажон юртимизнинг барча фуқароларини мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги байрами билан чин дилдан табриклайман. Уларга сиҳатсаломатлик, оилаларига фаровонлик тилайман. O`zLiDeP аъзолари ва хайрихоҳларимизга тилагим эса шундай: сафларимиз жипслиги ва бирлиги тобора мустаҳкамланаверсин.

ТАДБИР

Ёшларга оид партия сиёсатини амалга ошириш O`zLiDeP учун устувор вазифалардан биридир. Шу мақсадда 2004 йил январь ойида сиёсий партиялар орасида биринчилардан бўлиб O`zLiDePнинг "Ёшлар қаноти" гуруҳи ташкил этилди. Бугунги кунда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, вилоят ва туман кенгашлари қошида "Ёшлар қаноти" гуруҳлари қизғин фаолият кўрсатмоқда.

Парвозга ҳамиша шай

Шерзод ЭРАЛИЕВ

Ўтган икки йил давомида "Ёшлар қаноти" тузилмалари томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилди. Шунинг самараси ўлароқ, партия сафлари йилдан-йилга ёш йигит-қизлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Ҳозирги кунда 150 мингга яқин партия аъзоларининг деярли 40 фоизи ёшлардан иборат.

Маълумки, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўтказилган парламент сайловларида етакчи мавқега эга бўлди. 2006 йил январь ойида партия "Ёшлар қаноти"нинг янги таҳрирдаги низоми қабул қилинди ҳамда янги шаклдаги таркибий-ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Март-май ойларида эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида "Ёшлар қаноти" гуруҳларининг ҳудудий ҳисобот конференциялари бўлиб ўтди.

Тошкент вилоятининг "Хумсонбулоқ" оромгоҳида O`zLiDeP "Ёшлар қаноти"нинг биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Унда минтақаларда ўтказилган конференцияларда делегатликка сайланган ёш етакчилар партия "Ёшлар қаноти"нинг ўтган даврдаги фаолиятини атрофлича таҳлил қилдилар. Конференцияни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Акром Алимов бошқарди. Эришилган муваффақиятлар эътироф этилиб, камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Ҳудудий "Ёшлар қаноти" тузилмалари раҳбарлари жойларда ёшлар орасида олиб бораётган ишлари ҳақида ахборот беришди ҳамда ёшлар сиёсати йўналишларини кенгайтириб бориш лозимлигини таъкидлашди. Айни вақтда партия тизимида турли шаклдаги 100 дан ортиқ клублар фаолият юритмоқда. Конференцияда улар ва "Ёшлар қаноти" гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ёшлар ҳаётига таъсирини кучайтириш, ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш лозимлиги айтилди. Шунингдек, 7 мингдан ортиқ партия бошланғич ташкилотида ҳам "Ёшлар қаноти" бўғинларини ташкил этишга келишиб олинди.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси "Ёшлар қаноти"нинг янгиланган таркиби ва унинг Жамоатчилик кенгаши сайланди. Жойларда "Ишбилармон ёшлар" клублари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Тадбир якунида O`zLiDeP "Ёшлар қаноти" республика биринчи конференцияси иштирокчиларининг Ўзбекистон ёшларига мурожаати қабул қилинди.

МУЛОҲАЗА

Қонун ижодкорларимиз

"Мустақиллик Сизнинг тақдирингизда қандай из қолдирди?"
Мухбиримиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоларидан бир гуруҳига ана шундай савол билан мурожаат этди.

Носир ТОШЕВ ёзиб олди.

Фахриддин КОМИЛОВ:

— Президентимиз таъкидлаганидек, мустақиллик, бу, аввало, ҳуқуқдир. Зеро, эрк ва озодликка эришган миллатгина ўз қаддини тиклаб, юксак парвозларга шайлана олади. Бунинг исботини ўтган ўн беш йиллик тажриба мисолида яққол кўриб турибмиз. Ўзбекистон халқаро майдонда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлди, хусусий мулкчилик жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

Фақат шугина эмас. Азалий қадриятларимиз қадр топиб, ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар юз кўрсатмоқда. Фан, спорт, маънавият соҳасида эришилаётган ютуқларни айтмай қўя қолайлик. Биз ҳаммамиз шу юртнинг, шу миллатнинг фарзандларимиз. Бинобарин, қадди ва қадри баланд она-Ўзбекистон билан бугун ҳар қанча фахрланса арзийди.

Клара ЖУМАМУРОТОВА:

— Вақт — оқар дарё, дейдилар. Аслида ҳам шундай. Кечагина ҳаммамиз мустақилликнинг бир йиллигини зўр қувонч ва ҳаяжон билан нишонлаган эдик. Мана, кўз очиб-юмгунча орадан ўн беш йил ўтибди. Ўшанда туғилган болакай бугун 15 ёшга тўлди. Не бахтки, у эркин юртнинг эркин фарзандидир.

Ўтган қисқа давр мобайнида жамиятимиз тамоман янгича қиёфа касб этди, мулк ҳақиқий эгасини топди. Одамларнинг онг ва тафаккури ўзгариб, жамиятда соғлом маънавий муҳит қарор топмоқда. Ташаббускорлик ҳаракати тобора кенгайиб бораяпти. Ўзимга келсак, истиқлол шарофати билан ҳаётдан муносиб ўрнимни топдим. Тикувчиликка ихтисослашган хусусий корхонам бор. Бу ерда асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Маҳсулотларимизга талаб катта. Гоҳо ўйлаб қоламан: истиқлол бўлмаганида мендек оддий бир аёл ўз имкониятларини рўёбга чиқара олармиди? Йўқ, албатта. Мен учун шунинг ўзи катта бахтдир.

Алиқул ЭРДОНАЕВ:

— O`zLiDeP фракцияси Олий Мажлисда нуфузли ўринни ишғол қилади. Биз ушбу партиядан сайланган депутат сифатида халқ ишончини оқлаш, қонунчилик амалиётини такомиллаштиришга ҳаракат қилаяпмиз. Зиммамиздаги бурч ва масъулият сайловчилар манфаати йўлида тинимсиз изланишни тақозо этади. Тўғри, ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Қутлуғ байрам арафасида ҳар бир кишини ҳаяжонли ҳис-туйғулар қамраб олади. Мустақиллик эса биз учун шунчаки байрам эмас, балки ҳаёт-мамот масаласидир. Ота-боболаримиз асрлар бўйи орзу қилган кунлар бизга насиб этди. Бугун тенглар ичра тенгмиз. Шунинг ўзи учун Яратганга ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари бор. Қатор йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида ишлаб, бир нарсага иймон келтирдимки, халқ ҳар кимга ҳам эргашавермайди. Ҳалол ва холис хизмат орқалигина эл назарига тушиш мумкин. Бошқа йўл йўқ. Болалигим ва ёшлигим қишлоқда кечди. Айни кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият юритаяпман. Оилам ва фарзандларимнинг эртасидан кўнглим тўқ. Мустақилликнинг оддий бир инсонга берган неъмати шу бўлса керак.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Лобар ЭГАМБЕРДИЕВА, Жиззах давлат педагогика институти қошидаги "Сайилжой" академик лицейи битирувчиси, O`zLiDePнинг "Ишбилармон ўқувчи" стипендияси соҳиби, "Ташаббус-2006" кўрик-танлови вилоят босқичининг "Энг ёш ҳунарманд" номинацияси ғолиби:

Менга ҳаётнинг ўзи илҳом беради

Шухрат ХЎЖАЕВ суҳбатлашди

— Болалигимданоқ ранго-ранг бўёқлар ёрдамида юртимизнинг гўзал табиат манзараларини акс эттиришни ёқтирардим. Ижодий ишларим санъат ихлосмандларининг эътиборини қозона бошлаганида, хурсанд бўлганимни кўрсангиз эди. Кўргазмаларга қўйилган расмларимни сотиб оладиганлар пайдо бўлганида эса, санъат билан ишбилармонликни уйғунлаштириш мумкинлигини англаб етдим. Ҳозир, асосан буюртма асосида ишланган расмларимни сотаяпман. Бундан ташқари, яна зардўзлик ва каштачилик касбларини ҳам ўрганмоқдаман. Бўш вақтларимда шеър ва ҳикоялар ёзаман.

Ниятим — журналистика соҳаси бўйича ўқиш.

Тан олиб айтиш зарур: озод ва обод юртимизда ёшлар замонавий билимларни эгаллаб, юксак салоҳият эгаси бўлишлари, эркин ижод билан шуғулланишлари, янги ғояларни амалга татбиқ этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўйлайманки, тенгдошларим бундай имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда мустақил Ўзбекистонимиз барча соҳаларда янада тараққий этиши учун олиб борилаётган кенг кўламли ишларда ўз куч-ғайратларини аямайдилар.

ИНСОН салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омилдир

ЖАРАЁН

Истиқболнинг ойдин йўли бу!

НАВОИЙ ВИЛОЯТ ҲОКИМИ, СЕНАТОР БАҲРИДДИН РЎЗИЕВ "XXI ASR" МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Олим ХЎЖАЕВ, "XXI asr" мухбири

— Баҳриддин Муртазоевич, Юртбошимиз ҳар гал таъкидлаганларидек, ислоҳотлар даврида кўп нарса масъулиятни ҳис этиш, ташаббус кўрсатишга боғлиқдир. Эл-юрт ишончини оқлаш борасидаги масъулият ҳақида нималар дея оласиз?

— Энг аввало, аждодларимиз мангу паноҳ топган муқаддас заминни, она-Ватанни янада обод қилиш, унинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундан келиб чиқиб, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, муҳтарам Президентимиз томонидан ўртага қўйилаётган вазифаларни рўёбга чиқариш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ҳаракат қилаяпмиз. Самара ҳам шунга яраша бўлаяпти. 2005 йилда вилоятимиз умумий кўрсаткичлар бўйича республикада иккинчи, аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, марказлашмаган инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ўртача иш ҳақи бўйича биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ўсиш суръатлари эса давом этмоқда. Масалан, 2004 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 648,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йилда 710 млрд. сўмга кўтарилди. Бундай юксалиш суръатларини барча соҳаларда кузатиш мумкин. Жумладан, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 104,9, капитал қўйилмалар миқдори эса 134,1 фоизни ташкил этди. Вилоятдаги пудратчи корхона ва ташкилотлар томонидан 48,3 млрд. сўмлик иш бажарилди. Бу ўтган йилдагига қараганда 109 фоиз кўп демакдир.

— Маълумки, Навоий вилоятида кўплаб йирик саноат корхоналари жойлашган. Уларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳа, Навоийни йирик саноат корхоналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. У ўз потенциали жиҳатидан Тошкент вилоятидан кейин, иккинчи ўринда туради. Қизилқум бағрида Менделеевнинг кимёвий унсурлар даврий жадвалидан ўрин олган барча фойдали қазилмалар мавжуд. Олтин ва уран қазиб олиш саноати ривожланган, йирик кимё ва цемент индустрияси, иссиқлик электр станцияси ишлаб турибди. Улар мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади, албатта. Энг муҳими — саноат тармоқлари барқарор ривожланмоқда. 2005 йилда бу борадаги ўсиш аввалги йил кўрсаткичига нисбатан рангли металлургия соҳасида 102, енгил саноатда 123,7, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғида 106,9 фоизни ташкил этди. Фақат шугина эмас. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича умумий ўсиш 103,6 фоиз бўлди.

Жорий йилнинг олти ойи мобайнида эришилган натижалар ҳам чакки эмас. Дейлик: халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда 33,6 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг айни давридагига нисбатан 8,2 фоиз кўпдир. Йил охиригача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2005 йилдагига нисбатан 107-108 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Кўзланган мақсадларга эришиш учун мавжуд ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.

— Корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришга хориж инвестицияларини жалб қилиш бўйича қандай чора-тадбирлар белгиланмоқда?

— Жорий йилнинг 1 июнига қадар вилоятда ташқи савдо айланмаси 316,9 млн. АҚШ долларига тўғри келди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 89,8 млн. АҚШ доллари миқдорида кўп, демакдир. Жумладан, 177,2 млн. доллар миқдоридаги саноат маҳсулотлари экспорт қилинди. Бу кўрсаткич 2005 йилга солиштирилганда 38,9 фоиз зиёд. Ташқи савдо айланмасида 37,5 млн. доллар миқдорида ижобий ўсишга эришилди.

2006 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоят бўйича 47 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Ҳозир шундан 39 таси фаолият юритмоқда. Ўтган беш ой мобайнида хориж инвестицияси асосидаги корхоналар томонидан 87,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Навоий шаҳридаги "Бахт-текстиль" ип-калава корхонаси ҳадемай ўз фаолиятини бошлайди. Мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган "Қизилқум саховати" хорижий корхонаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

— Вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самараси хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда улар фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш кун тартибида турган муҳим вазифалардан биридир. Вилоят бўйича 12,8 мингта тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган. Шундан 11,6 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидир. Жорий йилнинг биринчи ярмида улар сони олти фоиз кўпайди. Мавжуд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг 6,2 фоизи саноат, 64,5 фоизи қишлоқ хўжалиги, 5,3 фоизи қурилиш, 16,3 фоизи савдо, 7,7 фоизи эса бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда.

Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги устувор вазифалардан бири паст рентабелли ва иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхона ва объектларни хусусийлаштиришдир. Бу масалага жиддий эътибор билан ёндашилмоқда.

Ночор корхона ва объектлардаги давлат активларини сотишда бошланғич баҳони қадам-бақадам камайтириб бориш механизмига амал қилинаётганлиги хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштиришда жуда қўл келаяпти. 2006 йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида 20 та корхона ва объект хусусийлаштирилиб, бу борадаги режа 125 фоиз этиб бажарилди. Инвесторлар томонидан ишлаб чиқаришга 2182,9 млн. сўм ўрнига 2651,4 млн. сўм маблағ киритилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдан мақсад, янги-янги иш ўринлари яратиш, турмуш фаровонлигини оширишдир. "2006-2007 йилларда вилоят аҳолисини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш дастури"га асосан, жорий йилнинг биринчи ярмида 13812 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, 5872 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Президент томонидан 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Фармон асосида ҳозиргача 588 киши касаначилик соҳасига жалб этилди. Уларнинг 246 нафари аёллардир.

Пахта тозалаш корхоналарида бу борадаги кўрсаткич 1,2 фоизни, "Ғазғонмармар" АЖда эса 11 фоизни ташкил этмоқда. Касаначилар ўрта ҳисобда 45-50 минг сўмдан ойлик иш ҳақи олишаяпти.

Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (2006 йил 23 март) ижросини назорат қилиш бўйича вилоятда иккита ишчи гуруҳ тузилган. Ҳозиргача 824 та кам таъминланган оила аниқланиб, улардан 829 тасига бепул қорамол тарқатилди. Чорва моллари сотиб олиш учун 283,7 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Четдан 110 бош наслли мол келтириш режалаштирилган, бу масалада Навоий кон-металлургия комбинатининг "Дўстлик" агрофирмаси билан шартнома имзоланган. Қорамолчилик билан шуғулланадиган 4646 нафар фуқарога меҳнат дафтарчалари очилди.

— Суҳбатимиз ўз-ўзидан қишлоқ хўжалигига бориб тақалаяпти. Бу тармоқдаги ислоҳотларнинг самараси ҳақида нима дея оласиз?

— Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Мен бу гапни мақтаниш учун айтаётганим йўқ. Мавжуд ширкат хўжаликлари ўрнида 5673 та фермер хўжалиги ташкил қилинди. Пилладан юқори ҳосил олишга эришдик. 756,2 тонна "кумуш тола" етиштирилиб, белгиланган режа республикада биринчилар қаторида бажарилди. Яна бир қувончли жиҳати шуки, тайёрланган хом ашё Кармана туманида янгидан ташкил этилган "Навоий-Силк" қўшма корхонасида қайта ишланмоқда.

Ғаллакорларимиз эришган натижалар ҳам салмоқли. Жумладан, 81,4 минг тоннадан ортиқ дон ҳосили етиштирилиб, шартномавий режа ортиғи билан уддаланди. Меҳнатдан манфаатдорликнинг ошганлиги янги ютуқларга йўл очаётир. Жумладан, 2002 йилда ғаллачилик соҳасида самарадорлик 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу рақам 27,2 фоизга кўтарилди. Ўртача ҳосилдорлик эса 36,2 центнердан 41,4 центнерга етди.

Қизилқум баҳодирлари — чорвадорларимиз ҳам баракали "хирмон" кўтаришди, дейиш учун барча асослар бор. Қўзилатиш мавсуми намунали ташкил этилиб, 532,2 минг бош совлиқнинг ҳар юзтасидан 107 тадан қўзи олинди. Уларнинг 451,3 мингтаси ёки 81,1 фоизи ўстиришга қолдирилди.

Пахтачилик, боғдорчилик соҳасида ҳам жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Улар ўз самарасини бериши шак-шубҳасиз.

— Кейинги йилларда вилоят ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар чуқурлашиб бормоқда. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, ижтимоий соҳани ривожлантирмасдан туриб, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Айни кунда вилоятдаги 375 та умумтаълим мактабида 183133 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 9 июлда қабул қилинган "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор асосида 6 та янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 11 та мактаб реконструкция қилинди, 14 таси мукаммал, 22 таси жорий таъмирлашдан чиқарилди. Кейинги йилларда 14 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар барпо этилди. Уларда кўплаб умидли ёшлар таълим-тарбия олишмоқда. Келгусидаги режаларимиз янада катта. 2009 йилгача 10 та янги мактаб қурилади, 78 таси реконструкция қилинади, 140 та таълим маскани мукаммал, 94 таси эса жорий таъмирланади.

Вилоятда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор билан ёндашилаяпти. 157 та спорт зали, 1215 та волейбол, футбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари улар ихтиёрида.

Айни пайтда аҳолига 45 та шифохона, 11 та диспансер, 235 та амбулатория ва поликлиникалар хизмат кўрсатаётир. Шунингдек, 245 та қишлоқ-врачлик пункти, қишлоқ-врачлик амбулаторияси ва фельдшерлик-акушерлик пунктларининг фаолияти ҳам такомиллаштирилмоқда.

— Баҳриддин Муртазоевич, суҳбатимиз энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик куни арафасида бўлаяпти. Шу муносабат билан газетхонларга тилакларингиз...

— Ўтган 15 йил мобайнида мамлакатимизда, жумладан, ҳазрат Навоий номи билан аталувчи вилоятимизда ҳам асрларга татигулик ўзгаришлар рўй берди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Эрк ва озодлик нашидасини татиб кўрган халқимизнинг йўли ойдин, истиқболи порлоқ эканлиги шубҳасиз.

Муборак байрам билан республикамиз аҳолисини чин дилдан қутлайман, барчага мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, ишларида омад тилайман. Ишончим комилки, мамлакатимиз ўзи танлаган йўлдан бориб, янги марраларни дадил забт этаверади.

— ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 ИЮНИГА ҚАДАР ВИЛОЯТДА ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ 316,9 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЎҒРИ КЕЛДИ. БУ ЎТГАН ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН 89,8 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА КЎП, ДЕМАКДИР. ЖУМЛАДАН, 177,2 МЛН. ДОЛЛАР МИҚДОРИДАГИ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ. БУ КЎРСАТКИЧ 2005 ЙИЛГА СОЛИШТИРИЛГАНДА 38,9 ФОИЗ ЗИЁД. ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИДА 37,5 МЛН. ДОЛЛАР МИҚДОРИДА ИЖОБИЙ ЎСИШГА ЭРИШИЛДИ.

ТАДБИР

O`zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши ҳузуридаги "Сиёсий таълим маркази" томонидан давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида фаолият юритувчи партия вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари учун доимий ҳаракатдаги ўқув-амалий семинарлари ўтказиб келинмоқда.

Муҳим мавзудаги семинар

Ўз мухбиримиз

Навбатдаги тадбирда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари, O`zLiDeP туман ва шаҳар кенгашлари раислари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

O`zLiDeP маҳаллий кенгашлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласига бағишланган ушбу тадбирда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг "Оммавий ахборот воситалари" лойиҳаси раҳбари Ф. Мўминов, "Ўзбекистонда фуқаролик институтини шакллантиришда давлат ва ҳуқуқ муаммосини ўрганиш" лойиҳаси раҳбари Б. Исмоилов, шунингдек "Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази" раҳбари ўринбосари, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси В. Котельниковалар маърузаси тингланди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз ҳаётида сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш, кишиларни қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар моҳияти билан таништириш, фермерлик ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, давр талабларидан келиб чиқиб, ОАВ билан партия маҳаллий кенгашлари ўртасидаги манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, илғор тажриба ва ташаббускорларни кенг ёритиш, жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Истиқлол йилларида Самарқанд вилоятининг Ургут туманида ҳам барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, туманда ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришда етакчилик қилмоқда. Бу ерда ўнта қўшма корхона фаолият кўрсатаётгани ҳам фикримизни исботлайди.

Корхона имкониятлари кенгаймоқда

Акбар ҚАРШИЕВ, ЎзА мухбири

Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида фақатгина қўшма корхоналар томонидан икки миллиард 93 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу давр мобайнида туманга салкам уч миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилинди.

Тадбиркорлик субъектларининг сони бугун қарийб етти мингтага етгани ва уларнинг барчаси маҳсулот ишлаб чиқараётгани қувончлидир.

Туманда бир йил аввал иш бошлаган шифер заводи икки босқичда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бир кечакундузда беш минг дона шифер тайёрланаётган корхонада уч юз нафар ишчи меҳнат қилади. Муҳими, корхона маҳсулотларининг бошқа турдош корхоналарникидан сифати юқорилиги харидорлар томонидан эътироф этилмоқда.

— Ҳадемай учинчи линияни ҳам ишга туширамиз, - дейди корхона раҳбари Зайниддин Аҳроров. - Шундан кейин бу ерда яна 300 та иш ўрни яратилади.

Шу билан бирга, меҳнат жамоаси ҳомийлик ишларига ҳам доимий эътибор қаратмоқда. Корхона жойлашган Почвон қишлоғи ҳудудида лойиҳа қиймати 72 миллион сўмга тенг қишлоқ-врачлик пункти қурилишида улар фаол иштирок этади. Шунингдек, йил охиригача тумандаги тиббиёт муассасаларига 40 миллион сўмлик шифер етказиб берилади.

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами арафасида Муборак туманидаги Қорақум, Қарши туманидаги Таллиқўрғон ва Деҳқонобод туманидаги Бошчорбоғ қишлоқларида янги, замонавий тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилди.

Аҳоли саломатлиги йўлида

А. МУҲАММАДИЕВ, ЎзА мухбири

— Ҳомийлар кўмаги билан 3,5 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган қишлоқ-врачлик пункти барпо этилди, — дейди Қорақум қишлоқ шифохонаси бош врачи Абдиназар Турдиев. — Бу ерда ҳар куни 50 кишига илғор технологиялар асосида тиббий хизмат кўрсатилади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармасидан олинган маълумотга кўра, ўтган йили вилоятдаги қишлоқ-врачлик пунктлари сони 208 тани ташкил этган бўлса, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида улар сафига яна 12 та янги шифо маскани қўшилди.

МУСОҲАБА

2006 йил 31 август
Пайшанба
34-35 (140-141)-сонлар,
www.21asr.com
XXI ASR

АЙЁМ СУРУРИ

ҚАДР-қиммат инсонни энг юксакликка кўтарадиган, унинг фаолияти, бутун интилишларига олижаноблик бағишлайдиган нарсадир

ЭҲТИРОМ

Аёл бўлиш — саодат

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш Шарққа, ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Аёлларсиз ҳаётни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Аёл — авваламбор она, оила таянчи. Давлат, жамият эса оиладан бошланади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиладиган бўлса, Сиёсатчи, раҳбар, тадбиркор, мураббий ва тарбиячи аёллар икки карра аёллардир.

Мухлиса АКРАМОВА, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари

■ **Феруза ЭГАМОВА**

Ҳам оила, ҳам жамият ишларида фаоллик кўрсатаётган бу инсонлар ҳар қанча ҳурмат ва эҳтиромга лойиқдирлар. Шу боис Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятимизда хотин-қизларга эътибор беқиёс даражада ортди. Улар манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада оширишга қаратилган Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди. Айниқса, республика Хотин-қизлар қўмитаси раисига Бош вазир ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар хотин-қизлар қўмиталари раисларига ҳоким ўринбосарлари мақомининг берилиши, шунингдек, 2004 йилдаги сайловлар муносабати билан уларнинг сайловдаги иштироки учун 30 фоизли квотанинг жорий этилиши аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг кескин ўсишини таъминлади.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг янги шаклларидан бўлган кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолиятида хотин-қизларнинг иштироки кичик корхоналар, касаначилик, фермер хўжаликларининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунда республикамиз хотин-қизлари иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этиб, ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Мустақилликнинг 15 йили ичида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида қўлга киритилган ютуқларда биз — аёлларнинг ҳам катта улушимиз бор. Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз равнақи, Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган опа-сингилларимизни қутлуғ айём билан муборакбод этаман.

Водий тиббиётининг кўзгуси

Андижон давлат тиббиёт институтининг ректори, сенатор Мамазоир Хўжамбердиев билан мулоқот

2006 ЙИЛ — ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг ўтган 15 йилида бошқа соҳалар каби тиббиёт тизими ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Бугунги ўзбек медицинасини бундан бор-йўғи ўн йил аввалгиси билан таққосланса, орадаги фарқ яққол яққол намоён бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда фаолият кўрсатаётган тиббий тез ёрдам илмий марказлари, деярли ҳар бир қишлоқда ташкил этилган врачлик пунктлари, пойтахтдаги тиббиётнинг турли тармоқларига оид марказлар, жойларда аҳолига хизмат кўрсатаётган оилавий поликлиникалар, хусусий клиникаларда соҳа ходимлари халқимизга малакали тиббий хизмат кўрсатмоқдалар.

■ **Темур АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди**

Республикамиз маркази ва қатор шаҳарларида фаолият юритаётган олий ҳамда ўрта махсус тиббиёт илм даргоҳларида эса минглаб йигит-қизларимиз замонавий медицина сир-асрорларини эгаллашмоқда. Улар орасида Андижон медицина институтининг алоҳида ўрни бор.

Қуйида мухбиримизнинг ушбу институт ректори, профессор Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Андижон давлат медицина институти мамлакатимизда соҳа мутахассисларини тайёрловчи етакчи илм даргоҳларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда 4 та факультетда 2798 нафар талаба тиббиёт илмидан сабоқ олмоқда. Уларга 97 нафар профессор ва доцент, 115 нафар малакали мутахассис замонавий медицина сир-асрорларини ўргатмоқда.

Институтда уларнинг етарли даражада илм олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий ўқув дастурлари асосида ташкил этилаётган машғулотларда бўлажак мутахассислар тиббиёт илмини эгалламоқдалар. Мавжуд кафедралар ва бўлимлар, маъруза залларида 427 та компьютер, 68 та видеоиккилик, 60 та кодоскоп, 83 та слайдоскоп, 3 та видеопроректор ишлаб турибди. Ўқув жараёнларида мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадида махсус дастурлар ишлаб чиқилган.

— Замонавий таълим тизимини компьютер тармоғи, бошқа замонавий ахборот ва алоқа коммуникацияларисиз тасаввур этиш қийин, албатта. Аммо бу устоз — талаба жонли мулоқотига салбий таъсир кўрсатмайдими?

— Мен юқорида ўқув жараёнларида фойдаланилаётган замонавий воситалар тўғрисида гапирдим. Аммо улар устоз ва талаба ўртасидаги жонли мулоқотни янада бойитишга хизмат қилувчи, жаҳондаги энг янги ахборотлар билан таништирувчи воситалар, холос. Бундан ташқари институтимиз фаолияти билан танишмоқчи бўлганлар махсус WEB SITEга кириб, олий ўқув юртимиз ҳақида истаганча маълумот олишлари мумкин. Замонавий алоқа воситаларининг яна талаб, ижобий томонлари бор. Масалан, институтимиз ўқув базалари, жумладан, клиник шифохонамизда масофадан туриб ўқитиш тизими йўлга қўйилган. Бу бўлажак шифокорлар илми ва кўникмаларининг шаклланишида жуда катта роль ўйнамоқда. Ўзингиз тасаввур қилинг: талабалар мавжуд 12 та операция хонасида амалга оширилаётган жараёнларни бевосита кузатиб туриш имкониятига эгалар. Муайян мавзуда дарс ўтаётган ўқитувчи эса, ушбу жараённи шарҳлаб боради. Бундан ташқари, операция якунида талабалар жарроҳга мурожаат этиб, кузатув мобайнида юзага келган саволларига батафсил жавоб оладилар. Маъруза залларида эса видеокамералар ўрнатилган бўлиб, институт раҳбарияти ўтилаётган дарсларни кузатиб, улар сифатига баҳо беришади. Энг яхши маърузалар компакт-дискларга ёзиб олиниб, фойдаланиш учун кутубхонага топширилади.

Бир сўз билан айтганда, талабаларда иштиёқ бўлса, бас. Илм олиш ва тажриба орттириш учун эса имкониятлар етарли.

— Тиббиёт илми бевосита амалиётга боғлиқдир. Бунинг учун институт қошидаги клиникада барча шарт-шароит муҳайё этилганига гувоҳ бўлдик. Энди мамлакатимиз, шунингдек, хориждаги тиббиёт муассасалари билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик алоқалари хусусида ҳам қисқача гапириб берсангиз.

— Замонавий медицинани жаҳон тажрибасида маълум бўлган янгиликларсиз тасаввур этиш қийин. Шу боис, институтимиз тиббиёт оламида етакчи ўринни эгалловчи Россия Федерациясидаги қатор турдош олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари, илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Масалан, Москвадаги Бакулев номли юрак қон-томир жарроҳлиги маркази, Бурденко номли нейрохирургия институти, Россия телемедицина маркази, Волгоград давлат тиббиёт университети, Россия тиббиёт академияси болалар соғлиги илмий маркази, Москва педиатрия илмий-текшириш институти, Нижни-Новгород тиббиёт академияси шулар жумласидандир.

Республикамиздаги деярли барча тиббий муассасалар билан йўлга қўйилган мустаҳкам алоқалар хусусида эса тўхталиб ўтиш шарт эмас, деб ўйлайман.

— Институт олимлари, амалиётчилари эришаётган натижалар қандай бўлаяпти?

— Бу борада ҳам муайян муваффақиятларга эришаяпмиз, дейишга тўлиқ асосимиз бор. Масалан, кейинги йилларда институтимиз олимлари томонидан 196 та янгилик амалиётга татбиқ этилди. 5 та ихтиро, 128 та рационализаторлик таклифи маъқулланди. 1 та монография, 4 та дарслик, 256 та ўқув-услубий қўлланма яратилди. 2 та докторлик, 14 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Нуфузли илмий журналларда кўплаб мақолалар чоп этилди.

2005-2006 йиллар мобайнида 11 та (2 таси республика миқёсида) илмий-амалий конференция ўтказилди. "Клиник иммунология, иммуногематология ва иммунокоррекциянинг долзарб муаммолари" ва "Тиббиётнинг долзарб муаммолари" каби мавзуларда ўтказилган конференцияларда МДҲ мамлакатларидаги етакчи тиббиёт муассасаларининг таниқли олимлари ва амалиётчилари иштирок этдилар.

Айни пайтда институтимизнинг 5 нафар битирувчиси юқорида номлари зикр этилган машҳур тиббий муассасалар клиник ординатуралари ва аспирантураларида таҳсил олишаяпти.

Институтнинг клиник кафедраларида ривожланган хорижий мамлакатларда жорий этилган янги педагогик технологиялардан бири - OZKE усули кенг қўлланилмоқда. Бундан ташқари, талабаларнинг мавзуларни мустақил ўзлаштиришлари ҳамда улар билимини ҳаққоний баҳолашга йўналтирилган 28 та янги интерфаол педагогик технология жорий этилди.

— "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастури ижросига жамоа қай даражада ҳисса қўшмоқда?

— Бугунги кунда институтимизнинг малакали мутахассиси, магистрантлари, битирувчи курслар талабалари халқимиз саломатлигини сақлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилмоқдалар. Йил давомида вилоят ва туман шифохоналари, марказий поликлиникалар, жойлардаги ҚВПларда бўлиб, ҳамкасбларига яқиндан кўмак бермоқдалар. Ўтган давр ичида мутахассисларимиз томонидан салкам 73 минг нафар бемор кўрикдан ўтказилиб, уларга тегишли маслаҳатлар берилди. 196 нафар бемор клиникамизда бепул даволанди.



Бундан ташқари, водий вилоятлари ҳамда республикамизнинг бошқа ҳудудларидан шифо истаб келган юзлаб беморлар институтимиз қошидаги клиника жарроҳлари томонидан операция қилиниб, дардларига малҳам топдилар.

Институт ходимлари, талабаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, вилоятдаги ногирон болалар уйи, саховат уйи, муассасамиз ҳудудига яқин бўлган 8 та маҳалла аҳолисига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш учун 270 млн. сўм маблағ сарфланди.

Бир сўз билан айтганда, жамоамиз мамлакатимиз тиббиётининг етакчи даргоҳларидан бирида ишлаётганлари, талабаларимиз эса илм олаётганлари билан фахрланадилар ва институт шуҳратини янада ошириш учун бор имкониятларини ишга солаверадилар.

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ

Мустақилликнинг энг улуғ неъмати — бу, шубҳасиз, инсон ўз қадр-қимматини топганидир. Шу йиллар давомида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг барчаси инсон манфаатига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Соҳибжон Қобилов энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида кўнгилдан ўтган фикрларини "XXI asr" газетаси муштарийлари учун шундай ифода этди:

Улуғ йўлдаги катта мақсадлар

■ **Шуҳрат РАҲИМОВ суҳбатлашди**

— Биз мустақиллик туфайли ана шундай обод, озод юртда эркин яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, мулкдор бўлиш саодатига эришганимизни, ҳеч муболағасиз, ортиқча мақтовларсиз, қандай бўлса, шундайлигича ҳис этмоғимиз лозим.

Эндиликда, ўтган 15 йилдан кейин мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлмаган, унинг халқ учун нималар берганлигини тўлиқ англай олмаган инсон топилмаса керак. Шу боис Ватан учун жимгина, ортиқча гапларсиз, фақат амалий ишлар билан олдинга интилган, юртини, халқини эъзозлаб, унинг равнақи учун яшаётган кишилар эътиборга лойиқдир.

Ҳозир чиройли, баландпарвоз гаплар ярашмайди. Беҳуда мақтовлар одамни йўлдан адаштиради. Бошқача айтганда, аниқ амалий ишлар қилинадиган даврда яшаяпмиз.

Фикримни Юртбошимизнинг соҳамизга тегишли бир гапларини таъкидлаб ўтиш билан давом эттирмоқчиман: "Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатиши лозим. Чунки иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган фуқаро, ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкини самарали тасарруф этишдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки бутун мамлакатни бойитишга ҳам қодир бўлади".

Мамлакатимизнинг аграр тармоғида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида фермер хўжаликларининг иқтисодиётимиз ривожида тутган ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

2006 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, республикамизда 181698 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларга ажратилган жами ер майдони 4747,4 минг гектарни ташкил этади.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида республика Президентининг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ишлари якунланди.

Биласизми, ҳозирги пайтда амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар шунақанги кўпки, улгуриш жуда қийин. Аммо бу ишларнинг ҳаммаси юртимизнинг гуллаб-яшнаши, шаҳар, қишлоқларимизнинг янада обод бўлиши учун ниҳоятда зарурлигини ҳис этганлигимиз сабабли, бизни янада кўпроқ ишлашга, дадил ҳаракат қилишга ундамоқда.

Эндиликда мамлакатимизда етиштирилаётган пахта хом ашёсининг 90 фоизга яқини ва ғалланинг 80 фоиздан ортиғи фермер хўжаликларининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришдаги улуши 2002 йилда 9,9 фоиз, 2004 йилда 24,1 фоизни, 2005 йилда 38,1 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиши кутилмоқда.

Бундан ўн беш йил аввал илгари сурилган ғоялар бугун ҳаётда ўз ифодасини топаётганлиги, танланган йўлдан оғишмай олға бориш учун қабул қилинаётган янги қонунлар, фармонлар, фармойиш ва қарорлар амалиётга изчиллик билан татбиқ этилаётганлиги мамлакат раҳбарининг келажакни теран кўра билганлигидан далолатдир.

Эришилаётган натижалардан ҳам кўринадики, бизнинг замонамиз келди. Тадбиркорликка, фермерликка кенг йўл очилди. Бу йўл бизни янги уфқларга олиб чиқсин. Мустақиллигимиз абадий, муваффақиятларимиз бундан-да улкан бўлаверсин.

ХУШХАБАР

Қутлуғ санага муносиб совға

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги "Роҳат" маҳалласи аҳолиси юртимиз мустақиллигининг 15 йиллиги байрамини янги гузарда нишонлади.

■ **Ўз мухбиримиз**

"2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан O`zLiDePнинг Бектемир туманидаги йирик бошланғич партия ташкилотлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ҳудуддаги маҳаллаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар. "Нерудник" ОАЖ эса БПТ ташаббуси билан "Роҳат" маҳалласига янги гузар қуриб берди.

Мустақилликнинг 15 йиллиги ҳамда гузарнинг ишга туширилишига бағишланган тантанали тадбирни туман ҳокими Акмал Ҳошимжонов қисқача чиқиш сўзи билан очди. Тантанали маросимда O`zLiDeP туман кенгаши раиси, "Нерудник" ОАЖ бошқарувининг раиси Рауфхон Шарипов, "Роҳат" МФЙ раиси Хадича Умархўжаева ва маҳалла фаоллари сўзга чиқиб, йиғилганларни қутлуғ айём ҳамда янги гузарнинг ишга туширилиши билан самимий табрикладилар.

Тадбир якунида элга машҳур санъаткорлар ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.

БАНКЛАР кичик ва хусусий бизнес субъектларининг мададкоридир

МОЛИЯ БОЗОРИ

Иқтисодий кўмак — тараққиётга қанот

ВИЛОЯТДАГИ БАНКЛАР ЕТМИШ МИНГДАН ЗИЁД КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ТУЗИЛМАЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАЯПТИ

Бебаҳо ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлган воҳа — Қашқадарё мустақиллик йилларида бутунлай янги қиёфа касб этди. Қалбида яратувчилик, бунёдкорлик иштиёқи жўш урган ушбу юрт одамлари мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Айни кунда вилоятда 70789 та хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган. Шундан 67999 таси кичик бизнес корхонаси, 26190 таси фермер ва 29438 таси деҳқон хўжаликларидир. Ўтган йил вилоятда етиштирилган пахта ва ғалланинг 70 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Маҳаллий хом ашё асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йил сайин кўпайиб бормоқда. Ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда вилоятда фаолият кўрсатаётган молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Хусусан, банк хизматини намунали ташкил этиш жойларда янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнесни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Деҳқонга мададкор

РАТБ "Ғаллабанк"нинг Қашқадарё минтақавий филиали вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган молия муассасаларидан биридир. Қимматли қоғозлар бозорини кенгайтириш, банк Низом сармоясини мустаҳкамлаш, унинг кредит қобилиятини ошириш мақсадида янги эмиссия акциялари жойлаштирилди. Ўтган давр мобайнида мижозларга тегишли 124,9 млн. сўмлик маблағ банк акцияларига жалб қилиниб, жами акциялар 532 млн. сўмга етказилди.

Банк жамоаси кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинаётган истиқболли лойиҳаларни молиялашга жиддий эътибор қаратмоқда. Олинган фойда ҳисобидан имтиёзли кредитлаш жамғармаси шакллантирилди ва шу ҳисобдан 4 нафар мижозга 35 млн. сўм маблағ ажратилди. "Ғаллабанк" кредитлари ҳисобидан 127 та янги иш ўрни яратилди. Вилоятдаги 52 та хўжалик субъекти қошида савдо терминаллари ўрнатилган. Иш ҳақини пластик карточкалар орқали тўлаш усули оммалашиб бормоқда. Ҳозирги кунда 86 та корпоратив мижоз шу асосда фаолият юритаяпти. Банк томонидан 5546 та пластик карточка муомалага чиқарилганлиги ҳам эътиборга молиқдир.

Аҳоли қўлидаги ҳоли турган пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш диққат марказида турган масалалардан биридир. Айни пайтда "Янги йил", "Мададкор", "Имконият", "Ишонч", "Байрам", "Коммунал тўлов", "Кафолат" каби кўплаб омонат турлари жорий этилган. Омонатчилар сони шу йилнинг ўзида 1501 та кўпайди. "Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси кредит линияси ҳисобидан ўтган олти ойда 20 нафар мижозга техника воситалари сотиб олиш учун катта миқдорда кредит йўналтирилди. Банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган сармоялар ҳисобидан Яккабоғ ва Кўқдала филиаллари бўйича 1314 та хўжалик субъектига 4556,6 млн. сўм кредит ажратилди. Шундан 117,4 млн. сўми микрокредитдир. Банк томонидан 2621 та кичик бизнес субъектига 273 млн. сўм ажратма ҳамда меҳнат бандлиги маблағлари ҳисобидан 273 млн. сўм сармоя ажратилган.

— Мижоз томонидан тақдим этилаётган бизнес лойиҳаларни кўриб чиқишда асосий эътиборни уларнинг иқтисодий самарадорлигига қаратамиз, — дейди РАТБ "Ғаллабанк" Қашқадарё минтақавий филиали бошқарувчиси Шодиёр Эралиев. — Жумладан, фермер хўжаликлари ўз техника воситаларига эга бўлишдан тўла манфаатдор. Биз бу борада "Қобилов Рустам", "Неъмат ота", "Чўл ўлкаси", "Юлдуз" фермер хўжаликларига яқиндан молиявий ёрдам кўрсатдик. Банк ходимларининг билим ва малакасини муттасил ошириб бориш мақсадида иқтисодий ўқув машғулотлари ташкил этилган. Уларда Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, банк-молия ходимлари олдида турган муҳим вазифалар хусусида атрофлича фикр юритилмоқда, илғор тажрибалар оммалаштирилаяпти. Кредит амалиёти ва қишлоқ хўжалик бўлимлари бошлиқлари Баҳром Оромов, Карим Раҳимов, бош мутахассис Бўритош Абдуллаевалар ёшларга устозлик қилиб, уларга касб сирларидан сабоқ беришмоқда. Ходимларнинг сифат таркибини малакали мутахассислар ҳисобига яхшилаш, банк хизматини замон талаблари даражасида ташкил этиш йўлида қатъият билан иш олиб бораверамиз.

"ҒАЛЛАБАНК" КРЕДИТЛАРИ ҲИСОБИДАН 127 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ. ВИЛОЯТДАГИ 52 ТА ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТИ ҚОШИДА САВДО ТЕРМИНАЛЛАРИ ЎРНАТИЛГАН. ИШ ҲАҚИНИ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ОРҚАЛИ ТЎЛАШ УСУЛИ ОММАЛАШИБ БОРМОҚДА. ҲОЗИРГИ КУНДА 86 ТА КОРПОРАТИВ МИЖОЗ ШУ АСОСДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЯПТИ.

Хизмат маданияти ошмоқда

— "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қашқадарё минтақавий филиали бугунги кунда 1231 нафар мижозларга хизмат кўрсатмоқда, — дейди филиал бошқарувчиси Тўлқин Каримов. — Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида барча имкониятлар ишга солинаяпти. Асосий эътибор жойларда янги технологияларни кенг жорий этиш ҳамда банкнинг Низом сармоясини кўпайтиришга қаратилаяпти. Амалий саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, мижозлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 261 та ошди. Китоб туманида янги минибанк ташкил этилди. Ўтган 6 ойда жалб қилинган омонатлар миқдори 1248,9 млн. сўмга етди.

Хизмат маданиятини яхшилаш мақсадида "Саломатлик", "Қулай" омонатлари татбиқ этилаётир. 2006 йил 1 август ҳолатига 170,5 млн. сўм ёки ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 145,9 млн. сўм кўп миқдордаги коммунал тўловлар қабул қилинди. Хусусан, "Contact" халқаро пул ўтказмаси жорий этилганлиги аҳоли учун қулайлик туғдирмоқда. 31 та корхона ва ташкилотнинг 35095 нафар ишчи-ходими пластик карточкалар орқали ойлик маош ҳамда унга тенглаштирилган маблағларни ўз вақтида олаяпти. Банк томонидан жойларда 40 та терминал ўрнатилган. Жорий йилнинг айни давригача мижозларга 7745 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган. Кредитлар, асосан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, шунингдек, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қандолатчилик ҳамда маиший хизмат тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Президентимиз томонидан 2006 йил 23 мартда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 308 сонли қарорига асосан, 45 та кам таъминланган оилага 58,6 млн. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Банкнинг ўз сармоялари ҳисобидан 27,2 млн., иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағи ҳисобидан 33,2 млн. сўм кредит берилди. Натижада жойларда 220 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, шаҳрисабзлик тадбиркор Неъмат Қобилов банкдан олган 30 млн. кредити эвазига сут маҳсулотларини қайта ишлашга, пишлоқ ва бринза тайёрлашга мўлжалланган янги цех барпо этди.

ЖОРИЙ ЙИЛДА ҒАЛЛА ВА ПАХТА ҲОСИЛИ ЕТИШТИРИШ УЧУН 575 НАФАР ФЕРМЕРГА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМҒАРМА ҲИСОБИДАН 579,5 МЛН. ВА БОШҚА МАНБААЛАРДАН 2420,9 МЛН. СЎМЛИК ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ.

МИЖОЗЛАР СОНИ ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИДАГИГА НИСБАТАН 261 ТА ОШДИ. КИТОБ ТУМАНИДА ЯНГИ МИНИБАНК ОЧИЛДИ . ЎТГАН 6 ОЙДА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ОМОНАТЛАР МИҚДОРИ 1248,9 МЛН. СЎМГА ЕТДИ.

— "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қашқадарё минтақавий филиали хизматидан мамнунмиз, — дейди шаҳрисабзлик тадбиркор Шерали Баратов. — Ўзимдан қиёс. Банкдан олинган 50 млн. сўм кредит эвазига ишларим ривожланаяпти. Кредитни ҳам, унинг фоизини ҳам ўз вақтида қайтараяпман.

Хуллас, банк бизга, биз эса банкка ишонамиз. Ишонч бор жойда, табиийки, ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораверади.

«Ўктамбанк» — спортчилар ҳомийси

Болалар спортини ривожлантиришга кўмаклашиш "Ўктамбанк" фаолиятининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, турли спорт мусобақаларига ҳомийлик қилиш диққат марказида тутилаётир. Банк кенгаши раиси Отабек Турсунов вилоят Кураш федерациясининг ижрочи директори, Қарши шаҳридаги "Чемпион" спорт клубининг президенти сифатида эзгу ишларга бош-қош бўлмоқда. Унинг саъй-ҳаракати билан Қарши туманидаги Ҳилол қишлоғида болалар спорт мажмуаси барпо этилаётир. Бу ерда қишлоқ ёшларининг жисмоний чиниқишлари учун барча шарт-шароит яратилади. Яккабоғ туманининг хушманзара ва сўлим гўшаларидан бирида "Спорт оромгоҳи" қуриш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 3 млн. сўм, "Насаф" спорт клубига 1 млн. сўм, "Нуроний" жамғармасига 200 минг сўм, "Чемпион" спорт клубига 1 млн. сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ўқиш учун контракт пуллари ўз вақтида ўтказиб берилаяпти, ногирон ва кексалар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Қарши шаҳрида яшовчи ногирон Шавкат Жўраев банкнинг беғараз ёрдами туфайли Россияда даволаниб келди. Ҳар байрамда 3-ногиронлар уйи тарбияланувчиларига совға-саломлар улашилиб, битирувчиларга кийим-кечаклар туҳфа этилмоқда.

Бугунги кунда "Ўктамбанк" хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банкининг мижозлари сони 1994 тага етди. Уларнинг 1100 тасини фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этади. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Косон, Шаҳрисабз, Касби, Қарши туманлари, шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Денов туманида минибанклар очилган. Банк раҳбарияти вилоятда фермерлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи субъектларга молиявий кўмак бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Жойлардаги кўплаб минибанкларда "Тадбиркорлар бурчаги" ташкил этилган бўлиб, улар фермерлик соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, модем ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган. Тегишли иш ҳақлари минибанклар орқали меҳнат ахлига ўз вақтида етказиб берилмоқда. Жорий йилда ғалла ва пахта ҳосили етиштириш учун 575 нафар фермерга Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғарма ҳисобидан 579,5 млн. ва бошқа манбалардан 2420,9 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.



Фақат шугина эмас. Банк ўз хизмат доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, 12 та кам таъминланган оилага чорва моллари сотиб олиш учун 10368 минг сўм миқдорида имтиёзли микрокредит берилди. Нақд пул муомаласини такомиллаштириш мақсадида пластик карточка эгаларидан 700 нафарига терминаллар орқали хизмат кўрсатилаётир. Шунингдек, DUET тизими орқали нақд пулсиз амалиётлар кенг қўлланилаяпти. Маҳаллий хом ашё асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни мақсад қилган тадбиркорларга банк маблағлари ҳисобидан қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилмоқда. "Саховат" ва "Янги йил туҳфаси" муддатли омонат турлари жорий қилинган.

— Тадбиркорлар ва аҳолининг пул маблағларини янги-янги омонат турларига жалб этаяпмиз, — дейди "Ўктамбанк" хусусий очиқ акциядорлик- тижорат банки бошқаруви раиси Акром Шукуров. — Бу борада бизга вақтли матбуот яқиндан ёрдам бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 15 апрелда қабул қилинган "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан банк тизими олдига қўйилган устувор вазифаларни амалга ошириш учун бор билим ва тажрибамизни ишга солаяпмиз. Иш ҳақи, чакана савдо, коммунал ва бошқа хизматлар соҳасидаги тўловлар учун якка тартибдаги ҳамда корпоратив пластик карточкалар кенг жорий этилмоқда. Ходимларимиз мамлакат ҳамда хориждаги нуфузли ўқув марказларида таҳсил олиб, ўз малакаларини оширмоқдалар. Вилоят тадбиркорлари ҳамда фермерларига намунали молиявий хизмат кўрсатиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш учун барча имкониятлардан фойдаланишни кўнгилга тукканмиз.

Кредитлар — устувор йўналишларга

"Ипотекабанк" АТИБ Қашқадарё вилоят филиали 2953 та мижозга хизмат кўрсатади. Ўтган етти ой мобайнида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 3815,6 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Кредитлар иқтисодиётнинг асосий тармоқларига йўналтирилаётир. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи муносабати билан Навоий номидаги истироҳат боғида барпо этилаётган амфитеатр қурилиши учун 650 млн. сўм, "Одина" ва "Сардоба" масжидларини таъмирлашга 600 млн. сўм, Қарши шаҳрининг "Эски шаҳар" қисмидаги йўл қурилиши учун 500 млн. сўм, иситиш тармоқларини қишки мавсумга тайёрлашга 308,7 млн. сўм имтиёзли кредитлар берилди. Вилоятда ишлаб чиқаришни ривожлантириш 14 та лойиҳа бўйича амалга оширилмоқда. Аҳолини уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида 3 та мижозга 13,6 млн. сўм ипотека кредити, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун фермер хўжаликларига 1659,5 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Нишон ва Китоб туманларида минибанклар ташкил этилди. Йилнинг ўтган етти ойи мобайнида валюта айирбошлаш шохобчалари орқали мижозларга 1 млн.га яқин, "WESTERN UNION" шохобчалари орқали 1,9 млн.га яқин АҚШ доллари миқдорида маблағ берилди. Қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олиш учун ЕТТБ кредит линияси бўйича фермерларга 74,2 млн. сўм, ўз маблағи ҳисобидан 24 млн. сўм кредит ажратилди. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам диққат марказида. Чунончи, аҳолига чорва моллари сотиб олиш учун 22 та лойиҳа бўйича 16,5 млн. сўмлик имтиёзли, ўз маблағи ҳисобидан 97,4 млн. сўмлик кам фоизли кредит ажратилди. Банк мижозлари бугунги кунда пластик карточкалар орқали 31 та савдо терминалларидан исталган маҳсулотни харид қилиш имкониятига эгадирлар. 9457 нафар пластик карточка эгасига 75,4 млн. сўм нақд пул берилди. Маҳаллий хом ашё асосида ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун банк томонидан 95 млн. сўм кредит ажратилди.

ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ 2700 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН НАВОИЙ НОМИДАГИ ИСТИРОҲАТ БОҒИДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН АМФИТЕАТР ҚУРИЛИШИ УЧУН 650 МЛН. СЎМ, "ОДИНА" ВА "САРДОБА" МАСЖИДЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШГА 600 МЛН. СЎМ, ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ "ЭСКИ ШАҲАР" ҚИСМИДАГИ ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ УЧУН 500 МЛН. СЎМ, ИСИТИШ ТАРМОҚЛАРИНИ ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРЛАШГА 308,7 МЛН. СЎМ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР БЕРИЛДИ.

— Президентимизнинг "Уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (2005 йил 16 февраль) зиммамизга алоҳида масъулият юклади, — дейди филиал бошқарувчиси Жаҳонгир Саломов. — Биз айни кунда асосий эътиборни аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш, уй-жой қуриш учун ипотека кредитлари ажратишга қаратаяпмиз. Шу мақсадда мижозларнинг ҳоли турган маблағлари омонатларга жалб қилиниб, юқори фоизли янги-янги омонат турлари жорий этилмоқда. Банкнинг рентабеллик даражасини ошириш, аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш асосий шиоримиздир.

Энг замонавий усулларда

Қашқадарёда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, оилавий бизнес ва касаначиликка кенг йўл очиш, шу асосда қўшимча иш ўринлари яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилашда "Микрокредитбанк" АТБ вилоят бошқармасининг алоҳида ўрни бор. Жамоада банк хизматини такомиллаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Бу борада микрокредит, пул муомаласи, пластик карточкалар бўлимлари бошлиқлари Зокир Исматов, Улуғбек Зоиров, Равшан Иноятуллаевнинг ҳиссаси каттадир. Ҳозирги кунда вилоят шаҳар ва туманларида банкнинг 9 та бўлими, 32 та минибанк фаолият кўрсатмоқда. Мижозлар сони 10775 тадан ошиб кетди. Бу ўтган йилнинг айни давридагидан кўпроқдир.

— Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи олдимизга янги талабларни қўймоқда, — дейди "Микрокредитбанк" АТБ вилоят бошқармаси бошқарувчисининг ўринбосари Илҳом Расулов. — Президентимиз таъбири билан айтганда, банклар иқтисодиётимиз локомотивидир. Бу, шубҳасиз, биз, банк ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бинобарин, юрт равнақи, миллат фаровонлиги йўлида бор билим ва маҳоратимизни ишга солмоғимиз лозим. Бугунги ўтиш даврида бирталай муаммолар кўндаланг бўлиб турибди. Уларни ҳал этиш учун молиявий кўмак бериш муҳим вазифалардан биридир. Шуни назарда тутиб, бошланғич сармояни шакллантириш, бизнес фаолиятини ривожлантириш мақсадида кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликларига кўп миқдорда микрокредитлар ажратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисобкитоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 445 сонли қарорига асосан, 11000 та пластик карточка муомалага чиқарилди, 9 та касса ва 22 та савдо терминали мижозлар хизматида. Ўтган етти ой мобайнида пластик карточкалар орқали 1421,7 млн. сўмлик маблағ айланмаси амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб бормоқда. Қашқадарёликлар Мустақиллик байрамини, Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини муносиб кутиб олиш учун барча соҳада фидокорона тер тўкишаяпти. Мижозларга кўрсатилаётган намунали молиявий хизмат туфайли ишлаб чиқариш ривожланиб, моддий манфаатдорлик ошмоқда. Бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, турмуш фаровонлигини таъминлаш имконини бераётир.

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУАСИ

Она-Ватанимиз ободлиги, иқтисодиётимиз барқарорлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни, тадбиркор ва ишбилармонларни ҳамда ҳамкорларимизни истиқлолнинг 15 йиллиги билан қизғин табриклайди.

« ПАРТИЯ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИНИ ОШИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАДИ. БУ СОҲА ФАҚАТ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИБГИНА ҚОЛМАЙ, АЙНИҚСА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ЎСИШИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ЯХШИЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҒИ ЛОЗИМ».

O`zLiDeP Дастуридан.

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI WWW.21ASR.COM

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ИНСОН ТАНАСИДАГИ СОҒЛОМ АҚЛ, ЭНГ КИЧИК ВУЖУДДА ЖАМУЛЖАМ БЎЛГАН БЕҚИЁС БУЮКЛИКДИР

Ўз танлаган йўлимиз бор

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида босиб ўтилган йўлимизга назар ташлар эканмиз, энг катта ютуғимиз юртдошларимиз онгида рўй берган ўзгаришлар эканига ишонч ҳосил қиламиз. Тан олиб айтиш керакки, бугун бозор иқтисодиёти олдимизга янги талабларни қўймоқда. Бу жараёнда тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, жумладан, консалтинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг ва бошқа институтларни ривожлантириш устувор аҳамият касб этмоқда.

Аъзам ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

— Андижон чин маънода жаннатмакон гўша,— дейди биз билан суҳбатда БПТ раиси П.АВЧИБОЕВ.—Ямяшил далалари оралаб дарёлар, сойлар, каналлар оқиб ўтади. Ушбу ҳудудда қишлоқ хўжалиги изчил ривожланмоқда. Жумладан, биргина Хўжаобод туманида деҳқончилик ва боғдорчиликка ихтисослашган 905 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, гузарлар, кўча ва йўлларни ободонлаштириш юзасидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Фирмамизга келсак, у асосан деҳқонлар, боғбон ва фермерларга хизмат кўрсатади. "АУДТ" бу — "Андижон уруғчилигини дунёга танитайлик" деган гапнинг қисқартирилган шаклидир.

Қодиржон ҳожи Каримов томонидан ташкил қилинган корхонамиз қисқа вақт орасида эл назарига тушди. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилганда, уни биринчилар қаторида қўллаб-қувватлаган, ташаббускорлардан бири Қ. Каримов эди. Ҳозирги кунда корхонамизда 25 киши хизмат қилади. Шундан 11 нафари O`zLiDeP аъзосидир.

— Корхонамизни "АУДТ", деб номлашимизга бир воқеа сабаб бўлган, — дея сўзини давом эттиради Қ. Каримов. — 1996 йилда иш ўрганиш, тажриба алмашиш мақсадида Голландияга боргандик. Сафар харажатлари бизни анча қийнаб қўйди. Боз устига бир килограмм уруғ фалон пул турар экан. Ўшанда ҳафсаламиз пир бўлиб қайтарканмиз, Андижон уруғчилигини дунёга танитишни кўнглимизга тугиб қўйгандик. Яратганга шукр, мана ўша кунларга ҳам етиб келдик.

«Зироат» минтақаларо ўсимликшунослар уюшмасини ташкил қилганимизга уч йил бўлди. У ўсимликшунослар ва зироаткорларни ихтиёрий равишда бирлаштирган жамоат ташкилоти бўлиб, асосан уруғчилик, сабзавотчилик, парник хўжалиги, гулчилик, боғдорчилик, ландшафт меъморчилиги, тупроқшунослик, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш соҳасида фаолият олиб боради. Бунинг учун уюшма томонидан маълумотлар банки ташкил қилинган. Тўпланган ахборотлар малакали мутахассислар томонидан таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар сабаблари аниқланади, уларни ҳал этиш бўйича маслаҳатлар берилади, турли хизматлар кўрсатилади.

Пўлатжон АВЧИБОЕВ, **1985 йили Андижон шаҳрида туғилган. Андижон давлат қишлоқ хўжалик институтининг иқтисодиёт ва хўжалик бошқаруви факультети 4-босқич талабаси. "АУДТ" уруғчилик савдо-ишлаб чиқариш фирмаси менежери, бошланғич партия ташкилоти раиси.**

Фирма фаолиятини такомиллаштиришда O`zLiDeP фаолларидан бири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Геннадий Матвеевнинг ҳиссаси катта бўлаётир. У боғбон ва сабзавоткорлардан қимматли маслаҳатларини аямайди. Илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш мақсадида турли кўргазма ва ярмаркалар, конференция ҳамда симпозиумлар ташкил этилмоқда. Яқинда "АУДТ" мутахассислари ташаббуси билан O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши ҳамда Фарғона водийсида фаолият кўрсатаётган фермерлар уюшмалари билан ҳамкорликда илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда минтақа уруғчилиги билан боғлиқ муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. "АУДТ" фирмаси бош директори, «Зироат» минтақаларо ўсимликшунослар уюшмаси раиси Қ. Каримов тадбирда сўз олиб, қишлоқ хўжалигига уруғ етказиб бериш, сақлаш, экиш, уни турли зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш борасида тўпланган тажрибалар ҳақида фикр юритди. "АУДТ" фирмасига қарашли корхоналарда йўлга қўйилган иш жараёни семинар иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

— Мен хоразмликман, — дейди республика Фермер хўжаликлари уюшмаси Хоразм вилоят филиали қошидаги "Қўшкўприк" консалтинг сервис хизмати маркази ходими Мирзажон Ибрагимов. — "Зироат" корхонаси фаолияти билан танишгач, вилоятда биринчилар қаторида "АУДТ" фирмасининг савдо нуқтасини ташкил қилдик. Айни кунда дўконимизда нафақат серҳосил, турли иқлим шароитларига чидамли уруғчилик маҳсулотлари, балки турли зараркунанда ва касалликларга қарши зарур дорилар, органик ва минерал ўғитлар, хилма-хил манзарали ва хонаки гуллар намуналари, шунингдек, гулчиликда қўлланиладиган аксессуарлар савдосини йўлга қўйганмиз. Бу сафарги семинарда иштирок этиб, "АУДТ" илмий ходимлари ва мутахассислари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар билан танишиб чиқдим. Фарғоналик ҳамкасблар тажрибасидан ҳар қанча ўрганса арзийди.

Дарҳақиқат, шундай. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари тармоғини кенгайтириш, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни, шунингдек, касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш кун тартибидаги муҳим масалалардан биридир. Мамлакатимизда тадбиркорликнинг ушбу йўналишларини рағбатлантириш юзасидан аниқ чоралар кўрилаётганлиги ҳар биримизни мамнун этади, албатта.

Бир сўз билан айтганда, яратувчилик, бунёдкорлик туйғуси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳаракатлантираётган асосий кучдир. Агар биз ана шу танлаган йўлимизда собит интилаверсак, юртимизни янада фаровон ва тараққиёти юксак давлатлар қаторига қўшамиз. Бунда эса, O`zLiDePнинг ўз ўрни бўлишига эришмоғимиз шарт.

Очиғи, бу галги қаҳрамонимиз Жўрақўзи Тешабоев билан суҳбатимиз бошқачароқ кечди. У ўз фаолияти ҳақида тўхталаркан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сафига биринчилар қаторида кирганлигини алоҳида фахр билан тилга олди. Дониёр Ҳабибуллаев, Абдусамад Аҳмадтожиев, Аҳмадали Бойматов, Олимжон Абдураимов каби маслакдошлар ҳам унга эргашдилар. Шу тариқа жамоада партиянинг қуйи бўғинига асос солинди.

Ортда қолиш йўқ

Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

— Ҳозирги кунга келиб сафимиз 38 кишига етди, — дейди Ж. Тешабоев. — O`zLiDePнинг дастурий ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида барча бирдек ҳаракат қилмоқда. Айниқса, Олий Мажлис ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайлов жараёнида фаолларимиз кўпроқ овоз тўплаш учун алоҳида ғайрат кўрсатдилар. Айни пайтда O`zLiDeP туман кенгаши билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Бу эса аҳоли ўртасида ғоявий-сиёсий тарбияни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Дарвоқе, жамоада меҳнат натижалари ҳам чакки эмас. АТ "Пахтабанк" туман филиали томонидан кичик бизнесни ривожлантириш мақсадлари учун 123 та мижозга 269 млн. 650 минг сўм миқдорида кредит ажратилди. Кам таъминланган оилалардан 98 тасига қорамол харид қилиш учун 600 минг сўмдан пул берилди. Таъкидлаш керакки, туман, асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Бугунги кунда жойларда 1438 та фермер хўжалиги фаолият юритаяпти. Улар шарофати билан кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Бандлик даражасини ошириш, касаначиликни ривожлантириш учун шу йилнинг ўзида 36 млн. сўм кредит ажратилди. Эътиборли томони шундаки, партия фаоллари кўзланган мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида алоҳида ўрнак бўлишмоқда.

Жўрақўзи ТЕШАБОЕВ, **1953 йилда Фарғона вилоятининг Бағдод туманида туғилган. Марғилон ҳисоб-кредит техникумини тамомлаган. Узоқ йиллар банк соҳасида иқтисодчи, бош ҳисобчи вазифаларида ишлаган. Ҳозирда акциядорлик-тижорат "Пахтабанк"нинг Бағдод туман филиалида ички назорат бўйича бош мутахассис, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.**

— Туманимизда фаолият юритаётган барча фермер хўжаликларида пахтадан баракали ҳосил етиштирилди, — дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Эндиги асосий вазифа уни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишдан иборат. Мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун 516 нафар фермерга 1943111 сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ундан мақсадли фойдаланиш ўз самарасини бераяпти. Биз, дала меҳнаткашларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлардан фойдаланишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Хулоса шуки, бошланғич партия ташкилоти атрофига уюшган маслакдошлар сиёсий фаоллигини ошириб, давр билан ҳамоҳанг қадам ташлаяптилар. Энг муҳими, уларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Аҳиллик ва якдиллик бўлган жойда янги ютуқларга йўл очилаверади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

Мамлакатимиз халқи
ва меҳмонларини, танти ва мард
металлургларни
энг улуғ, энг азиз айём —
Ўзбекистон Мустақиллигининг
15 йиллиги билан
муборакбод этади.
Ҳамма-ҳаммага сиҳат-саломатлик,
тинчлик-хотиржамлик,
Ватанимиз равнақи
йўлидаги фидокорона
меҳнатларида зафарлар тилайди.
Ишбилармон ва тадбиркорларимиз,
саховатли фермерларимиз
хирмони янада баракали бўлаверсин.
Истиқлол офтоби бошимиз узра
ҳамиша нур сочиб турсин!

МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

Серқуёш Ўзбекистон халқини азиз ва мўътабар байрам — Мустақиллик куни билан чин дилдан қутлайди. Суюкли Ватанимиз, мард ва танти халқимизнинг жаҳондаги обрўига обрў қўшилаверсин, довруғи довонлар ошаверсин!

TURON BANK

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК» ЖАМОАСИ

Азиз юртдошлар!
Барчангизни энг улуғ ва
энг азиз айём — Мустақиллик
байрами билан самимий қутлаймиз.
Омад ва бахт сизларга ҳамиша ёр бўлсин,
хонадонингиздан шодлик
ҳеч қачон аримасин!

«Туронбанк» Сиз билан, Сиз учун!

«АНДИЖОНКАБЕЛЬ» ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Муҳтарам юртдошлар!
Барчангизни Мустақиллик
куни билан қизғин ва
самимий муборакбод этамиз.
Оилангизга бахт-саодат,
бунёдкорлик ва яратувчилик
соҳасидаги фаолиятингизга эса
янги муваффақиятлар тилаймиз!



РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ЖАМОАСИ

Юртимиз аҳолисини, барча тадбиркору ишбилармонларни энг мўътабар байрам — Истиқлолнинг 15 йиллиги билан қизғин қутлайди. Азиз юртдошлар! Ҳуррият нашидасини суриб яшаётган халқимиз бундан-да гўзал ва фаровон ҳаёт кечириши учун бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра унумлироқ ишлайлик. Юртимиз равнақи йўлида амалга ошираётган барча эзгу ишларингизда омад сизларга ҳамиша ёр бўлсин.

«ХОРАЗМПАХТАСАНОАТ» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси

Азиз юртдошларимизни барчамиз учун бирдек қадрли байрам — Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этади. Озод Ватанимиз 15 йил ичида асрга татигулик тарихий йўлни босиб ўтди. Истиқлол туфайли бунёдкор халқимиз улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Тилагимиз — мустақиллигимиз абадий бўлиб, ўз юртини севувчи ҳар бир инсон унинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшаверсин!

«МИКРОКРЕДИТБАНК» Андижон вилояти бўлими

MIKROKREDITBANK

Мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни барқарорлаштириш, халқимизнинг тинч-тотув ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида жон куйдириб меҳнат қилаётган юртдошларимизни Истиқлол айёми билан муборакбод этади. Хонадонлари тинч-хотиржам, дастурхонлари ҳамиша байрамона бўлсин!

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ

Азиз юртдошлар!
Халқимизнинг энг қутлуғ айёми —

Мустақиллик куни

барчамизга муборак бўлсин.
Ҳуррият нашидасини суриб яшаётган халқимиз бундан-да гўзал ва фаравон ҳаёт кечириш учун бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумлироқ ишлайлик
Озодлик қуёши суюкли Ватанимиз осмонида ҳамиши мўл-кўл ёғду таратаверсин!



«O`ZSANOATQURILISHBANK»

Ўзсаноатқурилишбанк жамоаси
Мамлакат равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни мустақилликнинг 15 йиллиги байрами билан қизғин муборакбод этади!
Келгусидаги ишларингизга ривож, сиҳат-саломатлик ва оилавий бахт тилайди.

«СУРХОНДАРЁ ЁҒ ЭКСТРАКЦИЯ» ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Шу табаррук заминда яшаб, уни фидойи меҳнати билан гуллатаётган барча фуқароларга ажойиб байрам — Мустақиллик куни муборак бўлсин!
Ўзбекистон осмонида истиқлол офтоби ҳамиша порлайверсин, бу жаннатмакон юртни ёвуз кучлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин!



«НАМАНГАН ПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

Серқуёш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча фуқароларни Мустақиллик куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.
Озод ва обод Ватанимиз фаровонлиги йўлида фидойи меҳнат қилаётган барча юртдошларимизга янгидан-янги зафарлар ёр бўлишига астойдил тилакдошмиз.

ИСЛОҲОТЛАРДАН *мақсад - аввало иқтисодиётимизни жадал ва барқарор ривожлантириш, юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир*

ИСЛОҲОТ

Қарор ижроси йўлида

Мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида кейинги пайтда Юртбошимиз томонидан қатор ҳужжатлар қабул қилиндики, бу ҳам бўлса, мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳосиласидир.

Хусусан, 2006 йил 26 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда "2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида"ги қарорлардир. Хўш, иқтисодиётда хусусий секторнинг салмоғини оширишга қаратилган ушбу қарорларнинг жойлардаги ижроси қандай бўлаяпти? Мухбиримиз ана шундай савол билан Давлат мулки қўмитаси Сурхондарё ва Навоий вилоят ҳудудий бошқармалари раҳбарларига мурожаат этди.

Малоҳат ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди

М. ТИЛОВОВ, Сурхондарё вилоят Давлат мулки бошқармаси бошлиғи:

— Юртбошимизнинг Сиз тилга олган ҳар иккала қарори мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнига алоҳида аҳамият берилаётганидан далолатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда ҳар иккала қарор ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар қизғин паллага кирди. Аввало, мазкур жараённи бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилди. Жумладан, 335 сонли қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда бошқармамиз тузилмасида жиддий ўзгаришлар қилинди. Масалан, бўлимлар янгидан ташкил этилди, уларга танлов асосида малакали, соҳа ишини пухта биладиган кадрлар қўйилди, ходимларга улар шуғулланадиган вазифалар аниқ тақсимлаб берилди. Бошқарманинг низоми ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. 2006 йилнинг иккинчи ярми учун иш режалари тузилди.

Бошқармамиз томонидан ижтимоий-маданий, маиший ва хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли 574 та корхона ва объект ўрганиб чиқилди. Шундан 32 таси маҳаллий ҳокимият органларига, 3 таси давлат архивига, 22 таси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, 432 таси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, 42 таси Халқ таълими вазирлигига, 7 таси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига, 28 таси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, 4 таси эса "Ўзавтойўл" уюшмасига қарашлидир. Бугунги кунда давлат корхоналари, низом фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари, қўшма корхоналар ва бошқа давлат объектлари хатловдан ўтказилмоқда. Ҳозирга қадар 230 та корхона ва хўжалик жамияти тўлиқ хатлаб чиқилди.

Корхона ва объектлар фаолиятини замонавийлаштириш ва самарадорлигини ошириш, уларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, жумладан, инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш мақсадида фаолиятини ҳар томонлама таҳлилдан ўтказишни кўзда тутувчи, корхона ва объектни сотишдан олдинги тайёргарлик ишларини олиб бориш ва реестрини тузиш борасида ҳам бошқарма томонидан амалдаги низомда белгилаб қўйилган тартибда мониторинг юритиш базаси яратилди.

Бундан ташқари, бошқармамиз томонидан давлат активлари мавжуд бўлган, аммо ҳозирги кунда фаолият юритмаётган 47 та корхона ва ташкилот аниқланиб, уларнинг фаолияти тўхтаб қолиши сабаблари таҳлил қилинди, амалга оширилиши лозим бўлган тадбир ва таклифлар ишлаб чиқилди.

"2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида"ги қарор ижросини таъминлаш юзасидан қарорга 1, 2 ва 3-иловаларга киритилган корхона ва объектлардаги давлат активларини баҳолаш, савдога қўйиш ҳамда сотиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, ҳар бир корхона ва объектга алоҳида масъул шахслар тайинланди, уларнинг давлат активларини баҳолаш, савдога қўйиш ҳамда ноль қийматида сотиш бўйича ҳужжатлар тўпламининг пухта тайёрланишига шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилди.

Давлат активларини баҳолаш учун танлов ўтказиш билан шуғулланадиган ишчи гуруҳ тузилиб, ҳудудий танлов комиссияси томонидан танлов шартлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Жорий йилнинг 4 август куни давлат активларини баҳолаш учун танлов ўтказувчи ишчи гуруҳнинг йиғилиши ўтказилди ҳамда "Кўчмас мулк ва сармоялар агентлиги" ҳамда "Сурхондарё баҳолаш ва консалтинг маркази" масъулияти чекланган жамиятлари танлов ғолиби деб топилди. Дастурда белгиланган 109 та корхона ва объектдаги давлат активларини баҳолаш ушбу ташкилотларга тақсимлаб берилди.

Ҳозирги кунга қадар 109 та корхона ва объектдан 54 таси бўйича мавжуд давлат активларини баҳолаш учун тегишли ҳужжатлар тўплами ҳудудий бошқармага тақдим этилди. Айни пайтда ишчи гуруҳ молмулкларни хатловдан ўтказиш ва бугунги кундаги бозор қийматини аниқлаш билан шуғулланмоқда.

407 сонли қарорга 2-иловага киритилган Шўрчи туманидаги аккумулятор ишлаб чиқариш цехининг 100 фоиз, Жарқўрғон туманидаги "Ирсувқурилиш" масъулияти чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат активлари инвестиция мажбуриятлари эвазига ноль қийматида сотиш белгиланди. Ушбу корхоналарнинг давлат активлари бўйича тендер савдоларини ўтказиш учун танлов шартларини келишиб олиш мақсадида белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар тўплами Давлат тендер комиссиясига тақдим этилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг муваффақиятли кечиши кўп жиҳатдан унинг очиқ-ошкоралигини таъминлашга боғлиқ эканлиги барчага маълум. Бошқармамиз томонидан бу соҳада ҳам муайян ишлар қилинмоқда. 2 август куни "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш" мавзуида амалий семинар уюштирилди. Унда тегишли корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, масъул ходимларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 407 сонли қарорига киритилган корхона ва объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиблари тушунтирилди.

БУТУН МАМЛАКАТИМИЗДА КЕЧАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ МУЛКНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҲИСОБЛАНАДИ.

Корхона ва объектларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш, тендер савдолари асосида сотиб олиш тартиблари тўғрисида маҳаллий газеталарда мақолалар чоп этилди. Маҳаллий телевидениеда "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш" мавзуида давра суҳбатлари ўтказилмоқда, реклама роликлари эфирга узатилаяпти.

Кўрилаётган мана шу ва бошқа чора-тадбирларимиз Юртбошимиз томонидан қабул қилинган ҳар иккала қарорнинг ижросини тўла-тўкис таъминлаш имконини беради, деб ўйлайман.

Ф. МИРЗАЕВ, Навоий вилоят Давлат мулки ҳудудий бошқармаси бошлиғи:

— Аввало, шуни таъкидлашим керакки, навоийликлар мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда "2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида"ги қарорларини қониқиш ва мамнуният туйғуси билан кутиб олдилар.

Биринчи галда корхона ва ташкилотлар давлат тасарруфидан чиқарилаётган вақтда тасарруф этиш ҳуқуқисиз давлат мулки сифатида корхона балансида қолдирилган ижтимоий соҳа ҳамда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш объектлари хатловдан ўтказилди. Натижада вилоятимиз бўйича давлат тасарруфидан чиқарилган 28 та корхона балансида 143 та молмулк қолдирилгани аниқланди. Шундан 50 таси "Ўзкоммунхизмат" агентлиги тизимидаги ичимли сув таъминоти корхоналарига қарашли ижтимоий соҳа объектларидир. Булар марказий хиёбонлар, маданий ва дам олиш масканлари, кўприклар, қабристонлар, кўча йўлаклари ҳамда бошқа ободончилик объектлари бўлиб, маҳаллий ҳокимликлар, болалар боғчалари, халқ таълими бошқармаси, турар жой бинолари, ётоқхоналар маҳаллий ҳокимликлар балансига ўтказилган.

Ҳозирги кун ҳолатига ичимли сув, иссиқлик таъминоти корхоналари ва бошқа хўжалик жамиятларига қарашли 75 та мол-мулк стратегик аҳамиятга эга корхоналар балансида тасарруф этиш ҳуқуқисиз қолдирилди. Шундан 16 та объект корхона ичида жойлашганлиги сабабли ўша корхонанинг ўзига хусусийлаштириб бериш таклифи киритилди, 2 та объект ҳозирги кунда корхона томонидан фойдаланилмаётгани боис, очиқ савдоларда сотиладиган бўлди. Булар — "Ўзкоммунхизмат" агентлигига қарашли 1 та, "Ўзагромашсервис"га қарашли 2 та, "Ўзавтотранс" акциядорлик компаниясига қарашли 6 та, НКМКга қарашли 4 та, ҳокимликка қарашли 1 та, "Ўзмадпарранда-холдинг" компаниясига қарашли 2 та объектдир.

Бундан ташқари, давлат ташкилот ва корхоналарининг ижтимоий соҳада хизмат кўрсатадиган объектлари бўйича маълумотлар тўпланди. Ушбу давлат ташкилотлари томонидан 447 та, яъни Навоий кон-металлургия комбинати томонидан 83 та, Халқ таълими бошқармасидан 147 та, Соғлиқни сақлаш бошқармасидан 198 та, бошқа давлат ташкилотларидан 19 та ижтимоий соҳа объектлари реестри тузилди.

Қарорга асосан Навоий вилояти бўйича 59 та давлат мулки 2006-2008 йиллар давомида давлат тасарруфидан чиқарилиши белгиланган. Дастурга киритилган корхона ва объектлар ижтимоий ҳамда стратегик аҳамияти, активларининг ликвидлик даражаси ва хусусийлаштириш усулларига кўра гуруҳларга ажратилган. Ушбу гуруҳларнинг энг йириги — тармоқ бирлашмалари таркибига кирувчи 36 та корхона ва объект бўлиб, улар тўлиғича биржа ва биржадан ташқари бозорда сотилиши кўзда тутилган. Шунингдек, инвесторларга "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Халқ таълими вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа идоралар таркибига кирувчи давлат активлари ҳам таклиф этилган. Стратегик инвесторлар учун эса вилоятимиз бўйича 4 та йирик корхонанинг юқори ликвидли активлари бозорга қўйилади. Улар Давлат тендер комиссияси қарорига мувофиқ инвестиция жозибадорлигини оширишга қаратилган тегишли тайёргарликдан сўнг сотилади.

Вилоят бўйича паст рентабелли, иқтисодий ночор ҳамда паст ликвидли 18 та объект жорий йил давомида инвестиция мажбуриятларини бажариш шарти билан ноль қийматида танлов савдосига чиқарилади.

Бундан ташқари, дастурга киритилган объектларнинг сифатли баҳоланишини таъминлаш мақсадида баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилди. Шу асосда "Навоий кўчмас мулк ва сармоялар агентлиги" ҳамда "Консалтинг ва баҳоловчи" масъулияти чекланган жамиятлари ғолиб деб топилди.

Пировардида шуни таъкидламоқчиманки, бутун мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналиши мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобланади. Шундай экан, биз бу жараённи қанчалик оқилона бошқарсак ва муваффақиятли ниҳоясига етказсак, иқтисодиётда хусусий секторнинг мавқеи шунчалик мустаҳкамланади.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ

НАМАНГАН. Байрам шодиёналари давом этаётган шу кунларда ўтган қисқа фурсат — 15 йил ичида юртимизда амалга оширилган хайрли ва эзгу ишлар кўз олдингдан ўтади. Дарҳақиқат, жонажон юртимиз барча соҳада ўзининг нималарга қодирлигини намоён этмоқда. Туб янгиланиш жараёнида шаҳар ва қишлоқларимиз бутунлай янги қиёфа касб этаётганини кўриб турибмиз.

Истиқлол берган имконият

Манзура ДАДАБОЕВА, O`zLiDeP Чуст туман кенгаши раиси, «Бону» фермер хўжалиги раҳбари:

Мулкчиликнинг нодавлат сектори шаклланиб, ер ҳақиқий эгасини топди. Фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган туб ислоҳотлар мевасидир. Ерга муносабат ўзгарганлиги туфайли қишлоқ хўжалиги изчил ривожланиб, маҳсулот етиштириш кўпайиб бормоқда.

Буни ўз тажрибамиз мисолида кўриб турибмиз. 1994 йил Дуоба қишлоғида "Бону" фермер хўжалигини ташкил этиб, деҳқончилик қила бошладик. Қисқа вақт орасида ер майдонимиз 3 гектардан 10 гектарга кўпайди. Тўғри, дастлабки кезларда иш юритиш осон кечмаган. Ният холис бўлса, ҳар қандай қийинчиликни енгса бўларкан. Ҳукуматимизга раҳмат, биз — мулкдорлар учун барча имкониятларни яратиб бермоқда. Тендер танловида ғолиб чиқиб, қўшимча 38 гектар ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритдик. Фақат шугина эмас. Лизинг асосида олинган янги ҳайдов трактори мушкулимизни осон қилмоқда. Далаларимизга "Наманган-77" навли пахта уруғи экилган. Маъмуржон Нишонов, Фурқатжон Ҳакимов, Турсунбой Раҳимов, Гулзода Ҳакимова каби аъзоларимиз мўлкўл ҳосил етиштириш йўлида елкама-елка туриб меҳнат қилишмоқда. Бўлиқ кўсаклар юксак хирмон баракасидан дарак бериб турибди.

Бахтли бўлиш учун инсонга кўп нарса керак эмас. Мен ҳам она, ҳам буви, ҳам фермер хўжалиги раҳбари сифатида ҳамқишлоқларим ардоғидаман. Уларнинг ҳурмат-эътиборига муносиб бўлиш, партия томонидан билдирилган юксак ишончни оқлаш асосий мақсадимдир. Бу эса мени ҳамиша олдинги сафда бўлишга, мустақил юрт манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди.

ФАРМОН ВА ИЖРО

БУХОРО. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги фармонидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Самойдин Ҳусенов кириш сўзи билан очди.

Илмий-амалий семинар

Ўз мухбиримиз

Маълумки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг муҳим омили жиноий-процессуал қонунларни, жумладан, жиноий жазони либераллаштиришдан иборатдир. Кейинги йилларда қонунларга инсонпарварлик руҳидаги кўплаб ўзгартиришлар киритилди. Айни кунда жойларда содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятлар рўйхатини камайтириш, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўлланишга оид дастурий тадбирлар белгиланиб, улар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходими Э. Абзалов тадбирда сўзга чиқиб, Юртбошимиз томонидан 2006 йил 29 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойишидан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталди.

Таъкидландики, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу эса ижтимоий адолатни қарор топтириш, жиноий жазо чораларини либераллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Олий суд судьяси А. Усмонов, Тошкент давлат юридик институти кафедра мудири, юридик фанлари номзоди З. Иноғомжонова, Ички ишлар вазирлиги тергов бош бошқармаси бўлим бошлиғи Қ. Бобожоновлар ҳам мамлакат ҳудудида ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид фармоннинг аҳамияти ҳақида фикр юритдилар.

Музокараларда Олий Мажлис Сенати аъзолари — Вобкент тумани ҳокими М. Эсонов, Бухоро автомобиль ва йўллар коллежи директори Х. Муҳаммедов, шунингдек, Бухоро давлат университети ректори О. Ёриев ва бошқалар сўзга чиқиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

«ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ»
САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОЧИҚ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Ҳурматли тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!

“ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ” СИЧОАЖ СИЗ, АЗИЗЛАРНИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИ – ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ҚИЗҒИН ТАБРИКЛАЙДИ ВА БАЙРАМОЛДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Сиз излаган озиқ-овқат ва саноат молларининг барча турлари Сиз азизларга мунтазир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари: “Бўстонлиқсутсервис” ШК сут маҳсулотларининг барча турлари, “Тошкентёғмойкомбинати” қўшма корхонаси ОАЖ “Моя мечта” пахта ёғи, маргаринлари, “Бета”, ХК “Алгоритм” АШ корхонасининг кенг турдаги чойлари ҳамда “МС Фуд Прессесинг-ко” фирмаларини мева-сабзавот консервалари сизларга таклиф қилинади.

Савдога чиқарилган атторлик моллари Италиядаги “Пупа”, Мисрдаги “Парфико” фирмаларида ишлаб чиқарилган.

Сизларга таклиф қилинадиган ип-газлама “Бухоротекс”, зиғир поясидан тўқилган газлама ва ундан тикилган ётоқхона буюмлари тўпламлари эса Белоруссиянинг Оршан шаҳридан келтирилган.

Кенг турдаги трикотаж моллар “Шайхонтоҳуртекстиль” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида, аёллар ва эркакларнинг хилма-хил устки кийимлари Белоруссиядаги “Полесия” фирмасида, замонавий модалардаги кузги ҳамда қишки пальтолар Россиядаги “Беркут” ва “Соната”, бош кийимлари “Фетр” (Россия) ва “Вилняус Каэляй” (Литва) фирмаларида тикилган.

Гилам ва гилам маҳсулотлари нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам машҳур бўлган “Хива-Карпет” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида тўқилган.

Телерадио ва бошқа техника товарлари Австриядаги “Витек” фирмасида, шунингдек, юртимиздаги “Ройсон” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган.

Уй хоналарига нур бериб файз киритувчи биллур қандиллар Тошкентдаги “Оникс” акциядорлик жамиятидан, уларнинг озода бўлишига хизмат қилувчи чангютгичлар Россиядаги “Полар” фирмасидан келтирилган. Ошхона анжомлари – идиш-товоқлар пойтахтдаги “Оникс” акциядорлик жамиятида, материали зангламайдиган пўлатдан ясалган пичоқ, қошиқ ва санчқилар “Пўлат АШ” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида тайёрланган.

Универмагда сизларга, шунингдек, байрамбоп эсдаликлар ва совғалар ҳам таклиф қилинади.

УНИВЕРМАГ ЖАМОАСИ БАРЧАНГИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДАГИ УНУТИЛМАС САНА – МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН ЯНА БИР БОР ҚУТЛАЙДИ ВА ҲАММАНГИЗГА УМРИ БОҚИЙЛИК, ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, РИЗҚИ РЎЗИНГИЗГА ҚУТ-БАРАКА ТИЛАЙДИ.

«МУБОРАКГАЗ КОНЛАРИ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



Бутун Ўзбекистон аҳлини Мустақиллик байрами билан самимий муборакбод этади. Юртимизни файзу барака, қалбимизни шоду хуррамлик ҳеч қачон тарк этмасин, қадрли ватандошлар!

2006 йил 31 август
Пайшанба
34-35 (140-141) -сонлар
www.21asr.com
XASR

ИНСОННИНГ жисмоний ғайрати мўъжизалар яратишга қодир

Эртанги кунимиз учун барчамиз масъулмиз

МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ДИРЕКТОРИ, O`ZLIDEP АЪЗОСИ ЎКТАМ УМАРОВНИНГ ФИКРИЧА, МУСТАҚИЛЛИК ҲАР БИР ЮРТДОШИМИЗ ҚАЛБИГА ФИДОЙИЛИК ТУЙҒУСИНИ ЖО ЭТДИ

Одатда бағрикенг, меҳрибон инсонлар ўзларидан хайрли ишлар ва солиҳ шогирдлар қолдирадилар. Улар аслида ўз шогирдлари қалбига яхшилик уруғини экадилар. Бу эса эзгуликнинг боқий эканлигидан далолатдир.
Муборак газни қайта ишлаш заводи директори Ўктам Умаров — ана шундай устозлар меҳрига сазовор инсонлардан. Унинг бахти шундаки, илк иш фаолиятини бошлаган кезларда тақдир уни бағрикенг инсонларга рўбарў қилди. Устозларнинг ўгити, талабчанлиги боис ҳаётда курашиб яшашни, янгиликлар сари интилишни ўрганди.

Зумрад АБРОРОВА,
"XXI asr" мухбири

Қашқадарё вилоятининг Миришкор қишлоғида туғилиб ўсган Ўктам, аввало, отаси Темир бобо, онаси Ўғилой момодан меҳнатсеварликни ўрганди. Ўрта мактабни тугаллагач, Тошкент политехника институтининг нефть ва газ саноати факультетида ўқиди. Уни муваффақиятли тугатиб, Муборак газни қайта ишлаш заводига ишга келди. Меҳнат фаолиятини 1985 йилда технологик қурилма операторлигидан бошлади. Институтда олган билимларини амалиётга татбиқ эта бориб, зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажариш баробарида янги-янги таклифларни ўртага ташлаб, амалиётга муваффақиятли жорий қилди.

— Ҳар тонг ишга йўл олар эканман, мустақил юрт равнақи йўлида меҳнат қилишдек бахтга муяссар этган Аллоҳга шукроналар айтаман, — дейди Ўктам Умаров. — Омадим шундаки, ушбу даргоҳда мамлакатимиз нефть-газ саноати ривожига улкан ҳисса қўшган Нуриддин Зайниев, Барака Рустамов, Иззет Ибрагимов, Николай Будзиевский, Валентин Дорошенкодек бағрикенг, билимдон, ташаббускор инсонлар қанотида бўлдим. Уларнинг ўгитлари, кўмаклари билан касб сирларини эгалладим, тажриба орттирдим. Мен ишга келган кезларда табиий газни истеъмолчиларга етказиб беришда жиддий қийинчиликлар мавжуд бўлиб, олтингугурт хом ашёси тақчил эди. Шу боис устозлар раҳбарлигида газ саноати ва кимё машинасозлигига алоқадор илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари мутахассислари билан ҳамкорликда корхонани ривожлантириш комплекс дастурини ишлаб чиқдик. Унда корхонани босқичма-босқич замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, экологик ҳолатни яхшилаш, реконструкция ишларини жадаллаштириш кўзда тутилганди. Мавжуд қурилмаларнинг бирин-кетин такомиллаштирилиши натижасида олтингугурт, газ конденсати ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми орта бошлади. Ўша кезларда устозларимдан ўрганган тажрибаларим бугунги кунда жуда асқотмоқда. Чунки ишлаб чиқариш жараёнлари мунтазам янгиланиб бораяпти.

Эндигина корхонага раҳбар этиб тайинланган кезларим раҳбаримиз ҳузурига чақириб, корхонада бир пайтлар бошланган реконструкция ишлари тўхтаб қолганлиги учун койиб, уни, албатта, охирига етказиш зарурлигини уқтирди.

— Сенга ишонаман, яхши мутахассис, тажрибали раҳбарсан. Мустақил давлатимиз иқтисодиётини юксалтириш, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида тер тўкишинг ҳам қарз, ҳам фарз. Давр ҳар бир раҳбардан юксак касбий билим, юрт келажаги учун масъуллик ва ижтимоий-сиёсий фаолликни талаб этмоқда. Изланишда давом эт, билим ва малакангни муттасил ошириб бор. Нефть ва газ саноати учун маҳаллий кадрлар тайёрлашга ҳисса қўш, — деб таъкидлагандилар.

Бу гаплар менга қанот бағишлади. Корхонада "Устоз-шогирд" муносабатларини янада мустаҳкамладик. Ёш кадрларни тажрибали ва маҳоратли мутахассисларга бириктириб қўйдик. Қисқа давр ичида маҳаллий ёшлар орасидан соҳамизнинг етук билимдонлари етишиб чиқди. Тошкент давлат техника университети, Кимё-технология институти каби нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни кучайтирдик. Айни пайтда Москвадаги Губкин номли нефть ва газ саноати институтида ҳам 2 нафар мутахассисимиз таҳсил олмоқда. Келгусида уларни билим ва малака ошириш учун дунёнинг энг йирик нефть-газ компанияларига юборишни режалаштирганмиз. Мустақиллик йилларида билимдон ва малакали мутахассисларимизнинг тиним билмаслиги, изланиши натижасида нефть ва газ саноати мамлакат иқтисодиётининг етакчи бўғинларидан бирига айланди. Бугун корхонадаги асосий цехларга раҳбарлик қилиб турган энг зўр мутахассисларимиз бор.

Уларнинг тиришқоқлиги боис барча қурилмалар бир маромда, тўхтовсиз ишлатилиб, халқ хўжалиги ва истеъмолчиларнинг талаблари тўлиқ қондирилаётир. Жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида корхонада 258716462 минг сўмлик маҳсулот тайёрланиб, режа ортиғи билан уддаланди. Шу жумладан, 15928668 минг куб метр газ, 93050 тонна олтингугурт, 288 минг 936 тонна барқарорлашган конденсат, 6 минг 5 тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилди. Корхонада истеъмолчиларнинг талаб ва истаклари инобатга олинган ҳолда ҳар уч йилда биттадан газни қайта ишлаш қурилмаси ишга туширилаяпти. 2010 йилга бориб, кенг қамровли реконструкция ва модернизация ишлари ниҳоясига етказилади.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ЕТТИ ОЙИ МОБАЙНИДА КОРХОНАДА 258716462 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНИБ, РЕЖА ОРТИҒИ БИЛАН УДДАЛАНДИ. ШУ ЖУМЛАДАН, 15928668 МИНГ КУБ МЕТР ГАЗ, 93050 ТОННА ОЛТИНГУГУРТ, 288 МИНГ 936 ТОННА БАРҚАРОРЛАШГАН КОНДЕНСАТ, 6 МИНГ 5 ТОННА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ. КОРХОНАДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ТАЛАБ ВА ИСТАКЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНГАН ҲОЛДА ҲАР УЧ ЙИЛДА БИТТАДАН ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҚУРИЛМАСИ ИШГА ТУШИРИЛАЯПТИ.

— Газни пропан билан совутиб қуритиш мажмуаси бундан бир неча йил аввал ишлаб чиқаришга жорий этилиши керак эди — дейди корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ҳасан Иноқов.

Қанча уринишлар бесамар кетди, мажмуани ишлатиш орзулигича қолаверди. Аммо узоқ уринишлар, соҳа мутасаддиларининг қатъияти билан 8 ой давомида қурилиш ишлари якунланиб, мажмуа тўлиқ ишга туширилди. 4 та қурилма, яъни паст ҳароратли ажратиш, реагентнинг ҳолатини қайта тиклаш, пропан билан совутиш ҳамда газнинг миқдорини ўлчаш ускуналари ишга тушгач, 13,6 млрд. кубометр газни қуритиш имконига эга бўлдик. Технологик жараёнларни ўзбек йигит-қизларимиз замонавий компьютерлар ёрдамида бажараётганликлари, айниқса, диққатга сазовордир. Изланишлар эса давом этмоқда. Насиб этса, 2010 йилгача яна 7 та шундай қурилма ишга туширилади. Ана шунда корхонамиз йилига 366 минг тонна суюлтирилган газ, 150 тонна газли бензин ишлаб чиқариш имконига эга бўлади.

Мамлакатимиз саноати гигантларидан бири ҳисобланган корхона қуввати йилдан-йилга ошиб бораяпти. Агар дастлабки йилда 5 млрд. кубометр газ қайта ишланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 27,5 млрд. кубометрни ташкил этмоқда. Аҳил жамоа технологик жараёнларни муттасил такомиллаштириш ва янгилаш йўли билан яқин йилларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини 30 млрд. кубометрга етказиш ниятидадир. Кейинги йилларда газни олтингугуртли бирикмалардан тозалаш учун қўшимча иссиқлик алмаштириш ускунаси ўрнатилгач, Муборак иссиқлик марказига юбориладиган буғ конденсати ҳарорати кескин тушиб, яхшигина фойда олинди. 12-блокдаги абсарбер аппаратларига контакт мосламалари қўйилгач, табиий газ ишлаб чиқариш 130 минг кубометрга етказилди.

Бугунги кунда корхонада 2500 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Шу йил биринчи ярмида уларнинг 171 нафари республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида саломатликларини таклаб қайтдилар. Бунинг учун корхона ҳисобидан 34090600 сўм маблағ ажратилди. Корхона ҳудудида замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган 100 ўринли шифохона ва поликлиника ишлаб турибди.

Ўктам Умаров Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси сифатида ҳам аҳоли ўртасида партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, жойларда хусусий бизнесни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, янги-янги тадбиркорлик субъектларининг очилишига салмоқли ҳисса қўшаяпти. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати сайловчилар билан тез-тез учрашиб, улар дуч келаётган муаммоларни бартараф этишда жонбозлик кўрсатмоқда. Туманнинг тоғли ҳудудларида деҳқон хўжаликларини очиш, мевани қайта ишлайдиган корхона қуриш, бўқоқ касаллигининг олдини олиш мақсадида йодланган туз ишлаб чиқарадиган цех барпо этишга кўмаклашмоқда. Корхона ҳомийлигида тумандаги Саховат уйи, А. Холмуродов номли мактаб бинолари таъмирланди, Мустақилигимизнинг 15 йиллиги арафасида янги спорт саройи фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, Қарши шаҳридаги махсус интернат-мактаб, Шаҳрисабз туманидаги ихтисослашган болалар мактаби, Китоб туманидаги Меҳрибонлик уйи, Муборак туманидаги мактаблар, болалар боғчалари, коллеж ва қишлоқ-врачлик пунктлари бинолари, ётоқхона ва ўқув хоналари таъмирлаб берилди.

АГАР ДАСТЛАБКИ ЙИЛДА 5 МЛРД. КУБОМЕТР ГАЗ ҚАЙТА ИШЛАНГАН БЎЛСА, БУГУНГИ КУНДА БУ КЎРСАТКИЧ 27,5 МЛРД. КУБОМЕТРНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА. АҲИЛ ЖАМОА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ МУТТАСИЛ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ ЙЎЛИ БИЛАН ЯҚИН ЙИЛЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ ҲАЖМИНИ 30 МЛРД. КУБОМЕТРГА ЕТКАЗИШ НИЯТИДАДИР.

Бугунги кун раҳбари ҳамиша янгилик сари интилиб яшаши ва меҳнат қилиши, жаҳондаги энг илғор технологияларни ўзлаштириши, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиши зарур. Ўктам Умаров буни жуда яхши билади. Шу боис у Швейцария, Испания, Германия, Чехия каби давлатларга бориб, нефть ва газ саноати тараққиёти билан боғлиқ янгиликларни ўрганди. Охир-оқибатда ўзининг 10 дан ортиқ ихтироси, рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этди. Ўтган йиллар мобайнида умумий қуввати йилига 8 млрд. кубометр газни қайта ишлайдиган қурилмалар ишга туширилди. Мавжудлари такомиллаштирилди. Натижада олтингугурт, газ конденсати ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортди. Олинаётган фойда миқдори ўсиб, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги йил сайин ошиб бораётир.

Ўктам Умаров мустақилликнинг 6 йиллиги ҳамда Нефть ва газ саноати ходимларининг касб байрамлари муносабати билан мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, иқтисодий қудрати ва шон-шарафини оширишга қўшган шахсий ҳиссаси, ишлаб чиқаришдаги фидокорона меҳнати учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими" фахрий унвони билан тақдирланди.

Излаган имкон топади, дейдилар. Ўктам Умаров 2004 йилда техника фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлди.

У одамларнинг эртанги кунини маъмур, истиқболини порлоқ қилишдек эзгу ишларда ўзининг камтарона ҳиссасини қўшаётган инсонлардандир.



ЭНЕРГЕТИКА

САРМОЯЛАР *иқтисодий тараққиёт гаровидир*

ИҚТИСОДИЁТ

ЕНГИЛ САНОАТ

Заррада қуёш акси

ЁКИ "САЙХУНМЕДТЕКС" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Истиқлол берган имконият туфайли бугун қўриқ Сирдарё вилоятида энг замонавий технологияларга асосланган ўнлаб қўшма корхоналар самарали фаолият юритиб, халқ истеъмоли учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқараяпти. Уларнинг катта қисми чет мамлакатларга экспорт қилинаётгани эса, алоҳида таҳсинга сазовордир.
Улар орасида "Сарбонмедтекс"нинг алоҳида салоҳияти бор. Ўзбекистон-Швейцария ҳамкорлигида ташкил этилган қўшма корхона қўлга киритаётган ютуқлар бугун барчани қувонтирмоқда. Зеро, заррада қуёш акс этганидек, мазкур корхона тимсолида бутун вилоят салоҳияти мужассамдир. Асосан тиббий дока, шунингдек, ип-калава ва сурп ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона Низом жамғармаси 6725,6 минг АҚШ долларини ташкил этади.



Суҳбатдош: Примқул ДЎСТМАМАТОВ

Мухбиримиз мустақиллик байрамининг 15 йиллиги арафасида қўшма корхона раҳбарига бир неча савол билан мурожаат этди.

— ***Шуҳрат Убайдуллаевич, муштарийларимизга корхона тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз.***

— Очиғини айтганда, Гулистон шаҳрида Испания билан ҳамкорликда 7,1 миллион ЕВРО қийматидаги янги технология асосида "Сарбонмедтекс" қўшма корхонаси ишга туширилганда, унга ҳавас билан қараган эдик. Кейин эса ўзимизда ҳам шундай ғоя пайдо бўлди. Сўнгра хорижий ҳамкорлар излай бошладик. Айни ўша кезларда вилоят ҳокимлигининг "Чет эл сармоясини жалб қилиш, қўшма корхоналар тузиш бўйича 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастур" қабул қилиши бизга жуда қўл келди.

Ҳокимлик мазкур дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида республикамизда ўз ваколатхоналарини очган хорижий давлатларнинг 20 дан зиёд фирма ва компаниялари вакиллари билан Гулистонда учрашув ўтказди. Натижа шунга олиб келдики, дастурда белгиланган 5 та ўрнига 10 та лойиҳа қабул қилинди. Уларнинг 6 таси 2001 йилнинг ўзидаёқ амалга оширилди. "Сайхунмедтекс" қўшма корхонаси эса 2002 йил 12 ноябрида фаолият бошлади.

Жамоамиз корхонани тузиш, фаолиятини юритишда амалий ёрдамини аямаган вилоят ҳокимлигидан, унинг ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментидан беҳад миннатдор.

Суҳбат айни қизиган бир пайтда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ташқи иқтисодий алоқалар департаменти бошлиғи Рустам Тўраев келиб қолди. Вазиятдан фойдаланиб, уни ҳам суҳбатга тортдик.

— ***Айтинг-чи, Рустамжон, вилоятда 2001-2005 йилларга мўлжалланган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ташкил қилиш, шу асосда эса "Сайхунмедтекс" қўшма корхонасини тузишга қандай омиллар замин яратди?***

— Вилоят ҳокимлигининг ушбу масала юзасидан қабул қилган қарорига қадар ташкил этилган 21 та қўшма корхонадан 9 таси рўйхатдан ўтган кундан эътиборан умуман фаолият кўрсатмаганлиги, улардан 16 тасининг ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари фақат ички бозор эҳтиёжларига мўлжалланганлиги, 13 таси эса четдан келтирилаётган хом ашё эвазига ишлаётганлиги аниқланди.

Қисқаси, айрим қўшма корхоналарнинг фаолияти нафақат маҳаллий тадбиркорларимиз, балки хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликдаги ишларимизга ҳам салбий таъсир кўрсатаётган эди. Мана шу ва бошқа сабабларга кўра, вилоят ҳокимлиги биз назарда тутаётган дастурни ишлаб чиқди ва 19 та қўшма корхонадан 5 тасини қайта ташкил этди. Яна 5 та қўшма лойиҳа киритди ва мўлжалланган лойиҳалар сонини 24 тага етказди.

Уларни амалга ошириш орқали 15,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги янги технологияларни жалб қилиш, 26 хил, шу жумладан 14 турдаги экспортбоп товарларни ишлаб чиқариш, камида 1048 та янги иш ўринларини барпо этиш мўлжалланганди. Бугун ушбу лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди ва вилоят иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб улуш қўшмоқда. Ўзбекистон-Швейцария "Сайхунмедтекс" қўшма корхонаси ана шу дастурнинг амалдаги дебочасидир.

Қўшма корхоналар ташкил этиш, халқаро бозорда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш бугунги бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидан биридир. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг ташқи иқтисодий салоҳияти бевосита тайёрланган маҳсулотлар сифати билан белгиланади.

Бугунги кунда ушбу тамойил мустақил мамлакатимиз тараққиётининг етакчи омилларидан бирига айланди. Фикримиз тасдиғини эса "Сайхунмедтекс" қўшма корхонаси фаолияти кўрсатиб турибди.

— Нафақат корхона раҳбари сифатида мени, балки бутун меҳнат жамоамизни Юртбошимизнинг "Биз ҳеч қачон ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз" деган сўзлари руҳлантириб туради. Пурмаъно бу гап замирида озод ва обод юрт тинчлиги, мустақил Ватан равнақи, бунёдкор халқимиз фаровонлигини таъминлашдек чуқур маъно, мазмун ва моҳият ётганини юракдан ҳис этиб меҳнат қилаяпмиз.

— ***Корхона меҳнат жамоаси миллий истиқлолимизнинг 15 йиллигини қандай муваффақиятлар билан қарши олаяпти?***

— Жамоамиз 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 22,2 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Уларнинг 33,6 минг АҚШ долларига тенг қисми хорижга экспорт қилинди ва 387,9 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий асбоб ва ускуналар олиб келинди. Жорий йилнинг биринчи ярми давомида 499,4 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди, 290,7 минг АҚШ доллари қийматига тенг келадиган маҳсулот экспорт қилинди. Бу корхонамиз жамоасининг мустақиллигимизнинг 15 йиллиги тўйига камтарона туҳфасидир.

— ***Вилоятда ишсизлик муаммосини ижобий ҳал этишга корхона қандай ҳисса қўшаяпти?***

- Ўтган йили корхонамизда 276 та ишчи ўрни яратилган эди. Маҳсулотлар ҳажми ва миқдорини кўпайтириш мақсадида қўшимча равишда яна 42 та иш ўрни ташкил қилинди ва ҳозирги пайтда жами 320 нафар ишчи ва хизматчи ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланаяпти.

Истиқлолимиз байрами арафасида эса жамоамиз даромади ҳисобидан тикувчилик маҳсулотларини тайёрлайдиган яна бир цехни ишга туширдик. Унда 50 нафар чевар меҳнат қилаяпти.

Келажакда бўёқлар ишлаб чиқарадиган яна битта цех очиш ва камида 20 нафар иш жойи яратиш ниятидамиз.

— ***Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан юртдошларимизга қандай истаклар билдирасиз?***

— Мустақил юртимиз манфаатлари йўлида самарали меҳнат қилаётган барча ватандошларимизни корхонамиз ишчи-хизматчилари номидан энг улуғ, энг азиз байрамимиз — миллий истиқлолимизнинг 15 йиллиги айёми билан самимий табриклайман. Уларга тинчлик-тотувлик, фаровонлик ва оилавий бахт-саодат тилайман.

САХОВАТ

МУҲТОЖЛАРГА МЕҲР-МУРУВВАТ ВА САХОВАТ КЎРСАТИШ, УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — ХАЛҚИМИЗГА ХОС АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН. "БУХОРО ПАЛАС" МЕҲМОНХОНАСИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗИГА ХОС ТАДБИРДА ҲАМ АЙНАН ШУ НАРСА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛДИ.

Бухоро тўйларга кўмилди

Асхор ИСТАМОВ, "XXI asr" мухбири

Бу ерда O`zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси ва бир қатор ҳомий ташкилотларнинг саъй-ҳаракати билан кам таъминланган оилаларнинг болаларидан 18 нафарининг суннат тўйи ўтказилди. Партия вилоят кенгаши, вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси, "Олтин мерос" жамғармаси бўлими, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси филиали ва "Умид" кредит уюшмаси ушбу тадбирни ўтказишга бош-қош бўлишди.

Карнай-сурнайлару ноғоралар овози вилоятнинг бир қатор шаҳар ва туманларидан келган қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини "Маҳалла тўйи" деб номланган байрамолди тадбирга чорлади. Улар орасида O`zLiDeP аъзолари сифатида ўз ҳудудларидаги эҳтиёжманд оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келаётган Бухоро шаҳридаги 6,8,9 ва 26-маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари ҳам бор эди.

Тадбирни O`zLiDeP вилоят кенгашининг раиси Мансур Зокиров кириш сўзи билан очиб, савоб ва эзгу ишларни амалга ошириб келаётган ҳомийларга миннатдорлик билдирди. Бундай тантаналар болажонлар қалбида бир умрга муҳрланиб қолажагини таъкидлади.

Безатилган дастурхон атрофига тўпланган кишилар ҳузурида сўзга чиққан вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси Дилбар Аҳмедова, вилоят имом-хатиби Ғафуржон Раззоқов, вилоят касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси раиси Бибиражаб Муҳаммедова, республика Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Бевит Жумаев, ушбу жамғарманинг Шофиркон туман бўлими бош маслаҳатчиси Х. Ашурова кичкинтойлар ва уларнинг отаоналарига эзгу тилаклар изҳор этдилар.

Тадбир давомида болакайларга тўй сарполари кийдирилди, ширинликлар улашилди, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан тўй болалар учун тайёрланган қимматбаҳо совғалар берилди. "Умид" кредит уюшмаси эса ҳар бир бола номига ўн минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчаларини топширди. Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳар бир бола номига ўн минг сўмдан, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳар бир бола номига йигирма минг сўмдан ҳисоб-китоб дафтарчаларига пул ўтказадиган бўлишди. Шундай қилиб, бир бола номига очилган омонат дафтарчаларига жами 40 минг сўмдан пул тушадиган бўлди.

ЯНГИЛИК

Илмнинг таянч нуқтаси

12 ЖИЛДЛИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ НАШР ЭТИБ БЎЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг биринчи универсал миллий энциклопедияси — ЎзМЭни нашр этиш ишлари мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида ниҳоясига етди. У қомусчи ноширларнинг катта байрамга муносиб совғаси бўлди. Бу ниҳоятда мураккаб ва сермашаққат иш устида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги махсус қарори билан ташкил этилган "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти (директори иқтисод фанлари доктори, профессор Нурислом Тўхлиев) жамоаси қарийб 10 йил мобайнида фаолият олиб борди.

Соат МУСАЕВ, Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриётининг масъул муҳаррири, фалсафа ва ҳуқуқ тахририяти мудири

Мамлакатимиз маданий ҳаётидаги бу қувончли воқеа Ўзбекистон илмий жамоатчилигининг қанчалик салоҳиятга эга эканлигини намоён қилади. Чунки МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда ана шундай катта илмий-маърифий ишни амалга оширишга муваффақ бўлинди.

Энциклопедияга ҳақли равишда "илмлар қомуси", "миллат паспорти", "давр кўзгуси" каби таърифлар беришади. Бундай баҳоларга қўшилган ҳолда энциклопедия, аслида илмнинг таянч нуқтаси дейиш ўринлидир. Зеро, бундай китоблар ҳар қандай илм ва ижод аҳли таянадиган асос, ҳар қандай тадқиқотчи мурожаат этадиган ишончли манба ҳисобланади. У ҳар бир зиёли одам учун доимий маънавий ҳамроҳ вазифасини ўтайди. Универсал энциклопедиялар мазмунини умумбашарий маълумотлар, барча замонлар ва халқларга мансуб машҳур шахслар: олимлар, фан-техника, адабиёт, санъат, спорт намояндалари, таниқли давлат ва сиёсат арбоблари тўғрисидаги мақолалар ташкил этади.

ЎзМЭнинг 1-жилди 2000 йилда нашрдан чиққан эди. Мазкур жилд Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон миллий энциклопедияси ўқувчиларига йўллаган табриги билан бошланган. Табрикда Юртбошимиз "Энциклопедиямиз ўзининг илмий жиҳатдан чуқур, айни вақтда оммабоплиги билан кенг китобхонлар орасида обрў-эътибор топиб, жаҳоннинг нуфузли қомуслари қаторидан муносиб ўрин олишига ишончим комил", - дея умид билдирган эди. Қомусчилар бу умидни оқлаш учун астойдил ишладилар. ЎзМЭнинг ҳар бир жилдида 125-130, жами 1600 нашриёт ҳисоб табоғида материаллар берилди (50 мингга яқин мақола), 800-1200 атрофида безаклар: рангли ва оқ-қора суратлар, хариталар ўрин олди. Ҳар бир жилдни тайёрлашда 800 дан зиёд муаллиф, тақризчи қатнашди. Мақолаларнинг юксак ғоявий-илмий савияда тайёрланишини таъминлаш мақсадида фан соҳалари бўйича 160 дан зиёд таниқли олим ва мутахассисларни бирлаштирган 23 та илмий-маслаҳат кенгаши тузилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги материаллар ЎзМЭ умумий ҳажмининг асосий қисмини эгаллаган. Охирги, 12-жилд эса махсус Ўзбекистон Республикасига бағишланган. Унда мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги даврда унинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳаётида юз бераётган катта ўзгаришлар батафсил ёритилган. Ўзбекистон давлатчилигининг қарийб 3 минг йиллик тарихи, энг қадимги даврдан ҳозиргача босиб ўтган йўлимиз, хусусан, мустамлакачилик зулмига қарши, юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашган халқ қаҳрамонлари, фидойи инсонлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида истиқлол ғояси ва умуминсоний қадриятлар асосида кенг маълумот берилган.

ЎзМЭнинг ҳар бир жилдида иқтисодиёт, унинг кўпдан-кўп тармоқлари, иқтисодий фаолият турлари, бизнес, менежмент, маркетинг, бухгалтерия ҳисоби, молия-кредит, банклар, қимматли қоғозлар, иқтисодий фаолият турлари, хусусан, тадбиркорлик ва ишбилармонликка оид ўнлаб мақолаларни ўқиш мумкин. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан амалга оширилган ислоҳотлар натижасида кейинги 10-15 йил ичида савдо, умумий овқатланиш, аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналарининг хусусийлаштирилиши туфайли хусусий тадбиркорлик анча ривожланди. Бунда, аввало, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асоси яратилганлиги: "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида" (1991 йил 15 февраль), "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида" (1995 йил 12 декабрь), "Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" (1999 йил 15 апрель), "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" (2000 йил 25 май)даги қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари муҳим аҳамият касб этди. Банкротлик, суғурталаш, солиқлар ва солиқ сиёсати билан боғлиқ махсус мақолаларни ўқиган ишбилармон ва тадбиркорлар ўзлари учун керакли маълумотларга эга бўладилар.

ЎзМЭда сиёсий партиялар, жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (O`zLiDeP) ҳақида ҳам мақолалар берилган (10 ва 12-жилдлар).

ФЕСТИВАЛЬ

Юртимиздаги ҳар бир гўшанинг ўзига хос анъаналари ва қадриятлари мавжуд. Гуллар диёри — Наманган ҳам бундан мустасно эмас. Яқинда вилоят ҳокимлиги "Ўзбектуризм" миллий компанияси вилоят сайёҳлик ҳамда экскурсиялар бюроси билан ҳамкорликда истиқлолнинг 15 йиллигига бағишлаб, сайёҳлик ташкилотлари, фирмалари, туроператорлари иштирокида "Наманган олмаси" халқаро фестивалини ўтказди.

«Наманган олмаси» экофестивали

Одил ИНОМОВ

Фестивал доирасида «Буюк ипак йўли бўйлаб туризмни ривожлантириш борасида Фарғона водийсининг тутган ўрни» мавзуида давра столи ташкил этилди. Унинг иштирокчилари Наманган шаҳрида ўтказилган анъанавий "Гуллар байрами"да қатнашиш билан бирга вилоятдаги тарихий обидалар ва сўлим гўшалар бўйлаб саёҳат қилдилар. Хусусан, наманганлик санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик ҳамда фольклор дасталарининг чиқишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

«ШЎРТАНГАЗ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Истиқлол қуёши нурларига йўғрилган юртнинг барча фуқароларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, хонадонларига тинчлик-омонлик, маъмурчилик ва аҳил-иноқлик тилаймиз. Кўнгли пахтасидек оппоқ, тили шакарпалак қовунларидек ширали халқнинг келажакда бундан-да фаровон ва гўзал ҳаёт кечиришига астойдил тилакдошмиз!



ТАРАҚҚИЁТ фақат жасорат туфайлигина рўй беради

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Ҳиндистон: Юксалиш пиллапоялари

Ўзбекистоннинг йирик ҳамкорларидан бири — Ҳиндистон иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичлари бўйича жаҳон мамлакатларининг биринчи ўнлигидан жой олган

Жуда қадимий ва ҳамиша навқирон давлат — Ҳиндистон барча замонларда жаҳон иқтисодиёти ва маданий ҳаётида ўзига хос ва мос ўрин эгаллаб келган, ҳозир ҳам шундай. Узоқ йиллар мобайнида "Британия империяси тожининг дури" ҳисобланган бу мамлакат мустақилликка эришгач, иккига — Ҳиндистон ва Покистонга ажралиб кетди. Аммо диний ва сиёсий тафовутлар баҳонасида мазкур мамлакатлар ўртасида кескин қарама-қаршиликлар сақланиб қолди, ҳатто бир неча бор қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтди.



Маркс ЮСУПОВ коллажи

Мир ТОҲИР

Ҳозирги пайтда Ҳиндистон бир қатор асосий кўрсаткичлар бўйича жаҳондаги ўнта илғор давлат рўйхатига киради. Агар ялпи ички маҳсулотнинг ўртача ўсиши ўтган асрнинг саксонинчи йилларида 5,4 фоизни ташкил этган бўлса, тўқсонинчи йилларга келиб, 6,4 фоизга кўтарилди. Экспорт ҳажми тобора ўсиб бормоқда, буни айниқса ахборот технологиялари соҳасида яққол кўриш мумкин. Умуман олганда, Ҳиндистон иқтисодиёти айтайлик, Британия ёки Филиппин иқтисодиётига нисбатан тез ривожланмоқда.

Ислоҳотлар бошлангунга қадар Ҳиндистон асосан қишлоқ хўжалиги мамлакати ҳисобланарди. Ҳозир эса аграр сектор бутун ялпи миллий маҳсулотнинг 20 фоизини етказиб бермоқда. Мамлакат мустақилликка эришган дастлабки йилларда озиқ-овқат танқислиги мавжуд бўлиб, чет эл кўмагига кўз тикилар эди. Эндиликда эса озиқ-овқат саноати тинмай ривожланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида юқори ҳосил берадиган экинлар етиштирилаяпти, ўғитлар, пестицидлардан кенг фойдаланилмоқда, суғориладиган ерлар кенгайтирилмоқда. Шунинг натижасида ғалланинг жуда катта захираси яратилди. Мамлакатда асосан шоли, буғдой, маккажўхори ва бошқа дон экинлари етиштирилмоқда. Бу экинларга катта-катта майдонлар ажратиб берилган. Шунингдек, Ҳиндистон қишлоқ хўжалигида техника экинлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Жумладан, кўплаб миқдорда пахта, жут, чой, шакарқамиш, тамаки, мойли экинлар ҳам етиштирилмоқда. Каучук олинадиган ўсимликлар, кокос пальмаси, банан, ананас, манго ва бошқа цитрус экинлари етиштириш деҳқонларнинг севимли машғулотларидир. Чорвачилик эса бир мунча суст ривожланган. Бу ерда қорамоллардан, асосан иш ҳайвонлари сифатида фойдаланилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дон ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, ташиш ҳамда сақлаш инфратузилмалари солиқлардан озод қилинган. Сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштираётганлар эса аксиз солиғи тўламайдилар.

Ички ресурслар ва хориждан жалб қилинаётган сармоялардан яхшироқ фойдаланиш, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари фаолиятини умумий тарзда мувофиқлаштириб туриш ҳамда империализмга, қарамликка барҳам бериш мақсадида давлат ўзининг иқтисодий сиёсатида дастурлаштириш ва режалаштириш усулларини кенг қўлланмоқда.

1994 йилда Ҳиндистонга инвестициялар киритиш рекорд даражага етди. Кўплаб корпорациялар бу ерда ўз дўконларини оча бошладилар. Саноатнинг деярли барча тармоқларида айрим чеклашлар билан тўғридан-тўғри инвестициялар киритишга рухсат этилди. Бу соҳадаги тартиб-русум ва қоидалар анча соддалаштирилди. Шунинг натижасида иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш сектори 1999-2000 йилларда 7,1 фоиз ўсди. Компаниялар янги технологияларни сотиб олиш ва халқаро бозорга кириб боришни осонлаштириш мақсадида бирлаша бошладилар. Бундай йўл тез орада ўз самарасини кўрсатди. 1999-2000 йилларда асосий саноат маҳсулотлари ҳисобланган нефть 33 миллион тонна, пўлат 25,2 миллион, кўмир 290 миллион, алюминий 614 минг, мис 123 минг, цемент 98 миллион, кимёвий ўғитлар 13,5 миллион тонна, ип газлама 38,1 миллиард метр, чой 820 минг тонна, кофе 210 минг, дон 202 миллион, шакар 18 миллион тонна, қишлоқ хўжалиги тракторлари 280 минг, юк ва йўловчи ташийдиган автомобиллар 170 ва 660 минг, мотоцикллар ва мопедлар 4 миллион, велосипедлар 13 миллион дона ишлаб чиқарилди. Мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси 83 миллиард долларни, экспорт ва импорт ҳажми эса тегишли равишда 36,5 ва 46,5 миллиард долларни ташкил этди. Кимё саноати, жумладан, минерал ўғитлар, пластмассалар, нефть-кимё ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Барча йирик шаҳарларда тўқимачилик саноати мавжуд.

Ҳиндистон экспортининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги ва саноат хом ашёси, озиқ-овқат ва тўқимачилик товарлари, фармацевтика тармоғи маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар ва заргарлик буюмлари, машиналар ва ускуналар, металл буюмлар, шунингдек, дастурий таъминот маҳсулотлари ташкил этади. Чойни экспорт қилиш бўйича мазкур мамлакат дунёда биринчи ўринда туради. Айни пайтда импорт маҳсулотларига ҳам эҳтиёж катта. Жумладан, четдан нефть ва нефть маҳсулотлари, машиналар ва ускуналар, транспорт воситалари, қора ва рангли металлар, электрон бутловчи жиҳозлар, минерал ўғитлар олмоқда. Ҳиндистоннинг энг йирик савдо шериклари АҚШ, Япония, ГФР, ХХР, Буюк Британия ва Россия ҳисобланади.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲИНДИСТОННИ ДЎСТ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР МАМЛАКАТ СИФАТИДА БИЛАДИ ҲАМДА БУ ЮРТ БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КУЧАЙТИРИШДАН МАНФААТДОРДИР. ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОНГА, ҲИНДИСТОН РАҲБАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФЛАРИ ҲАР ИККИ МАМЛАКАТ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, 1998 йили Осиёда иқтисодий пасайиш рўй берди, аммо бундай ҳолат Ҳиндистонни деярли четлаб ўтди. Мамлакат ташқи қарзининг ялпи миллий маҳсулотга нисбати пасайди.

Сўнгги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда таҳлилчиларнинг кўпчилиги Ҳиндистон иқтисодиётининг ўсиши яқин келажакда 7-7,5 фоиз бўлишини башорат қилмоқда. Ҳатто баъзи иқтисодчилар 8 ва ундан каттароқ рақамни ҳам тилга олишаяпти. Ҳукуматнинг расмий прогнози эса 7 фоиз.

Иқтисодиётнинг жадал ривожланишига пухта йўлга қўйилган банк тизими катта ёрдам бермоқда. Мамлакатда давлат, хусусий ва чет эл банк ҳамда молия муассасалари, яъни инвестиция фондлари, лизинг компаниялари ва ҳоказолар фаолият юритмоқда. Фонд бозори анча ривожланган. Суғурта секторида хориж сармоясининг 26 фоизи иштирок этишига рухсат берилган. Айниқса, хизмат кўрсатиш сектори фаол ривожланмоқда. Хизмат кўрсатишдан келаётган даромад ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг 41 фоизини ташкил этади. Барча хизматлар такомиллаштирилмоқда, мураккаблаштирилаяпти, ўз тури ва сифатига кўра жаҳон даражасига яқинлашиб қолди. Молия, бухгалтерия, дастурлаштириш хизматлари юксак даражада кўрсатилмоқда. Улар иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари ҳисобланади. Ахборот хизматлари соҳасида Ҳиндистон катта муваффақиятларни қўлга киритаяпти. Mikrosoft, Hughes ва Computer Associates корпорациялари Ҳиндистонга катта маблағ киритдилар. Уларнинг аксарияти бу ерда хизмат кўрсатиш ва буюртмаларни қайта ишлаш бўйича марказлар очишган.

Ҳиндистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга устувор аҳамият берилаяпти. Бу ерда тан олишларича, аграр иқтисодиётдан саноатлашган иқтисодиётга ўтиш йирик корхоналарни ривожлантириш эмас, балки кичик ва ўрта тадбиркорликни равнақ топтириш орқали бўлади. Ҳозирги пайтда иқтисодиётнинг мазкур сектори мамлакат ЯИМнинг 7 фоизини ташкил этади. Бу соҳада 3,63 миллионта корхона фаолият юритмоқда.

Ўзбек халқи Ҳиндистонни дўст ва ишончли ҳамкор мамлакат сифатида биллади ҳамда бу юрт билан алоқаларни ҳар томонлама кучайтиришдан манфаатдордир. Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга, Ҳиндистон раҳбарларининг Ўзбекистонга расмий ташрифлари ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилмоқда. Шу йил 25 апрель куни Ҳиндистон Республикаси бош вазири Манмохан Сингх мамлакатимизга расмий ташриф буюрди. Олий даражадаги музокаралар пайтида Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантириш, шу жумладан сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар-маданий алоқаларни кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги қўшма баёнот қабул қилинди. Тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг алоқаларини кучайтириш, нефть ва газ саноати, геология ва минерал ресурслар, қишлоқ ва сув хўжалиги, енгил саноат, шарқшунослик фанларини ривожлантириш соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилишга қаратилган муҳим ҳужжатлар имзоланди. Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, мамлакатларимиз Ҳиндистоннинг техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида ўзаро алоқаларни пухта йўлга қўйди. Ҳиндистон келгусида ўқув курсларида таълим олиш учун Ўзбекистонга 120 та ўрин ажратди.

Барқарор ва жадал иқтисодий ривожланиш йўлидан бораётган ҳамда жаҳоннинг энг илғор давлатлари қаторидан ўрин олишга улгурган Ҳиндистон тажрибаси ҳозирги пайтда ўтиш даврини бошини кечираётган Ўзбекистон учун ҳам ибратлидир. Ўзбек халқи дўст мамлакат эришаётган ҳар бир ютуқни синчковлик билан кузатиб турибди ва ундан астойдил қувонмоқда.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Саволларга ҳуқуқшунос Мубошир ХОДЖАЕВ жавоб беради

Онахонни умрбод парваришлайсиз

"Биз кўп қаватли уйда яшаймиз. Яқинда кексайиб қолган, ҳеч кими йўқ бир онахон қўшнимиз, агар мен уни умрининг охиригача боқиб парваришлаш, касал бўлганда қараш, оғирини енгил қилиш мажбуриятларини олсам, икки хонали уйини менинг номимга расмийлаштириши мумкинлигини айтди. Бунинг учун биздан шартнома тузиш талаб қилинадими? Агар шундай бўлса, уни қаерда расмийлаштиришимиз мумкин?

Замира АҲМЕДОВА. Тошкент шаҳри".

— Фуқаролик кодексининг 530-моддасида белгиланганидек, умрбод таъминлаш тартиби билан уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган бошқа тарафни (бошқа шахсга берувчини) натура ҳолида (яшашга жой бериш, овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уйни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади. Ушбу шартнома нотариал идорада расмийлаштирилади.

Бундай шартнома бўйича бошқа шахсга берувчидан олинадиган уйнинг, квартиранинг нобуд бўлиши олувчини шартномага кўра ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилмайди.

«Неварамни кўргим келади...»

"Икки йил олдин ўғлим хотини билан қонуний тарзда ажрашиб, чет элга ишлашга кетганди. 8 яшар неварам ҳозир келиним тарбиясида. Уни соғинаман, кўргим, эркалагим келади. Лекин келиним неварам билан кўришиб туришни тақиқлаб қўйган. Борсам, ҳар сафар жанжал чиқаради. Менинг буви сифатида неварам билан кўришиб туришга ҳуқуқим борми?

Зайтуна ҚУЛМУРАТОВА. Жиззах тумани".

— Оила кодексининг 77-моддасида бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошларнинг бола билан кўришиб туриш ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, ота-она (улардан бири) яқин қариндошларининг бола билан кўришишига имконият бермаса, васийлик ва ҳомийлик органи ота-онани (улардан бирини) бундай имконият яратиб беришга мажбур қилиши мумкин. Агар уларнинг қарори бажарилмаса, бола билан кўришиб туришга тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф қилиш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат этилади.

Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаган тақдирда айбдор ота (она)га нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Уйнинг ҳақиқий эгаси ким?

"2 йил олдин укам билан келишиб, уй қура бошладик. Мен банкдан кредит олдим. Укам ҳам деҳқончиликдан топган пулини қўшиб турди. Яқинда эса, укам уйланди. Энди шу уйда оилам билан мен тураман, деб жанжал чиқармоқда. Иккимизнинг ҳам бу уйга ҳаққимиз бор. Менинг ҳам бир ўғлим ва икки қизим катта бўлаяпти. Ўртамиздаги бу келишмовчиликни қандай ҳал этса бўлади?

Собир Мўминов. Янгийўл тумани".

— Бу низо уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича судга тақдим этилгач, кўриб чиқилади.

Мазкур ишни кўришда умумий мулк барпо этиш ҳақидаги келишув, тарафларнинг иморатни қуришда сарф этган меҳнати ва маблағлари, уй қуриш учун ссуда ва кредит олинганлиги, бундай қарзларни уйни қуришда қатнашаётган бошқа шахслар томонидан қоплаш юзасидан ссуда ва кредит берувчининг розилик берганлиги ҳолатлари аниқ исботланиши лозим.

Уйни қурган шахсга нисбатан унинг оила аъзолари, қариндошлари ёхуд бегона шахсларнинг уй-жойга ёки унинг маълум бир қисмига эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги даъволари улар билан биргаликда уй қурган шахс ўртасида умумий келишув бўлган ҳамда даъвогарлар ўз меҳнати ва маблағини сарф этганлигини тасдиқлаган ҳолатдагина қаноатлантирилиши мумкин.

Янги ишончномалар қалбакилаштирилишдан ҳимояланган

"Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Шунга асосан автомототранспортдан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи янги нусхадаги ишончномалар жорий қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад нима? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Бекзод КАРИМОВ, Тошкент шаҳри".

— Ушбу қарор асосида жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, олди-сотди савдоси, айрибошлаш, ҳадя ва ижарага бериш шартномалари нотариуслар томонидан янгича мезон асосида тасдиқланмоқда. Эски ишончномалардан фарқи шундаки, улар қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, сериясига, тартиб рақамига ва ҳудудий кодига эга бўлган, "давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган гербли махсус бланкаларда амалга оширилаяпти.

Ушбу чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсад, автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга ижарага бериш шартномаларини қалбакилаштиришнинг олдини олиш, фуқароларга имкони борича қулай шароит яратишдан иборатдир.



«ТАЛИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ» жамоаси

Азиз ватандошлар!

Айёмингиз муборак бўлсин! Қадриятлари тикланиб, ўзлигини бутун дунёга баралла намоён этаётган Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори янада ортиб, салоҳияти йилдан-йилга юксалаверсин. Дилингиздаги барча эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

Азиз юртдошлар! Юксалиш ва тараққиёт йўлида шаҳдам қадам ташлаётган мамлакатимиз халқини, ишбилармон ва тадбиркорларни қутлуғ айём — Мустақиллик куни билан табриклаймиз. Ҳар бир хонадонга тинчлик-тотувлик, хотиржамлик, файз-барака тилаймиз!

БИЗНИ она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган Ватанни севмоқ муқаддас бурчдир

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Ўзаро манфаат ва тенгҳуқуқлиликка асосланган сиёсат

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ХАРИТАСИДА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ СИФАТИДА ПАЙДО БЎЛГАНИГА БУГУН 15 ЙИЛ ТЎЛАЯПТИ. БИЗ ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ АРАФАСИДА БОСИБ ЎТГАН АНА ШУ ЙЎЛНИ САРҲИСОБ ҚИЛАРКАНМИЗ, ҚИСҚА ВАҚТ МОБАЙНИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА ТУШИБ ОЛГАНИНИ, ДАВОМ ЭТАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЯНАДА КУЧЛИ БЎЛИШИГА, ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАРОВОН ЯШАШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАГИМИЗ КЕЛАДИ. ҲАҚИҚАТАН ҲАМ АНА ШУ ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИКЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ, ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАР, ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ, ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ КАБИ НУФУЗЛИ ТАШКИЛОТЛАРДАГИ ИШТИРОКИ УНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ОБРЎИНИ КЎТАРДИ.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ, Шерзод ЭРАЛИЕВ

Албатта, ютуқларга осонликча эришилди, босиб ўтган йўлимиз силлиқ кечди, десак, хато қилган бўламиз. Бошимиз узра қора булутлар сузган синовли дамларни бир эсга олайлик. Ҳали мустақилликка эришмай туриб, бизга қарши чинакам иғво ва бўҳтонлар ёғдирилди. Миллатлараро низоларни келтириб чиқаришга уриндилар.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаган оқил сиёсати туфайли ҳам оғир можароларнинг олди олинди. Ана шундай оғир дамларда иқтисодий фитналар ҳам бизни четлаб ўтмади. Кейинроқ эса Ўзбекистон орқали минтақада ўз таъсир доирасини кенгайтириш пайида бўлганларнинг босимига учрадик.

Бугун Боткент, Сариосиё, 16 февраль воқеалари, Тошкент ва Бухородаги портлашлар ягона занжирнинг ҳалқалари сифатида кўз олдимизда намоён бўлмоқда. Ўтган йилнинг 13 майида Андижондаги қонли воқеалар эса турли кучларнинг Марказий Осиёдаги барқарорликни турли хил йўллар билан издан чиқаришга уринаётганлигини кўрсатди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Андижон воқеаларининг замирида баъзи давлатларнинг геосиёсий ўйинлари, исломий давлат қуришни орзу қилаётган ақидапарастлар ва халқаро террорчиларнинг ҳаракатлари ётганлиги сир эмас. Ўзбекистон минтақа барқарорлигини сақлаб қолиш билан бирга бу оғир даврни ҳам бошидан кечирди. Агар Андижондаги террорчилик ҳаракати тезкор бартараф этилмаганда, қанчалар хунук оқибатларга олиб келарди, бу ёлғиз Ҳаратганга аён.

Айрим давлатларнинг хавфсизлик хизматлари тарқатган маълумотларга кўра, ўша куни Афғонистон ва қўшни давлатлар чегараларида маълум жангарилар гуруҳлари тўпланган. Улар саноқли кунлардаёқ бутун водийда нотинч вазият келтириб чиқаришга тайёр эдилар. Ўз ишининг устаси бўлган иғвогарлар акани укага, отани ўғилга қарши қилиб қўйишдан ҳам тоймасдилар. Минг афсуски, минтақа нотинчлигидан ўз геосиёсий манфаатлари йўлида фойдаланишга тайёр бўлган айрим давлатлар эса ана шундай разил интилишларни қўллаб-қувватладилар.

Шу ўринда Европа парламенти депутати Жон Аттард-Монтатонинг "New Europe" ҳафталик газетасида чоп этган мақоласида мамлакатимизга берган юксак баҳосини эътироф этмоқ жоиз. "Ўзбекистон террорчиликка қарши курашда бизнинг иттифоқчи эканини унутмаслигимиз керак ва унинг саъй-ҳаракатлари рағбатлантирилиши зарур. Атиги икки йил бурун Тошкент ва Бухорода террорчилар томонидан аёвсиз портлашлар содир этилди. Лекин бу европаликлар нигоҳидан четда қолди. Шунинг учун Ўзбекистон билан мулоқотларни давом эттириш жуда муҳимдир".

Андижон воқеалари хусусида тўхталар экан, Кувайт миллий университети сиёсатшунослик кафедраси мудири Абдул Ридо Ассири инсоният цивилизацияси равнақига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон бугун ҳам ислом дунёсида катта нуфузга ҳамда минтақада муҳим стратегик мавқега эга. Шу боис, Ўзбекистон Марказий Осиёда ўзининг ғаразли мақсадларини рўёбга чиқаришга интилаётган катта кучларнинг геосиёсий ўйинлари саҳнасига айланмоқда, деганда минг бора ҳақ эди.

Ўзбекистон ўзаро курашаётган икки қутбнинг биттаси барҳам топган, халқаро муносабатлар янада чалкаш бўлиб, кураш ва рақобат янада авжига чиққан ана шундай бир пайтда мустақил давлат сифатида жаҳон саҳнасига қадам қўйди. Табиийки, бундай шароитда Ўзбекистонни чалмоқчи, уни ўз йўриғига солмоқчи бўлганлар йўқ эмасди. Бунинг устига юртимиз бой табиий ресурсларга ва қулай географик жойлашувга эга. Асосийси — узоқни кўзловчи ва пухта ўйлаб чиқилган ташқи сиёсат туфайли минтақага ўз таъсирини мамлакатимиз орқали кенгайтирмоқчи бўлганлар босимига дош бера олдик. Иғволарни четлаб ўтдик.

Айни пайтда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг пассив кузатувчиси эмас, балки кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи, минтақа тинчлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган омилларни аниқлаб, уларни жаҳон ҳамжамияти ёрдамида бартараф этишга жиддий бел боғлаган давлат сифатида ўзини намоён эта олди. Хуллас, иқтисодий ҳамкорлик орқали фаровонликка эришиш, хавфсизлик, тинчлик ва барқарорлик мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор мақсадларига айланди. Ана шу мақсадга эришишда қўшни мамлакатлардаги осойишталик муҳим ўрин тутади.

Шу боис, Афғонистон Ўзбекистон ташқи сиёсатининг диққат марказида турибди. Мазкур мамлакатни минтақавий жараёнларга тортиш, қуролсизлантириш, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, уни иқтисодий тиклаш бўйича қўшма дастурларда Ўзбекистон имкониятларидан фойдаланишни кучайтириш бу борадаги асосий вазифалардандир.

Мустақилликка эришган илк йилларданоқ, Ўзбекистон раҳбарияти жаҳон минбарларидан туриб, етакчи давлатлар, ташкилотлар, умуман жаҳон афкор оммаси эътиборини Марказий Осиёдаги вазиятга қаратди. Қўшни Афғонистонда ўша пайтда давом этаётган фуқаролар уруши, авжига чиқаётган террорчилик ва ақидапарастлик, қурол ва гиёҳванд моддалар савдоси, Орол муаммоси ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Бу таҳдидлар ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаяпти. Таъкидлаш жоизки, бундай вазиятдан хавотирланиш, уни бартараф этишга интилиш асосида, аввало, Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари ётади, шу билан бирга кўтарилган муаммолар бутун инсоният тақдири учун ҳам аҳамиятлидир.

1993 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида республикамиз Президенти биринчи бўлиб инсониятни Афғонистондан келаётган таҳдиддан огоҳлантирди. Бироқ ҳаммамизга маълумки, фожиали 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейингина Афғонистон муаммосига жиддий эътибор қаратила бошланди. Лекин Толибон ҳукумати ағдарилганига қарамай, мамлакатда ҳамон осойишталик ўрнатилмади, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига чек қўйилмадики, бу Марказий Осиё минтақаси барқарорлигига жиддий таҳдид солаяпти.

Мустақилликнинг ўн беш йиллик тарихи Ўзбекистонни бир неча маротаба ўз йўлидан қайтаришга қаратилган уринишларнинг гувоҳи бўлиб турибди. Лекин кўп бор такрорланганидек, Ўзбекистон шамол оқимига қараб юрадиган карвон эмас, у ўзининг аниқ кўзлаган манзили ва бунга элтувчи сарбонига эга. Ўзбекистон дунёнинг барча давлатлари билан ҳамкорликка тайёрлигини ботбот такрорлаб келади. Бунинг фақат битта шарти бор — ҳамкорлик, тенгҳуқуқлилик, ҳурмат ва ўзаро манфаатдорликка асосланган сиёсатдир.

Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси қўшма мажлисидаги маърузаси муҳим дастурий ҳужжат бўлиб, унда бошқа масалалар қаторида давлатимиз ташқи сиёсати борасидаги устувор йўналишлар ҳам аниқ белгилаб берилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Маърузада таъкидланганидек, Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда, авваламбор, ўзининг туб миллий манфаатларидан келиб чиқади. Бунда иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, уларнинг кўламини ҳамда хорижий сармоялар жалб этилишини кенгайтириш, минтақада ва умуман дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш сингари масалалар ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Ташқи сиёсат бобидаги долзарб вазифалардан яна бири Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти раҳбарлари томонидан 2005 йил 7 октябрда Санкт-Петербург шаҳрида тасдиқланган Марказий Осиё умумий бозори концепциясини Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида ниҳоясига етказиш ҳамда унинг амалий ижросига киришишдир. Ўзбекистон ташаббуси билан МОҲТнинг мазкур Ҳамжамиятга қўшилиши ва Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши минтақадаги интеграцион жараёнлар ва иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришда ижобий таъсир кўрсатишини алоҳида қайд этиш зарур. Жорий йилнинг 25 январида "ЕврАзЭС"нинг навбатдан ташқари давлатлараро кенгашида ушбу ташкилотнинг тузилиши тўғрисидаги битимга Ўзбекистон Республикасининг қўшилишини расмийлаштиришга қаратилган протокол имзоланди. Шу йил февраль ойида бу ҳужжат парламентимизнинг юқори ва қуйи палаталари томонидан тасдиқланди. Ҳамжамият аъзоларининг фикрича, Ўзбекистоннинг "ЕврАзЭС"га қўшилиши унга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига кучли туртки бериб, Ҳамжамиятнинг иқтисодий салоҳиятини сезиларли даражада оширади.

Минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида, МДҲ мамлакатлари, биринчи навбатда ҳар томонлама қудратли Россия билан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш республикамиз ташқи сиёсатининг ўта муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаётир. Жумладан, Ўзбекистон раҳбарияти Россия Федерацияси билан террорчилик, наркотрафик, минтақавий хавфсизлик ҳамда тинчликка рахна солувчи таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик қилишга доимо катта эътибор бериб келган. Шунингдек, Юртбошимиз Россия иқтисодий ҳамкорлик ва интеграцион жараёнларда "ўзига тортадиган марказ" эканини бир неча бор таъкидлаган.

2004 йил 16 ноябрда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги битимга қўшимча равишда 2005 йилнинг 14 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Москвада катта тарихий аҳамиятга эга ҳужжат — Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги битимга имзо чекиш орқали давлатларимиз ўртасида янада ишончли муносабатлар ўрнатилишига сабабчи бўлдилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси салмоқли эканлигини кўпчилик эътироф этмоқда. Мамлакатимизнинг Шарқий Осиёдаги энг муҳим ҳамкорларидан бири Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтаонинг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро геосиёсатдаги стратегик аҳамияти, улкан иқтисодий салоҳияти, хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракат ва ташаббуслари Хитой томонининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган қизиқишини янада оширмоқда. Давлатимизнинг Хитой иштирокидаги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидаги фаолияти эса ўзаро тенглик ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган. ШҲТ қошидаги Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг Тошкентда фаолият олиб бораётгани ҳам унинг халқаро террорчиликка қарши курашдаги ҳиссасига берилган юқори баҳодир.

Давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта, у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир. Барча давлат ва халқаро ташкилотлар билан алоқа қилишда мамлакатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқилади. Табиийки, бунда шериклларимиз манфаати, улар олиб бораётган ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳисобга олинади.

Бутун дунё кўз ўнгида Ўзбекистон ташқи сиёсий ва маданий алоқаларнинг бой тарихига эга бўлган, мустақил равишда замонавий дипломатик алоқаларни амалга ошираётган тинчликсевар давлат сифатида намоён бўлаётир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва меъёрларига асосланади.

Кейинги йилларда Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё давлатлари — Япония, Хитой, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар билан алоқаларимиз кенгайди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз самараларини янги очилаётган қўшма корхоналар фаолиятида, қад кўтараётган иншоотларда, бозорларимиздаги хилма-хил маҳсулотларда кўриш мумкин.

Халқаро ташкилотлар билан муносабатлар ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутади. Бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ислоҳ қилиш масалалари юзасидан Ўзбекистон нуқтаи-назарини илгари суриш, Марказий Осиёда Ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш ғоясини ҳуқуқий расмийлаштириш ишини ниҳоясига етказиш, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотини ислоҳ қилиш ва унинг фаолиятига хос бўлиб бораётган, дунё воқеаларига муносабатда икки хил стандартни қўлланиш амалиётидан воз кечилишига алоҳида урғу берилади.

Умуман олганда, Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати халқимизнинг тинч-тотув яшашини таъминлаш, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни сақлаш, республика миллий манфаатларини ҳимоялаш ва иқтисодиётимиз ривожи учун қулай шароит яратиш бўйича аниқ ва пухта ўйлаб чиқилган режага асосан изчиллик билан олиб борилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, "тарихни можаролар ва адоват эмас, халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради". Ўзбекистоннинг кенг миқёсли халқаро алоқалари ана шу фикрнинг амалий ифодасидир.

ТАФСИЛОТЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, НУҚТАИ-НАЗАР

ТУРКИЯ

Туркиянинг Мармарис шаҳрида бараварига учта портлаш рўй берди. Портлашлар 21 киши, шу жумладан, Буюк Британиянинг 10 нафар фуқароси жароҳатланишига сабаб бўлди. Кўп ўтмай, теракт учун жавобгарликни "Курдистон озодлиги лочинлари" ташкилоти ўз зиммасига олди.

Туризм — террорчилар нишони

Бир кун ўтиб, Анталия шаҳрида ҳам кучли портлаш рўй берди. Оқибатда 3 киши қурбон бўлди, 15 киши жароҳатланди. Ҳукумат бу портлашларда ҳам курд айирмачиларининг қўли борлигига урғу бермоқда.

"Лочинлар" ташкилоти Курдистон ишчилар партияси (ҚИП)нинг радикал қаноти бўлиб, бу партия бир пайтлар Туркия жануби-шарқида мустақил курд давлати тузишни мақсад қилиб қўйгани учун Анқаранинг биринчи рақамли душмани ҳисобланарди. Бироқ унинг етакчиси Абдулла Ўжалон ҳибсга олинган 1999 йилдан кейин партия инқирозга юз тутди. Шу йил апрелида айирмачилар урушни тўхтатиш бўйича келишувни бекор қилишларини баён этдилар. Ўшанда Туркиянинг сайёҳлик шаҳарлари уларнинг бош нишони бўлиши айтилганди.

Йил бошидан буён Туркияда 30 та қўпорувчилик ҳаракати амалга оширилди. Уларда 13 киши қурбон бўлди, 200 нафар одам шикастланди. Улар учун асосий жавобгар курд айирмачилари, деб ҳисобланмоқда. Туркия ўзининг диққатга сазовор обида ва курортлари туфайли сайёҳлар ташрифидан катта фойда кўрувчи давлатдир. Анқара ҳисоб-китобига кўра, жорий йилнинг ўзида ушбу соҳадан тушадиган даромад 20 млрд. долларни ташкил этиши керак. Шу жиҳатдан ҳам курд айирмачилари айнан туристик ҳудудларни нишонга олган бўлсалар, ажаб эмас.

МОЛДОВА

"Новости" ахборот агентлигининг хабар беришича, Молдова президенти Владимир Воронин Молдованинг НАТОга аъзо бўлиб кирмаслигини таъкидлаган.

Молдова НАТОга аъзо бўлмайди

— Молдованинг нейтрал давлат эканлиги Конституцияда мустаҳкамланган ва Кишинев ҳеч қачон НАТОга аъзо бўлишга интилмаган, — дея баёнот берган жаноб Воронин. — Бизнинг ушбу ташкилот билан ҳамкорлигимиз армиямизда хизмат қилувчилар тайёргарлигини яхшилашгагина қаратилган.

Президентнинг таъкидлашича, Молдова 1994 йилдан буён Шимолий Атлантика Иттифоқининг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида иштирок этиб келади. Ушбу дастур Европа ва баъзи МДҲ давлатлари, Монголия билан ҳамкорлик қилишни кўзда тутади. 2006 йилда Кишинев Молдованинг НАТОга аъзо бўлиб киришини инкор этувчи Индивидуал ҳамкорлик режасини имзолади. Бу ҳужжат НАТОнинг Россия ёки Украина каби аъзо бўлмаган давлатлар билан кенг кўламли ҳамкорлигидан фарқли ўлароқ, Молдованинг чекланган ҳамкорлигини англатади.

ЭРОН

IRNA ахборот агентлигининг маълумотига кўра, Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажод америкалик ҳамкасби Жорж Бушни теледебатда иштирок этишга чақирган.

Буш теледуэлда қатнашади...ми?

Эрон президентининг Буш жанобларини жонли эфирдаги баҳс-мунозарага таклиф этишидан мақсади, "жаҳон муаммолари ва икки давлат ўртасида вужудга келган тангликни бартараф этиш"ни муҳокама қилишдир.

Хабар берилишича, Эрон раҳбари дебатлар "Аввало Америка жамоатчилигига ҳеч қандай цензурасиз" етказилиши кераклигини таъкидлаган.

ЮҚОРИ даражадаги билим ва салоҳиятга эга жисмоний ва маънавий соғлом инсонда ғурур ва ифтихор ҳам юксак бўлади

ОЛИМПИАДА ҲАРАКАТИ

Ўзбек спортчилари жаҳонга чиқмоқда

Президентимиз мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида Юнусобод туманидаги "Универсал" ҳамда Тошкент давлат техника университетига қарашли спорт мажмуаларини кўздан кечириб, у ерда машғулотлар олиб бораётган бўлажак спорт "юлдуз"ларига омадлар тилади.

— Бундай ажойиб спорт мажмуаларини барпо этишдан мақсад, ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишини таъминлашдан иборат, — деди Ислом Абдуғаниевич ана шу учрашувлар чоғида.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, замонавий спорт иншоотларини бунёд этишга катта эътибор берилмоқда, бу билан ҳаваскор ва профессионал спортчиларимиз халқаро майдонларда ўзларини намоён этишлари учун қулай имкониятлар яратилмоқда. Шу боис, ҳамюртларимизнинг ҳар хил спорт турлари бўйича жаҳон кубоги баҳслари ва чемпионатлари, Олимпия ўйинлари ҳамда қитъа миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ошмоқда.

Спортчиларимизнинг оммавийлиги жиҳатидан дунёда етакчи ўринни эгаллаган мусобақалар — Олимпия ўйинларидаги иштироки, қолаверса, жорий йилнинг 28 ноябридан 15 декабрига қадар Қатар пойтахти — Дохада қитъанинг энг нуфузли мусобақаси — Олимпиада тизимида ўтказиладиган XV Осиё ўйинларига кўрилаётган тайёргарликларининг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида мухбиримиз Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг Олимпия ҳаракатини тарғиб қилиш ва спорт бўлими бошлиғи Аълохон БУРҲОНОВ билан суҳбатлашди.

Суҳбатдош: Шухрат ХЎЖАЕВ



Маркс ЮСУПОВ коллажи

— Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, яъни 1992 йилнинг январида ташкил этилган қўмитамиз олдига мамлакатда олимпия ҳаракати ва ҳаваскорлар спортини ривожлантириш, спортчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг Олимпиада ва Осиё ўйинларида иштирок этишларини таъминлаш каби мақсадлар қўйилган. Ундан ташқари, 1993 йилда Халқаро Олимпия қўмитасига аъзо бўлган ташкилотимиз республика ва бутун дунё спортчилари ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, олимпия ғояларини амалга татбиқ этиш йўлида кенг кўламли ишлар олиб боради.

Ёдингизда бўлса, 1994 йили Лиллехаммерда ўтказилган қишки Олимпиадада ватандошимиз Лина Черязова фристайл бўйича Олимпия олтин медалини қўлга киритганди. 1996 йилдан эса ёзги олимпиадаларда ҳам қатнаша бошлаган спортчиларимиз шарафини муносиб тарзда ҳимоя қилиб келмоқдалар. Масалан, Атлантада Армен Богдасаров (дзюдо) ва Карим Тўлаганов (бокс) қўлга киритган иккита бронза медаль ҳисобига жамоамиз икки юздан ортиқ иштирокчи-мамлакатлар орасида 58-ўринни эгаллади. 2000 йилги Сидней Олимпиадасида Муҳаммадқодир Абдуллаев, Рустам Саидов, Сергей Михайлов (барчаси бокс) ва Артур Таймазов (эркин кураш) битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медаллар билан тақдирланишди ва делегациямиз 41-поғонадан жой олди. 2004 йилги Афина ўйинларида эса олимпиячиларимизнинг умумжамоа ҳисобида 37- ўринни банд этишди. Бунда Артур Таймазов, Александир Доктурашвили (юнон-рум кураши), Магомет Ибрагимов (эркин кураш), Баҳодир Султонов ҳамда Ўткирбек Ҳайдаров (иккаласи бокс) каби вакилларимиз (жами иккита олтин, битта кумуш ва иккита бронза) ўзларини кўрсатишди.

Режаларга тўхталадиган бўлсам, Дохага спортнинг тахминан 30 тури бўйича ўз вакилларимизни жўнатишни мўлжал қилиб турибмиз. Бокс, эркин ва юнон рум кураши, дзюдо, эшкак эшишда қатнашадиган спортчиларимиздан умидимиз катта. Айни пайтда мусобақаларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Саралаш босқичи вазифасини ўтаётган қатор йирик турнирларда қатнашишни давом эттираётган спортчиларимизга машғулотлар олиб боришлари учун барча шарт-шароит яратилган.

— "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" сингари мусобақалар кейинги йилларда бўлажак олимпиадачиларни етказиб берувчи "фабрика"лар вазифасини ўтамоқда, шундай эмасми?

— Ҳақиқатан ҳам дунёнинг ҳеч бир мамлакатида учрамайдиган мазкур уч босқичли тизим ғоят ноёбдир. Гапимнинг исботи сифатида шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан жорий этилган ана шу мусобақаларда ғолиб бўлган ёшларимиз айни кунларда сузиш, енгил атлетика ва спортнинг бошқа турлари бўйича халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишаётганини айтиб ўтмоқчиман. Мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари ўртасида жаҳон андозалари асосида қурилган янги спорт иншоотларида ўтказилаётган мусобақаларнинг яна бир афзаллик томони шундан иборатки, иштирокчилар туман ва вилоят босқичларидан ўтганларидан кейин, яъни обдон саралангач, асосий мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

> «...ВУЖУДИДА, ТОМИР-ТОМИРИДА УЛУҒ АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ҚОНИ ЖЎШ УРГАН, ЧУҚУР БИЛИМ ВА МУСТАҚИЛ ДУНЁҚАРАШГА ЭГА БЎЛГАН БАРКАМОЛ АВЛОДИМИЗ ДУНЁДА ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙДИ. АЙНИҚСА, БУГУНГИ МУРАККАБ ВА ТАҲЛИКАЛИ ЗАМОНДА ҲАЁТ СИНОВЛАРИДА ТОБЛАНГАН, ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ҲАМ ЎЗ ХАЛҚИ ВА ЮРТИГА САДОҚАТ БИЛАН ЯШАЙДИГАН, УНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАДИГАН ЁШЛАРИМИЗ МАМЛАКАТИМИЗНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ВА ЮКСАК БОСҚИЧЛАРИГА ОЛИБ ЧИҚИШГА ҚОДИР БЎЛАДИ».
>
> **Ислом КАРИМОВ**

— Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси юқори ташкилот — Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) билан бевосита ҳамкорликда қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Бу борадаги ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган, десам,муболаға қилмаган бўламан. Масалан, миллий қўмитамиз томонидан ХОҚнинг "Олимпия бирдамлиги" дастури бўйича кадрлар малакасини ошириш мақсадида юртимизда фаолият олиб бораётган мураббийлар учун семинарлар уюштирилиб, машғулотларни олиб боришга хориждан малакали мутахассислар таклиф этилмоқда. Шу кунларда эса мазкур дастурга ажратилган маблағлар ҳисобидан Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритган иқтидорли ёшларимизга стипендия бера бошладик. Бундан ташқари, йил давомида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида анъанавий "Олимпия югуриш куни", "Спорт — чекишга қарши" каби оммавий тадбирлар ўтказилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Одатда бундай мусобақалар марафон тарзида ташкил этилади, унинг ғолиблари ҳомийларнинг соврин ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

— Эндиликда жаҳонга танилган миллий спорт туримиз — курашнинг Олимпия ўйинларига киритилиши учун бўлаётган ҳаракатлар натижаси қандай бўлаяпти?

— Чиндан ҳам, сўнгги йилларда миллий қадриятимиз— курашнинг жаҳондаги нуфузини янада ошириш, мазкур спорт турини Олимпия ўйинлари сирасига киритиш учун жиддий қадамлар ташланди. Эътиборли томони шундаки, бу йўлдаги кўприк сифатида Осиё ўйинлари танлаб олинди. Жумладан, 2002 йилги Пусанда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида ўзбек кураши вакиллари кўргазмали чиқишлар қилиб, кўпчиликнинг эътиборини қозонишди. Шунинг учун бўлса керак, Осиё Олимпия Кенгашининг 2003 йил март ойида ўтказилган 45-бош ассамблеясида "...Кураш Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олишга ҳақли" (Осиё Олимпия Низомининг 59-банди) эканлиги таъкидланди. Шундай экан, ўйлайманки, яқин йилларда курашимиз Олимпия ўйинлари дастурига ҳам киритилади.

— Республикамизда ҳар йили спортнинг бир неча тури бўйича жаҳон ва Осиё биринчиликлари, ўнлаб бошқа халқаро мусобақалар ўтказилмоқда. Айтинг-чи, Ўзбекистоннинг Осиё ўйинлари ёки Олимпия ўйинлари каби мусобақаларга мезбонлик қилиш истиқболи қандай?

— Ёдингизда бўлса, ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида Тошкент 2000 йилги Олимпия ўйинларини ўтказиш учун даъвогар ҳисобланган шаҳарлар рўйхатига киритилганди. Бироқ айрим сабабларга кўра, пойтахтимиз танловнинг кейинги босқичларида иштирок эта олмаганди. Бугунга келиб, республикамизнинг бир қатор йирик шаҳарлари ҳар хил мусобақаларга тайёргарлик кўриш жараёнида замонавий, ҳавас қилса арзигулик спорт иншоотлари ва бошқа қулайликларга эга бўлди. Пойтахтимиз эса айни пайтда "Универсиада —2007"га ҳозирлик кўрмоқда. Шундан келиб чиқиб, яқин келажакда Тошкент, Самарқанд, Қарши, Бухоро каби шаҳарларимиз бемалол Осиё ёки Олимпия ўйинларига мезбонлик қила олади,дейиш мумкин.

ОБ-ҲАВО

31 август - 6 сентябрь

Сентябрь куз ойи ҳисобланса-да, серқуёш диёримизда уни ёз фаслининг давоми, деб биладилар. Жумладан, метеохизмат ходимларининг маълумотларига кўра, бугун ва янги ойнинг дастлабки ҳафтасида республикамизда иссиқ об-ҳаво кузатилади. Ёғингарчилик кутилмайди.

Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистонда кечаси **16-20,** кундузи: дам олиш кунлари **38-41,** янги ҳафтанинг биринчи ярмида **34-38** даража қайд этилади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳаво ҳарорати кечаси **17-20,** кундузи **36-41** атрофида бўлади.

Фарғона водийсида ҳароратнинг озгина пасайиб, кечаси **16-18,** кундузи **35-38** даража бўлиши кутилади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси **14-19,** кундузи **32-34** даража бўлади.

Тошкентда ўтган ҳафта кузатилган об-ҳаво сақланиб қолади. Ҳарорат кечаси **17-19,** кундузи **35-37** даражани ташкил этади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

4-11 сентябрь

ҚЎЙ. Сешанба куни кўпдан буён кўришмаган дўстларингиз билан суҳбатда бўлиб, кўнглингиз анча ёзилади. Буржнинг санъаткор вакиллари ўз истеъдодлари эвазига мўмай даромад топиш имконига эга бўлсалар, тадбиркорлар ҳафта охирида қатор қийинчиликларга дуч келадилар.

БУЗОҚ. Ўқув йили бошланиб, фарзандларингиз мактабга чиққач, оилавий ташвишларингиз бир мунча ортгандек бўлади. Шунга қарамай, мазкур ҳафтада ишдан бўш вақтингизда гилам-полосларни ювишга, қолаверса, бутун деҳқон бозорини уйингизга "кўчириб", қиш ғамини ейишга ҳам улгурасиз.

ЭГИЗАКЛАР. Тақдир тақозосига кўра, узоқ муддат кўришмаган қариндошларингиз билан узилган алоқаларни тиклайсиз. Ҳафта ўртасида соғлиғингиз билан боғлиқ муаммоларга дуч келсангиз-да, кўп ўтмай, уларни бартараф этиб, дам олиш кунларини кўнгилдагидек ўтказасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА. Иш, иш ва яна ишдан иборат ҳаётингизни ўзгартираман, деб овора бўлманг. Сабаби — шу кунларда айнан меҳнатсеварлигингиз туфайли ҳамкасбларингиз орасида катта обрў орттиришга, ўз навбатида моддий томондан манфаатдор бўлишга эришасиз.

АРСЛОН. Душанба куниёқ яқинларингизнинг баъзи қилиқлари асабингизни "қитиқлаш" мумкин. Аммо сиз тарқалган майда-чуйда иғволарига парво қилманг. Шундагина ҳафтанинг қолган қисмини ўзингиз хоҳлагандек ўтказишга муваффақ бўласиз.

ПАРИЗОД. Хафа бўлманг-у бу ҳафтада омад сиздан очиқчасига юз ўгириши мумкин. Жумладан, чоршанба куни рақиблар домига тушишдан эҳтиёт бўлинг. Шундай бўлса-да, тушкунликка тушманг. Сабр қилинг. Зеро, кейинги ҳафта кўчангизда деярли ҳар куни байрам бўлиши кутилмоқда.

ТАРОЗИ. Спорт ва савдо-сотиқ соҳасида фаолият кўрсатадиган "тарози"лар учун ҳафта муваффақиятсиз бошланади. Бироқ буржнинг ижод билан шуғулланувчи вакиллари кўрқмасдан енгларини шимариб, катта асарларга қўл уришлари мумкин: ҳафта давомида омад ва илҳом уларни деярли тарк этмайди.

ЧАЁН. Кутилмаганда ҳафта бошида вужудга келган муаммоларни бир-икки кунда ҳеч қандай қийинчиликсиз ҳал қилишга эришасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса қўл урган ишларингизни аъло даражада якунлашга муваффақ бўласиз.

ЎҚОТАР. Келаси ҳафтада уддабуронлик ва узоқни кўра билиш каби қобилиятларингиз ёрдамида яхши яшаш учун олиб борилган курашларнинг барчасида ғолиб бўласиз. Шанба куни эса дам олиб, эришган ютуқларингизни сарҳисоб қилиш имкониятига эга бўласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳамкасбларингиз орасида кўп йиллар мобайнида орттирилган ишонч ва обрўингиз айнан шу ҳафтада ўз самарасини бериши кутилмоқда. Душанба куни ҳар томонлама манфаатли келишувни имзоласангиз, шанбада фойдали харид қилишга муваффақ бўласиз.

ҚОВҒА. Ҳафтани яхши кайфиятда бошлай, десангиз, ўғирлатиб ёки йўқотиб қўйишингиз мумкин бўлган қимматбаҳо буюмларингизни бегона кўзлардан узоқроқ жойга яширинг. Пайшанба куни таваккал қилиб бошлаган ишингиз ижобий якунланилиши кутилмоқда.

БАЛИҚ. Иш жойингиздаги раҳбарларингиз ёрдамида мартабангизни оширишга эришасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярми ҳар хил музокара, келишув ва учрашувларга бой бўлади. Якшанба куни дўстлар даврасида мириқиб дам оласиз.

Газетанинг навбатдаги сони 14 сентябрда чиқади.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Мухаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шухрат НОРГИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
Н. ТОШЕВ, Ш. ХЎЖАЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1057
Тираж: 11156

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73^-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

XASR ©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EXPRESS MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)151-29-52.
E-mail: milapress@yahoo.com

РЕКЛАМА

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz
MULKDORGA HAMKOR